




ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ

Ўзбекистон шароитида қанчалик самара беради?

5

АКЦИЗ СОЛИҒИНИНГ

бекор қилиниши одамларга қулайлик яратадими?



22

@mahalladoshuz @mahalladosh_uz www.mahalladosh.uz

№20
(1920-1923) 2020 йил
11 – 18 июнь

МАҲАЛЛА — АДЛАТ ТАРОЗИСИ

Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Ўзбекистонда
ИСТЕЪМОЛ САВАТЧАСИ
қачон жорий этилади?



13

СТАТИСТИКА ТИЗИМИ
қачон очиқ ва шаффоф бўлади?



16

Энди
СИФАТСИЗ ҚУРИЛИШ
материаллари ишлатилмайди



17

БОЗОРЛАР ФАОЛИЯТИГА
рухсат бериш вазиятини оғирлаштирайдими?



18



ҚАР БИР ХОНАДОН, КЎЧА ВА МАҲАЛЛАНИ ОБОД ҚИЛИШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ!

3



ГОНКОНГ
катта ғавғолар марказида

29



БЕХБУДИЙГА
суиқасд қандай содир бўлган?

31

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига
Муҳтарам Президент Жаноблари!

Сизга ва 2020 йил 1 май куни Сардоба сув омборининг тўғони қисман қулаши оқибатида жабрланганларга ҳамдардлик билдираман. Сув остида қолган уйлар, кўчирилган аҳоли, вайрон бўлган йўллар ва фермер хўжаликлари

тасвирларини кўриш қалбни ларзага солиди.

Шахсий эътибор ва тезкор чоралар кўриш орқали Сиз лидерлик хусусиятларини намойиш этдингиз. Давлат департаменти ва АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги ҳам ушбу фожиага жавобан дархол чора кўрдилар ва кўмак кўрсатишга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз учун маблағ ажратдилар.

Америка Қўшма Штатлари ушбу мушкул пайтда Ўзбекистон ва унинг халқига елкадошдир.

Шу билан бирга, коронавирусга қарши курашда биргаликда иш олиб борар эканмиз, ушбу мудҳиш пандемияга қарши чора-тадбирлар учун ёрдам бўйича сўровингиз тез фурсатларда кўриб чиқилишини таъминлаш учун маъмуриятимга кўрсатма бердим.

Ўрнатилган,

Дональд ТРАМП,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

«МАҲАЛЛА ВА ОИЛА» ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда «Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий маркази негизда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.



Ҳукуматнинг 2020 йил 10 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан унинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Жумладан, институт зиммасига жамиятда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган тизимни тўлақонли ва самарали жорий этиш, маҳалла ва оила институтларини мустақамлаш соҳасидаги устувор йўналишларни шакллантиришда иштирок этиш, фанларро фундаментал, илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, тузилма маҳалла ва оила институтларини мустақамлаш, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий фаолликни оширишга қаратилган концепцияларни, комплекс мақсадли, соҳавий ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишнинг илмий-методологик асосларини шакллантиради. Маҳаллалар ва оилаларда соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлаш, умуминсоний ва миллий кадрларни, шу

жумладан, оилавий кадрларни мустақамлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқади.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш соҳасидаги долзарб илмий муаммоларга бағишланган илмий, илмий-амалий конференциялар, семинарлар, йиғилишлар ташкил этиш, шунингдек, ушбу соҳада юқори малакали илмий кадрларни тайёрлаш, илмий ходимларнинг касбий даражасини доимий ошириб бориш ҳам институтнинг асосий вазифаларидан этиб белгиланди.

Бундан ташқари, институт ўз фаолияти йўналишлари бўйича республикадаги таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга оширади, хорижий мамлакатларнинг илмий-тадқиқот муассасалари билан халқаро алоқаларни ривожлантиради.


Қарор билан институтнинг тузилмаси ва устави ҳам тасдиқланди.

Институт Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда «Маҳалла» ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, тузилган шартномалар бўйича ҳуқуқий вазифаси ҳисобланади.

Фазлиддин МУҲИДДИНОВ.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Сариосиё туманидаги «Гул-обод» маҳалласида яшовчи Камолддин Жамиллов ва унинг турмуш ўртоғи Бибимарзия ая хайрли ишга қўл урди. Отахон ва онахон бир неча йиллардан буён муборак Ҳаж зиёратига бориш ниятида йиққан маблағини маҳалладаги эски трансформаторни алмаштириш учун хайрия қилди.



ҲАЖ УЧУН ЙИҒИЛГАН МАБЛАҒ ЯНГИ ТРАНСФОРМАТОРГА САРФЛАНДИ

Гулбодликлар ҳозирги кунгача 1964 йилда ўрнатилган трансформатордан фойдаланиб келишар, бу эса таъминотда узилышларга сабаб бўларди. Оила муборак зиёратга аталган 70 миллион сўм маблағни янги трансфор-

матор харид қилишга сарфлаб, маҳалланинг электр энергияси таъминоти яхшиланишига ҳисса қўшдилар. Савобли иш туфайли электр узатилишларига барҳам берилди.

Музаффар АБДУШУКУРОВ.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

БИР МАҲАЛЛАДА ИККИТА КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

Жорий йил вилоятда 32 та тикувчилик корхонаси ташкил этиш режалаштирилган. Яқинда Гулистон туманидаги «Ибрат» маҳалласида режадаги корхоналарнинг иккитаси ишга туширилди.



«MISS MILEDI» МЧЖга қарашли «Барака чеварлари» тикувчилик цехида 300 та иш ўрни яратилиб, икки смена асосида 150 нафардан хотин-қизнинг бандлиги таъминланган бўлса, маҳалланинг Зиёкор кўчасидаги «Garnet teks» тикув трикотаж цехида 110 киши ишли бўлди.

— Ишни банкдан олинган 1,5 миллиард сўм маблағ эвазига бошлаб юбордик, — дейди «Garnet teks» корхонаси раҳбари Дилфуза Алматова. — Навбатдаги цехларни ишга тушириш учун беш миллиард сўм кредит

олишни режалаштирганмиз. Корхона тўлиқ қувватда ишлаб бошлагач, 500 та иш ўрни яратилади. Туманимиздаги 2 та касбхона коллежида ташкил этилган қисқа муддатли ўқув курслари орқали хотин-қизларни тикувчилик, замонавий тикув машиналаридан фойдаланишга тайёрлаб бораемиз. Корхонамиз Россия ва Тожикистонга 100 фоиз пахтадан тайёрланган аёллар ва эркеклар кийимларини етказиб бериш бўйича шартнома тузди.

Носир ҲАЙДАРОВ.



Президент қарорига кўра Геология фанлари университети ташкил этилади.

ҲАР БИР ХОНАДОН, КЎЧА ВА МАҲАЛЛАНИ ОБОД ҚИЛИШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ!



Масъулият оширилиши керак

Ўтган давр мобайнида маҳалла тизими фаолиятини ривожлантириш, «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган янги тизимни ҳар бир маҳаллада жорий этиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, маҳаллаларда ишни тўғри ташкил этиш, камбағалликни қисқартириш, томорқадан самарали фойдаланиш, ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича вазирлик томонидан бир қанча дастур ва режалар ишлаб чиқилган.

Видеоселектор йиғилишида **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов** соҳа вакилларининг ўз вазифаларини янада уюшқоқлик билан олиб бориши учун, аввало, ишга бўлган муносабат ва масъулиятни ошириш, ҳудудлардаги ишларни тўғри ташкил этиш, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, «Маҳалла – адолат мезони эканлиги, уларнинг иши адолат мезонларига таяниши лозим»лигини ҳар доимо юракдан ҳис қилиш зарурлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, обод маҳалла — бу бизнинг, энг аввало, фаровон оилаларимиз, қадриятлар бешиги бўлган маҳаллада ўсиб-ўлғаяётган маънавий ва жисмоний баркамол ёшларимиз, кўркем қишлоқларимиз, замонавий ва файли масканларимиздир. Аммо ўтган йиллар давомида соҳада ечимини кутаётган масалалар йиғилиб қолганди. Биргина фуқаролар йиғинлари зиммасига 200 дан ортик вазифаларнинг юклатилгани, турли ташкилот ва маҳаллий ҳокимият вакиллари томонидан маҳалла тизими вакилларига доимий равишда бошқа топшириқлар бириктириб борилгани бу борада яқдил бир қарор қабул қилиш эҳтиёжини туғдириб келмоқда эди.

Обод маҳалла, шубҳасиз, обод хонадон, кўчадан бошланади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур масалага кўп бора тўхталаётгани боиси ҳам шунда. Жорий йилнинг 8 июнь куни Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида маҳалла тизими фаолиятида учраётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, «Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» тамойилини ижтимоий ҳаётга кенг жорий этишнинг устувор вазифаларига қаратилган видеоселектор йиғилишида мазкур мавзу батафсил муҳокама этилди. Камчиликлар таҳлил қилиниб, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар режаси таҳлил қилинди. Республикаимизнинг барча вилоятларидаги тизим ходимлари билан видеокўприк орқали мулоқот янги тамойилнинг асосий жиҳатлари, бу борада қуйи тузилмалар олдида турган долзарб вазифалар, уларни амалга ошириш чора-тадбирлари мукамал тушунтирилди.



Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги эса бу борадаги муаммоларга катта ечим бўлиш билан бирга, маҳаллаларда тўғрилиб қолган муаммо ва камчиликларни оқилона ҳал этиш, тинчлик-осойишталикни асраб-авайлашда бизга берилган катта имконият бўлди. Бир сўз билан айтганда, бунинг натижасида жойларда муаммоларни ҳал қилишнинг яхлит ва таъсирчан вертикал тизими яратилди.

— **Давлатимиз раҳбари томонидан ҳар бир оила, кўча ва маҳаллаларимизда «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» тамойилларини кенг жорий этиш бўйича белгилаб берилган вазифаларни барчамиз, аввало, ўз иш услубимиз учун асосий тамойил сифатида белгилаб олишимиз, бу ғояларни кенг жамоатчилигимиз орқали халқимиз турмуш тарзи ва маданиятига сингдиришимиз лозим, — деди Раҳмат Маматов. — Натижада мамлакатимизнинг барча ҳудудларида обод гушалар, кўркем масканлар, маҳаллаларимизда намунавий хонадон ва кўчалар сони ортиб бораверади. Ана шундагина одамларимизнинг ҳаётга ишончи юксалиб, яшашга, келажакка интилиши янада кучаяди. Бир сўз билан айтганда, ободлик бор жойда файзу барака, ривожланиш бўлади.**

Янги Ҳаракатлар режаси — тартиб-интизом мезони

Йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан «Обод хонадон»,

«Обод кўча», «Обод маҳалла» тамойилларини амалиётга жорий этиш, ҳар бир оилада маиший маданиятни мустаҳкамлаш, хонадонлар ва кўчаларни обод қилиш бўйича белгилаб берилган муҳим вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу муҳим ҳаётий аҳамиятга молик тамойилларни республикамизнинг барча маҳаллаларида қарор топтириш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан шу йилнинг 10 июнидан бошлаб аҳоли орасида тарғибот ва амалий чора-тадбирларни июнь-август ойларида амалга оширишга қаратилган Ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди.

6 та йўналиш ва 44 та банддан иборат ушбу Ҳаракатлар режасининг ижросини таъминлаш доирасида карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда маҳаллалардаги ҳар бир кўчани ободонлаштириш, хонадон ва томорқа маданиятини ривожлантириш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган қатор тадбирлар олиб борилади ва амалий чоралар қўрилади.

Кекса авлод вакиллари ёшларга кўмакдош

Мазкур хайрли ва савобли ишларга туман ва шаҳарларда ташкил этилган Нурунийлар жамоатчилик кенгашлари аъзолари ҳам

фаол жалб этилади. Шунингдек, кам таъминланган ва камбағал оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатга лаёқатли аъзоларини касб-ҳунарга ўргатиш, иш билан таъминлаш, даромад манбаини шакллантириш орқали уларни камбағалликдан чиқариш чоралари ҳам амалга оширилади. Ижтимоий фаол кекса авлод вакилларини кенг жалб



этган ҳолда ёшларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирлар ўтказилади.

«Саломатлик учун беш минг қадам» шиори остида ҳар куни кечки пайт маҳаллаларда ташаббускор нурунийлар ҳамда ҳарбий хизматчилар иштирокида пиёда юриш тадбирлари ташкиллаштирилади. Видеоселектор йиғилишида қайд этилганидек, Ҳаракатлар режасида белгиланган чора-тадбирларни карантин қоидаларига қатъий риоя этган, ижтимоий масофани сақлаган ҳолда бажариш чоралари қўрилади.

Тадбирда Ҳаракатлар режаси доирасида ишлаб чиқилган ва Тошкент вилояти Оққўрғон туманида амалга ошириладиган чора-тадбирлар Дастури мисолида ҳар бир туман (шаҳар) ўз дастурини тасдиқлаб, шу асосда иш олиб бориши зарурлиги айтиб ўтилди.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»



«Дўстлик – Кўйлик» метро линияси
қуриб битказилди.

Кексаликни инсон умрининг донишмандлик палласи дейишади. Боиси умрнинг бу довоғига етиб келгунга қадар киши ҳаётнинг турли пасту баландини кўради, аччиқ-чучугидан сабоқ чиқаради. Аслида «Қариси бор уйнинг париси бор» ҳикмати-нинг мазмуни ҳам шунга ишора.



НУРОНИЙЛАРИМИЗ ШУНЧАКИ ДУОГҲҲ ЭМАС, АКСИНЧА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАДИГАН ҚАТЛАМГА АЙЛАНМОҚДА



Содиқжон ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш
вазирининг ўринбосари.

Азалдан халқимизда бирор ишни бошлашдан аввал ёши улуглар махлаҳатини олиш, уларни хонадон фариштаси, дея эъозлаш одатта айланган. Айни пайтда ушбу халқона қадрият давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида вазирлик таркибиде Кексалар ва фахрийлар билан ишлаш бошқармаси ҳамда Кексалар ва фахрийларнинг ижтимоий фаолиятини ошириш бўлими ташкил этилгани бунинг амалдаги ифодаси. Янги тузилмалар зиммасига нурунийларимиз, ёлғиз қариялар, меҳнатта лаёқатсиз кекса ногиронларнинг моддий шароитини яхшилаш, тиббий ва бошқа хизматлар кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаолиятини ошириш каби муҳим вазифалар юклатилган.

Ҳақиқатан ҳам, маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда уларнинг ўрни ва аҳамиятини алоҳида эътироф этиш жоиз. Чунки пиру бадавлатларнинг кўп йиллик ҳаётий тажрибаси оилавий ажраллишларнинг олдини олишда профилактик рўйхатда турувчи вояга етмаганлар билан мулоқот қилишда асқатади.

Жамоатчилик тузилмалари қандай фаолият юритяпти?

Бугун ҳар бир маҳаллада кекса ва фахрийларимизни жипслаштирадиган, ўзаро фикр алмашишига замин яратадиган «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари ҳамда «Бувижонлар мактаби» жамоатчилик кенгаши

фаолият юритмоқда. Эндиликда вазирлик томонидан уларнинг фаолиятини жонлантириш, услубий ёрдамлар кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 23 майдаги қарори билан Нурунийлар жамоатчиликлари кенгаши тўғрисида Намунавий низом тасдиқланиши эса тузилмалар фаолиятини жонлантиришда айна муддао бўлди.

Низом билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман ва шаҳарлардаги нурунийлар жамоатчилик кенгашларининг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби белгиланди.

Маҳаллаларда нурунийларнинг билим ва бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш масалаларида самарали фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш кенгашнинг асосий вазифаларидан бири экани қайд этилди. Шунингдек, кенгаш аъзолари ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган нурунийларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича «маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла» тамойили асосида ҳамкорлик тизимини самарали ташкил этишда жамоатчилик тузилмалари аъзолари, ижтимоий фаол меҳнат фахрийларини кенг жалб этиши кўзда тутилди.

Кенгаш кексалар ўртасида тўрт босқичли «Ёшлар мураббийси» кўрик-танловининг маҳаллалараро (саралаш), туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларини ташкил этиш ва ўтказишда шаффофлик, ошкоралик, адолатлилик, тенглик принципларига амал қилиниши устидан жамоатчилик назоратини ҳам амалга оширади.

Кексалар учун туризм ойлиги қачон ўтказилади?

Жорий йилнинг 28 май санасида Вазирлар Маҳкамасининг «Кексаларни давлат томонидан

қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши юртимизда нурунийлар ҳамisha эътиборда эканининг яни бир амалий ифодаси бўлди. Қарор билан I гуруҳ ногиронлиги бўлган кексалар учун бепул саёҳат уюштириш бўйича имтиёз жорий этилди.

Унга кўра, юртимизда 1 ноябрдан 30 ноябргача «Кексалар учун туризм ойлиги» эълон қилинади. Ойлик доирасида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси туризм объектлари томонидан ихтиёрий тақдим қилинадиган чегирмалар ва акциялар тўғрисида ўз расмий веб-саҳифасида эълон

лар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ногиронлар ва ёлғиз пенсионерларга ижтимоий ва тиббий таъминот хизматларини кўрсатиш вазифаси топширилди. Ўзгалар парваршига муҳтож ва ёлғиз кексаларнинг тураржойларини таъмирлаш учун маҳаллий бюджетлардан маблағлар ажратилиши назарда тутилган.

Саховат тадбирларида кексалар ҳам фаол

Ҳозир синовли кунларни бошимиздан ўтказяптимиз. Пандемия, Бухоро ва Сардобадаги воқеликлар ҳар биримизнинг қалбимизни тирнайди. Меҳр-оқибат, саховат ва ғамхўрлигимиз синовдан ўтказилаётган бу даврда нурунийларимиз ҳам томошабин бўлиб тургани йўқ.

Пиру бадавлатларимиз «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатида нафақат тарғиботчи, балки ҳаракатнинг фаол иштирокчисига ҳам айланишган. Нурунийлар савобли ишларга муно-

“ “ **Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 23 майдаги қарори билан Нурунийлар жамоатчиликлари кенгаши тўғрисида Намунавий низом тасдиқланиши эса тузилмалар фаолиятини жонлантиришда айна муддао бўлди.**

қилиб боради. Транспорт вазирлиги «Uzbekistan Airways» АЖ ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан биргаликда саёҳат қилувчилар учун чипталарга ихтиёрий чегирмалар тақдим этади. Бундан ташқари, Маданият вазирлиги маданий мерос объектларига кириш чипталарига чегирмалар эълон қилишни режалаштирмоқда.

«Саёҳат — барча учун!» Ана шу шиор остидаги хайрия лойиҳаси бутун мамлакат бўйлаб амалга оширилади. I гуруҳ ногиронлиги бўлган кексалар йилига бир марта бепул туристик саёҳат қилиш имконидан фойдаланишади. Рўйхат эса 1 октябрга қадар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан шакллантирилади.

Саёҳат давомида саёҳатчиларни жойлаштириш, овқатланиш ва транспорт хизматлари учун маблағларнинг 50 фоизи хайрия лойиҳасининг махсус ҳисобварағидан, қолган қисми «Нуруний» жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўлланади.

Шунингдек, қарор билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазир-

сиб ҳиссасини қўшишди. Ҳатто сув тошқинидан зарар кўрган аҳолига ёрдам кўрсатиш мақсадида хайрия акцияси ўтказишди. Тўпланган уй-рўзғор буюмлари, тиббиёт воситалари ва бошқа маҳсулотлар Сирдарёдаги нурунийлар яшаётган хонадонларга етказиб берилди.

Кекса авлод вакилларини жамиятимизнинг фаол иштирокчисига айлантириш, оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришдаги бу сый-ҳаракатлар шиддат олса оладик, асло сусаймайди. Пенсия ёшлига чиқиб, баъзан узини жамиятдан узилиб қолгандек ҳис қиладиган нурунийларнинг жамият ҳаётидаги фаолиятини ошириш эса ҳар томонлама хайрли ва манфаатлидир.

Зотан, уларнинг «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» деган улугвор ғоя атрофида бирлашиб, ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантиришда фаол иштироки жамиятимиз тарқиқетига хизмат қилади.



Ҳарбий хизматни ўташ тартибига ўзгартиришлар киритилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 9 июнь куни миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга доир долзарб масалалар муҳокамашига бағишланган йиғилишда Хитой тажрибасидан келиб чиқиб, камбағаллик даражаси юқори бўлган қишлоқларга вазирлик ва идораларни бириктириб, муҳтожларга кўмаклашиш тизимини яратиш, оилавий тадбиркорлик ва томорқачиликни ривожлантириш бўйича топшириқлар берди.



ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ Ўзбекистон шароитида ҚАНЧАЛИК САМАРА БЕРАДИ?

Ҳақли савол туғилади: Хитой тажрибаси нимадан иборат? Унинг камбағалликни қисқартиришдаги ўрни қандай? Бу тажрибадан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш қанчалик самара беради?

Дэн Сяопин — Хитой ислохотлари ташаббускори

Беш минг йиллик тарихга эга Чин мамлакатининг буюк ислохотчиси Дэн Сяопин Хитой Халқ Республикаси тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. У иқтисодиёти мисли кўрилмаган суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий Хитойнинг меъмори сифатида дунёга танилган. Дэн Хитойда умумхалқ давлатига асос солди.

Жамиятга мутлақо янгиликларни, янгиликларни тақлиф этди, юқори самара берадиган жиддий иқтисодий ислохотлар ташаббускори бўлиб чиқди ва тарихан қисқа давр ичида Хитойни жаҳон бозорининг узвий бир қисмига айлантиришга муваффақ бўлди.

Дэн Сяопин ўзининг янги иқтисодий сиёсатида «тўрт соҳанинг модернизацияси» барча ислохотларнинг асоси деб эълон қилади. Шу принцип асосида мамлакат иқтисодиёти тўртта: мудофаа, қишлоқ хўжалиги, фан ва саноат ишлаб чиқариш секторларига бўлинди. «Социалистик бозор иқтисодиёти» мамлакатда бош йўналиш қилиб олинди. Дэн Сяопиннинг тавсияси бўйича иқтисодиётнинг кўпчилик секторлари ишига ҳукумат аралашуви камайтирилди, бошқариш ваколати ва масъулияти соҳа раҳбарлари ихтиёрига топширилди, хусусий секторларнинг роли ортди. XXРга хориздан тўғридан-тўғри инвестицияларни киритишга, халқаро савдога руҳсат берилди. Бу ташаббуслар Хитой аҳолиси турмуш даражасини кўтариш имконини берди, муҳими, олиб борилаётган комплекс ислохотлар халқ томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Қишлоқ хўжалигида хусусий сектор рағбатлантирилди

Энг муҳим сакраш қишлоқ хўжалигида содир бўлди. 1976 йил сентябрь ойида маҳаллий партия аъзолари хусусий фермерлик масаласини муҳокама қилиб, фермер хўжаликларига кам ҳосилли ерларни бериш, қолганларини эса коллективист усулида бошқарувда қолдириш юзасидан қарор қабул қилади. Натижада хусусий мулкнинг кичик ғалабаси кузатилди — деҳқонларнинг кам ҳосил берувчи ерларидан колхозчилар ерларига қараганда уч баробар кўпроқ ҳосил йиғилади.

Иқтисодий ислохотлар колхозларнинг хитойча варианты бўлган (уларда бу нарса «коммуна» деб аталган) тузилмаларни бекор қилиш ва давлатга қарашли экин майдонларини деҳқонларга фойдаланиш учун тақсимлаб беришдан бошланди. Шунингдек, уларга ўзлари етиштирган маҳсулотни мустақил сотиш ҳуқуқи берилди. Айнан шу тажриба қишлоқ хўжалиги унумдорлигининг ошишига олиб келди.

1978 йилга келиб барча коммуна хусусий мулкдорга кўчиб ўтади. Кейинчалик қишлоқда хусусий тадбиркорликнинг тарқалиши бошланди ва 1982 йилга келиб, хусусий фермер хўжалиги эътироф этилади.

Хитой қандай қилиб «дунё фабрикаси» деган ном олди?

Махсус иқтисодий зоналарнинг пайдо бўлиши ҳам «осмоноти мамлакат» қиёфасини ўзгартириб юборди. Айнан махсус иқтисодий зоналар капиталистик тамойилларга асосланган «Хитой тажриба майдони» бўлиши керак эди. Шундай махсус зоналардан бири сифатида Шэньчжэнь — балиқчи шаҳар танланади. 30 йил давомида 30 мингдан кам аҳолиси бўлган шаҳарча 14 миллион кишилик улкан мегаполисга айланади. «Эркин иқтисодий зона» деган тушунча ҳам аслида Хитойда пайдо бўлган. Дэн Сяопин бундан

40 йиллар аввал эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиб, уларни «махсус иқтисодий зона» деб номлайди. Ҳозир Хитойда Шэньчжэнь, Чжухай, Шаньтоу, Сямэнь, Хайнань каби 10 га яқин шаҳар, орол ва минтақаларда, шунингдек, кўплаб бошқа давлатларда ана шундай эркин иқтисодий зоналар фаолият юритмоқда. Хитой бу йўлдан бориб, дунё бозорини ўз маҳсулотлари — кийим-кечак, электроника, маший товарлар, машиналар, ҳатто болалар ўйинчоқларигача тўлдириб ташлади. Бир авлод умри давомида Хитой сиёсий, маънавий, иқтисодий таназулдан чиқиб, мустақам оёққа турди, қудратли иқтисодиётини шакллантирди, «дунё фабрикаси» деган ном олди, бу муваффақиятни бутун бутун дунё эътироф этмоқда.

Дэн Сяопин шиорларга ўч эмас эди. Унинг шиори битта: «Одамлар ўтган йилга нисбатан бу йил яхшироқ яшасин». Ислохотлар шундай олиб борилдики, одамлар йилдан-йилга аввалги йилга нисбатан яхшироқ яшай бошлади. Дэн Сяопин ислохотлар ўтказар экан, бир нарсани — у ҳам бўлса, марказий ҳокимиятни бўшаширмамаслигини англаб етди. Ислохотлар шошма-шошарлик билан эмас, етти ўлчаб бир кесган ҳолда олиб борилди. Корхона ва фермерлар ишига бюрократларнинг асосиз аралашуви ва ортиқча текширувларнинг барҳам топгани, коррупцияга қарши аёвсиз кураш «осмоноти мамлакат»нинг қаддини тиклади.

Камбағалликни қисқартириш тажрибаси нимани назарда тутди?

Хитойнинг камбағалликни камайтириш бўйича тажрибаси Ўзбекистон учун энг яхши намуна қилиши мумкин. Бу борада Чин юртида кўрилаётган чоралардан бири шундаки, ҳар бир раҳбар ёки партия ходими халққа ғамхўрлик қилиши ва тўрт-бешта оилани ўз ҳомийлигига олиши керак.

Кам таъминланганларга ижтимоий нафақалар ўрнига уруғлар, кўчатлар, микрокредитлар, ах-

борот хизматлари, технологик ёрдам, муқофот ва бошқа турдаги рағбатлантиришлар ажратилди. Аҳолига бозор иқтисодиёти шароитида ишлаш ва молиявий саводхонлик асослари ўргатилади. Бундан ташқари, жойларда маҳаллий чорвачилик, деҳқончилик ва бошқа йўналишлар бўйича курслар олиб борилади. Ҳар бир оила аъзоси камида битта касбни эгаллаши шарт.

Шунингдек, муҳтож оилаларга яшаш шароитларини яхшилаш учун 100 минг юань (14 минг доллар атрофида) миқдорда маблағ ажратилади. Маҳаллий ҳокимият кўмаги билан бундай оилаларда таъмирлаш устахонаси, фермер хўжалиги ёки кичик ишлаб чиқариш цехи ташкил этилади. Аҳолининг кам таъминланган қисмига ижтимоий кафолатлар — таълим, тиббий хизмат ва уй-жой берилди. Шундай қилиб, ҳукумат халқ билан ўзаро ишончли муносабат ўрнатди ва бу йўналишда маълум ютуқларга эришди.

Ўзбекистон билан Хитойнинг тараққиётида муштарак жиҳатлар кўп. 2019 йил апрель ойида «Бир макон, бир йўл» халқаро форуми доирасидаги учрашувда Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий кўмитаси раиси Ли Чжаньшу шундай деган эди: «Олиб бораётган сиёсатининг мақсади ва амалга ошираётган ислохотларининг қўлами Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни буюк Хитой ислохотчиси Дэн Сяопинга қиёслашга тўла асос беради».

Ўзбекистонга, унинг раҳбарига берилган бундай баҳони ўқиб, Хитой ислохотлари билан биз қанчалик қизиқаётган бўлсак, Чин юрти ҳам Ўзбекистонни ва мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларни шунчалик диққат-эътибор билан кузатиб бораётганига ишонч ҳосил қиласан киши. Шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг пахта ва ғалла ҳосилига давлат буюртмасини бекор қилиши, камбағалликни қисқартириш борасидаги фармон ва қарорлари, «одамларга балиқ эмас, қармоқ беринг» қабилидаги даъватлари, эркин иқтисодий зоналарнинг барпо этилиши, коррупцияга қарши кураш, рақамли иқтисодиётга ўтиш ташаббуслари, албатта, ўз самарасини беради.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Бош прокуратура аралашуви билан тиббиёт ходимларига
5,6 миллиард сўм маблағ тўлаб берилди.


ИНСОН ҚАДРИ юртга сингган меҳнат, хизмат билан ўлчанади

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг аҳоли ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 5-6 июнь кунлари Фарғонага ташрифи вилоят аҳлини руҳлантириб юборди. Барчани бир ёқадан бош чиқариб мамлакат, вилоят тараққиёти учун меҳнат қилишга ундади. Зеро, инсон фақат ва фақат эл-юрт учун қилган меҳнати, хизмати билангина ҳақиқий кадр топа олади. Давлатимиз раҳбари худуднинг барқарор иқтисодий ўсиши, ижтимоий юксалишида тадбиркорларнинг хизматини алоҳида таъкидлади.

Хар кимга ўз ошиёни азиз...

Дарҳақиқат, вилоят ҳокимлиги матбуот хизматининг таъкидлашича, 2012 йили Фарғонада 19 мингта тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 59 мингдан ошди. Ялғи маҳсулот ҳажмида тадбиркорларнинг улуши йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Фарғоналик тадбиркорлар орасида мамлакатимиз микёсида жуда катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлаётган, юзлаб ватандошларимизни муносиб иш ўринлари билан таъминлаб, билими, ташаббуси билан иқтисодиётимизга катта ҳисса қўшаётганлар кўплаб топилди. Шулардан бири — Хитойда ўқиб, рус, испан ва инглиз тилларини мукамал ўрганган, 15 йил ўша мамлакатда тадбиркорлик қилиб, халқаро бизнес сирларини чуқур ўлаштирган Салоҳиддин Юнусовдир.

— Бизнесда омад қозонмоқчи бўлсанг, ишни ҳеч ким қилмаган ташаббусдан бошла, деган олтин қоида бор, — дейди вилоятдаги «Экокерама» МЧЖ таъсисчиси С.Юнусов. — Муҳтарам Президентимизнинг юртга қайтиш тўғрисидаги даъватлари ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори жадал ўсиб бораётгани, бизнес мухити тобора яхшиланиб бораётгани мени ота юртга қайтишга ундади. Ишни мамлакатимизда ҳали кенг тарқалмаган, аҳоли эҳтиёжлари, асосан, чет эл маҳсулотлари ҳисобига қондирилаётган соҳадан бошлашга қарор қилдик. Масалан, Андижон вилоятда кўп миқдорда қальцит қазилма бойлиги бор. Самарқандда эса кварц сероб. Тошкент, Қашқадарё ва Фарғона доломитга бой. Арзимаган нарҳда сотиладиган бу хомашёлардан жаҳон микёсида харидоргир, ўта сифатли, қиммат керамик сантехника буюмлари ишлаб чиқарса бўлади. Аммо шу пайтгача Ўзбекистон бундай буюмларни импорт қилиб келди. Бизнес бошлашдан олдинги ўрганишларимиз мамла-



катимиз йилига 650 минг дондан ортиқ сантехника буюмларини хориждан олиб келишни кўрсатди. Натижада Фарғона туманида ташкил этилган корхонамизда 500 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозирда корхонамиз йилига 500 минг донга 20 турдаги сантехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Яқин истиқболда йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 25 миллион долларга етказишни режалаштирганмиз. Унинг 20 млн. доллари импорт ўрнини босади, 5 млн. долларлик маҳсулотларимиз экспортга йўналтирилади. Маҳсулотларимиз сифати жиҳатидан ҳеч бир чет элликдан қолишмайди. Кунни кеча муҳтарам Президентимиз биз билан қилган самимий мулоқотда хомашё масаласидаги баъзи муаммоларимизни жуда яхши билишларига қойил қолдим. Давлатимиз раҳбари хомашё клас-тери ташкил этиш ва корхонамиз учун 30 йиллик захира яратиш ташаббуси билан чиқди. Фаолият кўламини янада кенгайтириш борасида ҳаётий маслаҳатлари бизни янги-янги лойиҳаларни амалга оширишга рағбатлантирди. Президентимиз айтганидек, Фарғонанинг тадбиркори — Фарғонанинг ислохотчиси бўлиши керак. Ёш тадбиркор сифатида ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқариш учун астойдил ҳаракат қиламан. Зеро, ҳеч бир жой инсонга ўз ватанидек азиз ошиён бўла олмаслигини шахсий тажрибамдан келиб чиқиб жуда яхши биламан.

Аҳоли бой бўлиши учун тадбиркор бадавлат бўлмоғи лозим

— Президентимиз билан аҳоли, фаоллар, жумладан, тадбиркорлар мулоқоти жуда ҳам самимий ўтаётганидан хурсандман, — дейди «Фарғона тиббий диагностика» МЧЖ таъсисчиси Азимжон Мирзаалиев. — Тўғриси, бунақа учрашувларни вилоятимиз аҳолиси соғиниб қолган экан. Ҳозирда тиббий диагностика ва умумий овқатланиш соҳасига ихтисослашган 4 та хусусий корхона таъсисчиси ман. Корхоналаримизда бугунги кунда 230 нафар ҳамюртларимиз меҳнат қилади. Ходимларимиз маоши ҳам ҳавас қилгудек. Уларга ижтимоий имтиёзлар тақдим қилишни ҳам унутмаймиз. Касаба уюшмаси билан келишиб, баъзиларнинг талаба фарзанди учун шартнома пулларини тўлаб берсак, яна кимгадир тўй ўтказиш, янги уй олиши учун бошлангич тўлов беришда кўмаклашамиз. Касал бўлса, даволанишларида ёрдам кўлини чўзамиз. Буларнинг бари ишмиз юришгаётгани, бизга турли сунъий тўсиқлар қўйилмаётгани, кейинги йилларда юртимизда тадбиркорлик фаолияти ривожини учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар, имконият ва имтиёзлар самарасидир. Вилоятимиз бу борада кўпчиликка ўрнак бўла олади. Шу боис муҳтарам Президентимизнинг Фарғона тадбиркорлари бош ислохотчи бўлиши кераклиги тўғрисидаги ташаббусини қўлаб-

қувватлаймиз. Ишонманки, Фарғона тажрибаси тез орада бутун мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёзади.

Оналар — юртимиз файзи

— Фарғонада энг ёш тадбиркорлардан бири сифатида иш бошлаганман ва бугун бу борада 15 йиллик тажрибам бор, — дейди «Ибратли бекам» ўқув маркази раҳбари Шаҳноза Ғаниева. — Ҳозирда вилоятда 10,5 минг нафардан зиёд тадбиркор аёллар фаолият кўрсатаётгани эътибор ва рағбат самараси, албатта. Давлатимиз раҳбари ташаббусидан руҳланган ҳолда ўқув маркази, унинг қошидаги хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш фаолиятини янада кенгайтириш ниятидамиз. Ҳаётбахш ислохотлар жараёнида фарғоналик тадбиркорлар етакчи бўлишди. Бунинг учун ҳаётий тажрибамиз, билим ва салоҳиятимиз етади. Фарғонадаги кейинги ўзгаришлар муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев фаолияти билан бевосита боғлиқ. Боиси давлатимиз раҳбари ҳар гал вилоятга ташрифи чоғида кўплаб эзгу ташаббусларни илгари суриб, фарғоналикларга янада ғайрат-шижоат бахш этиб кетади. «Менинг энг катта ислохотим — ҳар бир оиланинг нури бўлган оналарни, хотин-қизларни рози қилиш, — деди Юртбошимиз Марғилон шаҳридаги Хунармандлар марказида бўлиб ўтган самимий мулоқот чоғида. — Сизларнинг кўзингиздаги ишонччи, умидни кўриб бахтиёр инсонман». Бу гаплардан таъсирланиб, ишонтириб айта оламани, юқоридагилар — Фарғонадаги ўзгаришларнинг бошланиши, қалдирғочи. Вилоятдаги ташаббускор хотин-қизлар, дугоналаримиз, опа-сингилларимизни ортимиздан эргаштириб, ҳар бирини ишнинг кўзини билгуччи тадбиркор қилмағунимизча тиңчимиз. Худо хоҳласа, натижаларимиз бундан ҳам юқори бўлади.

Улуғбек ИБОДИНОВ
тайёрлади.

Касбий (ижодий) имтиҳонлар дастурлари ва баҳолаш мезонлари соддалаштирилади.

Пандемия шароитида хорижда ишсиз қолиб юртимизга қайтишга йўл тополмаган меҳнат муҳожирларининг кўмак сўраб қилган мурожаатларига ижтимоий тармоқларда кўп марта гувоҳ бўлдик. Туғилган тупроғидан олисда ночор аҳволга тушган ватандошларимизнинг дардини ўзимизга яқин олдик. Афсус, қани энди уларга ёрдам бериш қўлингдан келса. Тўғри, давлатимиз ўз фуқароларининг муаммосига бефарқ қараб турмади, ҳаво йўллари орқали чартер рейслари ташкил этиб, имкон қадар уларни юртга олиб келишга ҳаракат қилди. Аммо маълум бир сабабларга кўра бу ҳаракатни мунтазам амалга ошириш имкони бўлмади.



МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИНИНГ

олиб келиниши қачон ЯКУНЛАНАДИ?



Қувонарлиси, 25 майдан бошлаб Ўзбекистонга қайтиш истагидаги меҳнат муҳожирларини чет элдан олиб келиш мақсадида ҳар кун чартер рейслари йўлга қўйилмоқда. Бу айни вазият бирмунча ўнғланаётганини кўрсатади. Ҳўш, мазкур ҳаво йўли қатновлари мушкул аҳволда қолган юртдошларимизнинг қанча қисмини қамраб олапти? Бугунги кунгача қанча одам юртга қайтарилди? Умуман олганда, уларнинг барчаси ўз уйларига тўлиқ қайта олишадими?

Оператив штаблар танаффуссиз ишламоқда

Маълумки, 2020 йилнинг 16 март кун хорижий мамлакатларда жорий қилинган карантин чоралари сабаб чет элда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан юз берадиган қийинчиликларни ўз вақтида ҳал қилиш ҳамда ватандошларимиз дуч келадиган ноодатий ҳолатларга тезкорлик билан чора кўриш мақсадида мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги, элчихоналари ва консуллик муассасаларида оператив штаблар ташкил этилди.

Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизматининг маълумот беришича, дипломатик ваколатхоналар ҳузуридаги оператив штаблар 24 соатлик режимда фаолият юритмоқда ва ҳамюртларимизга консуллик-ҳуқуқий, моддий-молиявий, сиёсий-дипломатик ва бошқа турдаги кўмак бериш бўйича комплекс чоралар кўрмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг дипломатик ваколатхоналари коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган тушунтириш

ишларини ҳам олиб бораётир. Расмий веб-сайтлар, «Facebook»даги саҳифалар, Телеграм-каналлар орқали Ўзбекистон ва фуқароларимиз бўлиб турган мамлакатдаги карантин чоралари шартларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги муҳим янгиликлар доимий равишда тарқатилляпти. Бу ишда ўзбек диаспорасининг фаол вакиллари, кўнгилли волонтерлар ва хорижий мамлакатларнинг маҳаллий ҳокимиятлари сезиларли кўмак кўрсатмоқда.

16 мингдан ошқ юртдошимиз чартер рейсларида олиб келинди

Жорий йилнинг 16 мартдан 7 июнига қадар 108 та чартер рейслар ташкил этилиб, 16031 нафар ватандошимиз (Россиядан — 10758, Туркиядан — 1920, БААдан — 1387) Ўзбекистонга олиб келинди. Бундан ташқари, 40633 нафар фуқаромизнинг Ўзбекистон—Қозоғистон чегарасини, 4882 кишининг Ўзбекистон—Қирғизистон чегарасини, 592 кишининг эса Ўзбекистон—Тожикистон чегарасини кесиб ўтган ҳолда тўсиқсиз ватанга қайтишларига кўмак кўрсатилди. 18-19 май кунлари Россия—Қозоғистон давлатлараро чегарасида («Маштаково» назорат-ўтказиш пункти) тўпланган 1206 нафар Ўзбекистон фуқаролари Қозоғистон ҳудуди орқали юртимизга олиб келинди.

1 июнь ҳолатига кўра, хорижий мамлакатлардаги тезкор штабларга ёрдам сўраб мурожаат қилган чет эллардаги фуқаролар сони 104 мингдан ортиқни ташкил этди.
— Ватанга қайтишни истаган

хориждаги ҳамюртларимиз чет элдаги Ўзбекистон дипломатик ваколатхоналарига мурожаат қилиши зарур, — дейди Ташқи ишлар вазирлиги ўринбосари Эркин Ҳамроев.

— Мурожаатлар асосида дипломатик ваколатхоналар ҳузурида ташкил этилган оператив штабда рўйхат шакллантирилади. Ушбу рўйхат Ташқи ишлар вазирлигига юборилди ва умумлашган ҳолда Республика махсус комиссиясига тақдим этилди. Комиссия ушбу масалани барча йўналишда ўрганиб чиқиб, сана белгилаб, кейин қарор қабул қилади.

Таъкидлаш жоизки, рўйхатни шакллантириш жараёни шаффоф бўлиши учун оператив штабда жамоат комиссияси тузилган бўлиб, унинг таркибида диаспора етакчилари, жамоат арбоблари, блогерлар, тиббиёт ходимлари ва талабалар фаол иш олиб бормоқда. Шу боис таниш-билишчиликка йўл қўйилди, деган гаплар ҳақиқатга зид. Биргина Россиянинг ўзида 100 мингга яқин ватандошимиз Ўзбекистонга қайтиш истагини билдирган. Шундай экан, қайси тоифадаги шахсларни биринчи навбатда юртга қайтариш керак? Бу борада, аввало, имконияти чекланган шахслар ва қариялар, оғир касаллиги бор фуқаролар ҳамда ҳомилдор, шунингдек, ёш болали аёллар ва талабаларга устуворлик берилди.

«Меҳр» лойиҳаси ҳам вазиятни бироз енгиллаштирди

Кўриниб турибдики, чартер рейслари қамрови чекланган ва қийин вазиятда қолган инсонларга вақтинча бўлса-да, бошқа усулда кўмак кўрсатиш талаб қилинади. Шу мақсадда 2020 йил 14 май кун мамлакатимизнинг Россиядаги элчихонаси қийин вазиятга тушиб қолган ватандошларга бир марталик молиявий ёрдам тўлашни кўзда тутадиган «Меҳр» лойиҳасини ишга туширди.

6 июнь ҳолатига кўра, 2428 нафар Ўзбекистон фуқароларига 14 935 076 рубль (тахминан 218 минг АҚШ доллари) миқдорда молиявий ёрдам берилди. 25 мартдан 28 майгача дипломатик ваколатхона Москва шаҳридаги ўта қийин вазиятдаги мамлакатимиз фуқароларининг яшаш ва озиқ-овқати учун жами 6700560 рубль (тахминан 100 минг АҚШ доллари) тўлади. Ёки Ўзбекистоннинг Истанбул шаҳридаги Бош консулхонаси 10 мингдан ортиқ ватандошларимизга озиқ-овқат тарқатилишини ташкиллаштирди, 150 дан ортиқ озиқ-овқат пакетлари ва 1000 дан ортиқ фуқароларга 180 минг турк лираси қўйиматидаги 1800 та озиқ-овқат талонлари тарқатилди. Шу каби ишлар хориждаги бошқа кўплаб шаҳарларда ҳам амалга оширилди.

Қамров янада кенгайди

Шу кунларда навбатдаги босқич чартер рейслари амалга оширилмоқда. Унга кўра, 8-21 июнь кунлари давомида 20 та рейс орқали хориждаги фуқароларимиз олиб келинади. Жадвалга кўра, Москва (8), Сеул, Новосибирск, Истанбул (4), Дубай (2), Рим, Тель-Авив, Қозон, Екатеринбург шаҳарларига авиақатнов назарда тутилган. Ҳар бир рейсда ўртача 250-260 киши олиб келиниши ҳисобга олинса, ушбу муддатда тахминан 5000-5200 нафар Ўзбекистонлик юртта қайтарилиши мумкин.

Умуман олганда, келгусида бу қамров янада кенгайиши кутиляпти. Қолаверса, юртдошларимиз бўлиб турган хорижий давлатларда карантин билан боғлиқ вазият юмшатилиши ҳам муаммони бир қадар ечиш эҳтимоли бор. Нима бўлгандаям, ҳукуматимиз томонидан чет элдаги фуқароларимиз масаласи бирор лаҳза кун тартибидан туширилмайди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солиш соддалаштирилади.

МАМЛАКАТ ЭНЕРГОТИЗИМИ ТАЛАБ ВА ЭҲТИЁЖНИ ҚОПЛАЙ ОЛАДИМИ?

Хоразм вилояти Боғот туманидаги «Ашхобод» маҳалласи «Обод қишлоқ» Давлат дастури асосида буткул янгича қиёфа касб этганига кўп бўлмади. Ислохот кўчасига ўрнатилган эски трансформаторнинг янгилангани ҳадеб чироқсиз қолаверадиган одамларнинг жонига оро кирди. Аммо яқиндаги жазирама қунарларнинг бирида янги трансформатор ҳам юқори истеъмолга дош беролмади, аҳоли таъбири билан айтганда, «чидолмай портлади». Сал ўтмай етиб келган мутахассислар носозликни бартараф этишди, хонадонларга яна нур қайтди. Аммо одамларнинг энергияга бўлган эҳтиёжи кундан-кунга ошиб бораётгани айна ҳақиқат. Шу ўринда савол туғилади: айна пайтда Ўзбекистон энергетика тизимида аҳолининг энергияга бўлган эҳтиёжини қоплаш, қолаверса, иқтисодий тармоқларнинг барқарор ишлаши ва ривожланиши учун қандай янгиликлар жорий этилмоқда? Умуман, мамлакат энерготизими республиканинг бугунги эҳтиёжини қоплай оладими?

ги асосида ишлайди.

Энергетика вазирлиги томонидан халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда паст углеродли ривожланиш миллий стратегияси ишлаб чиқиётганини эса мутахассислар тизимдаги катта ўзгаришлардан, деб баҳолашмоқда. Хўш, мазкур стратегияни қабул қилиш мамлакат энерготизимида қандай аҳамият касб этади?

— *Хужжат атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи иссиқлик газларини кам миқдорда чиқарадиган электр энергиясини ишлаб чиқаришга хизмат қилади, — дейди Энергетика вазири ўринбосари Шерзод Хўжаев. — Май ойининг бошида Ўзбекистонда Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки иштирокида мамлакатни 2030 йилга қадар электр энергияси билан таъминлаш Концепцияси қабул қилинди. Хужжат мавжуд электр станцияларни модернизация қилиш, қайта тикланувчи энергия манбалари ва атом электр станциялари ҳисобига электрогенерациянинг янги турларини яратишни назарда тутди. Бу чора-тадбирлар 2030 йилга келиб иссиқлик газларининг атроф-муҳитга ажралишини 2010 йилга*

нисбатан 10 фоизга қисқартириш имконини беради.

Ҳозирги кунда мазкур хужжат асосида Ўзбекистонда кам углеродли миллий энергетика стратегияси ишлаб чиқилмоқда ва уни тайёрлашда Европа тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари иштирок этаётир. Стратегия бир томондан, мамлакатни электр энергияси билан таъминлаш муаммосини ҳал қилса, иккинчи томондан, атроф-муҳитга салбий таъсирини қисқартиради.

Эҳтиёж қачон тўлиқ қопланади?

— *Кам углеродли энергетикага ўтиш стратегияси мамлакат энергетика тизимини моделлаштириш усуллари ва истиқболга мўлжалланган тараққиётнинг тахминий сценарийлари ёрдамида ишлаб чиқилмоқда, — дея таъкидлайди Ўзбекистон энергетика вазири Алишер Султонов. — Бу билан Corporate Solutions халқаро консалтинг компанияси шуғулланмоқда. Шу билан бирга, биз Германия, Испания, Япония тажрибасини ўрганмоқдамиз. Бирок ушбу мамлакатлар тажрибасини Ўзбекистон шароитида тўлиқ равишда қўллаш мумкин эмаслигини ҳам эътиборда тутиш жоиз. Бизнинг мамлакатимизда халқаро тажрибадан максимал равишда фойдаланган ҳолда ривожланишнинг индивидуал режаси танланади.*

Мамлакатда энергия


ишлаб чиқариш тизими эскирган ва самараси ҳам паст даражада бўлиб, табиий газ ва чекланган гидроэнергетик ресурсларга бутунлай тобе ҳолатдадир. Ушбу муаммолар қачон ҳал бўлади?

— *Бу вазиятда муаммолар қуёш, шамол ва сув каби муқобил энергия манбаларини ривожлантириш, шунингдек, мамлакат энерготизимига атом энергетикасини киритиш орқали ҳал қилиниши мумкин, — дейди Алишер Султонов. — Унутмаслик керакки, генерация(энергия ишлаб чиқарилиш жараёни)нинг барча кўринишлари атроф-муҳитга карбонат ангидрид газини кам ажратишни кўзлайди. Атом энергияси минимал карбонат ангидрид чиқиндилари билан энергия ишлаб чиқариш гуруҳига киради, шу билан бирга, у мамлакатни sanoat миқёсида узлуксиз ва сифатли электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.*

Стратегия кам углеродли энергетикага ўтишнинг уч сценарийсини акс эттиради, хужжатнинг таъсирчанлигини ошириш учун эса қайта тикланувчи энергия манбалари асосида генерацияни, хусусан, қуёш энергиясини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади. Режалар инвесторлар маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Режага кўра, 2030 йилга келиб Ўзбекистонда умумий қуввати 3 ГВт бўлган шамол электростанциялари, қуввати 5 ГВт бўлган қуёш электростанциялари, шунингдек, қуввати 2,4 ГВт бўлган атом электр станциялари қурилиши кутилмоқда.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»



Замонавий ва тежамкор технологиялар


Энергетика вазирлиги маълумотларига кўра, мамлакатимиздаги энергия эҳтиёжини қоплаш учун кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йилда иссиқлик электр станцияларида 1177 мегаватт янги қувватлар ишга туширилади. Шунингдек, энергетикамиз ва иқтисодий тармоқларининг барқарор ишлаши ҳамда ривожланиши учун келажакда хорижий инвестициялар ҳисобига 3500 мегаваттлик буғ-газ қурилмалари ишга туширилиши режалаштирилган. Ана шундай янгиликлардан бири Туркиянинг Aksa Energy ширкати билан ҳамкорликда пойтахтимизда 240 МВт қувватга эга бўлган газ электр станцияси қурилаётганидир. Лойиҳа «Ўзбекистон Энергетика вазирлиги билан келишув асосида амалга оширилмоқда. Бир йил ичида битказилиши режаланган лойиҳа давлат-хусусий сектор ҳамкорли-

Дарвоқе...

Ўзбекистон миллий энергетика стратегиясига кўра, **2030** йилга бориб, электр энергиясининг тўртдан бири қайта тикланадиган энергия манбаларидан ишлаб чиқарилади. Стратегия ўн йил ичида **30** ГВт гача қўшимча энергия қувватлари, шу жумладан, **3,8** ГВт гидроэнергетика, **5** ГВт қуёш энергиясини ва **3** ГВт гача шамол энергиясини кенгайтириш кўзда тутилади. Ушбу режалар Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро энергия бозорларидаги ортиб бораётган роли билан боғлиқ.

«Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» мультимодал транспорт йўлагига биринчи блок-поезд ишга туширилди.

Уч-тўрт йил олдинги даврга назар ташласак, ҳоқимият тизимидаги раҳбарларнинг кўл остидагиларни ҳақоратлаши, шаънига тегувчи сўзлар ишлатиши, ҳатто калтаклашгача бориши одатий ҳолга айланган эди. Афсуски, бу иллатдан қутулолмаётган мансабдорлар ҳозирги кунда ҳам кам эмас. Жамиятда эркин ахборот алмашинувига шароит яратилгани туфайли бундай ҳолатлар жамоатчилик назаридан яширин қолмаяпти. Ижтимоий тармоқларда баъзи бир ҳоқимлару идора раҳбарларининг оғзидан боди кириб-шоди чиқаётгани акс этган видеотасвирлар тарқалиб кетганига неча бор гувоҳ бўлдик. Айбдорлар халқдан, Президентдан узр сўрашди. Уларга нисбатан қонуний жазо чоралари кўрилди, аксарияти лавозимидан олинди. Шунга қарамай, бунақа ҳолатларга чек қўйилмаётгани ачинарли.



СЎКНИШ

раҳбарликнинг «БЕЗАТИ»МИ?



Олди олинмаса, келгуси авлодга ҳам мерос бўлиб ўтиши муқаррар

— Жамиятимиздаги бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, воқеа ва ҳодисалар шиддатида баъзи раҳбарларимиз бошқарувда жуда катта ўзгариш бўлганини илғаб олишга қийналяпти, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати **Максуда Ворисова**. — Айрим раҳбарлар эса билиб туриб ўзгаришни истамайпти, қайсарлик қилиб эски қоидаларни қўмсаётганини билдириб қўйяпти. Қонунга нописандлик қилиш, одамларни ерга уриб руҳий таъсир ўтказишга уриниш, гўёки ўзининг зўрлигини кўрсатиб қўйиш ҳолатлари кузатиляпти. Бундай ҳолатлар кўпайиши, айбдорлар жазосиз қолиши одамларда қонунга, давлатга нисбатан ишончсизлик туғдириши мумкин.

Раҳбарлар, таниқли шахсларнинг хатти-ҳаракатлари, кийиниши, сўзлаши кўпчиликка эталон бўлишини ҳаммамиз биламиз. Шу томондан қаралганда, сўконғич, беодоб, ҳуқуқбузар раҳбар кўпчиликнинг, айниқса, ёш ходимларнинг дунёқарашига жиддий зарар етказиши аниқ.

Фикримча, раҳбарлар томонидан содир этилаётган бу каби ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш учун қонун қатъий қўлланиши керак ва бу жараён жамоатчиликка кўрсатилиши лозим.

Ҳоқимлар, умуман, раҳбарлар ҳуқуқбузарлик содир этганда, албатта, қонун устуворлиги таъминланиши, кўрилган жазо чораси ҳақида аҳолига тезкор маълумот берилиши керак. Бизда

шу нарса етишмаяпти. Эҳтимол юқорида ўтирган баъзи раҳбарлар «қозонни ёпиш»га уринаётгандир. Лекин айбдор раҳбарлар жазосиз қолиши ҳеч қачон яхши оқибат келтирмайди, салбий ҳолатлардан сақлай олмайди.

Одамларни, жамоатни қадрламаган раҳбар ёки хизматчи давлатнинг ўзини ҳам хурмат қилмаган бўлади аслида. Сўконғич, уронғич раҳбарлар ҳаракатларига қонунга ва ана шу мезонга суяниб иш тутишни ўрганмасак, давлат ўзгараётганига одамларни ишонтира олмаймиз.

Хулоса ўрнида

Кўпинча мансабдорлар ўзларининг бундай хатти-ҳаракатини асабий ҳолатда содир этгани, одамларнинг ўзи, яъни уларнинг масъулиятсизлиги, юклатилган топшириқ ёки мажбуриятни бажармай қонига ташна қилиши шундай ҳолга туширгани билан оқлашга уринишади. Қайсидир ўринда улар ҳақ бўлиши мумкин, лекин аксарият ҳолларда бу бошқаришнинг қонунда ёзилмаган усули эканини тан олишимиз лозим. Зўравонлик билан ҳеч қачон яхши самарага эришилмагани эса кундек ҳақиқат. Шундай экан, мазкур масалада ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан қатъий кураш олиб борилиши, энг аҳамиятлиси, бошқарув идоралари фаолиятининг шафқатлиги, раҳбарларнинг халқ олдида ҳисобот бериши тизимини йўлга қўйишни таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

Яқингинада Тошкент вилояти Санитария-эпидемиология осойишталик маркази (ҳозирда собиқ) бош врачининг ходимларини, кўпол десак юмшатиб айтган бўламиз, илон пўст ташлайдиган, инсон шаънини ерга урувчи ахлоқсиз сўзлар билан «сийлаётган» видеоси кўпчиликни «хайратта солди». Болохонадор сўкишлар на аёл, на эркек ходимларни четлаб ўтган. Аҳвол қандай қилиб шу даражага етганини тасаввур қилиш мушкул. Албатта, «хизматлари эвазига» мансабдор курсиси билан хайрлашишга тўғри келди. Лекин масала бошқа томонда. Назаримизда, булар — ҳали сизу бизга ошкор бўлиб қолганлари, кўзимиздан яширин қолаётганлари эса қанча экан? Бу «анъана» маҳаллий бошқарув идоралари ва соҳавий муассасаларда анча яшовчан бўлиб кўринмаяптими? Давлатимиз раҳбари томонидан ушбу иллатни таг-томири билан йўқотиш ҳақида қатъий оғоҳлантиришлар берилиши, аниқланган ҳолатларга тегишли чоралар кўрилиши нега айрим раҳбарларни хушёр торттирмаяпти? Аслида муаммонинг илдиизи қаерда?

Ҳуқуқий назорат етарлими?

Шу ўринда бир жиҳатта эътибор беришимиз керакки, жамоатчилик ўртасида мансабдорларимизнинг ушбу камчилиги қайта-қайта

танқид қилиниши, аниқ далиллар муҳокама қилинишига қарамай, ҳуқуқ-тартибот идоралари бу ҳолатга қарши жиддий курашаётгани сезилмайди. Тўғри, қонунчиликда ҳақорат қилувчига нисбатан чора кўриш учун жабрдийда фуқаронинг мурожаати талаб қилинади. Лекин халқимиз андишали, тўғрироғи, бироз кўрқоқроқ ва журъатсизроқ эканини, журъат топганда ҳам ҳақоратни исботлаш мушкуллиги, энг ёмони, эртага яна барибир ўша раҳбар билан ишлаши, таъйинига дуч келишини инобатга олсак, бундай ҳолатлар қонун нима учун кўпинча «ёпиғлик қозон»лигича қолиши, оғзи ботир, қўли югурувчан амалдорларга бу айни муддао бўлиб келаётганини англаш қийин эмас.

Ҳўш, давлат миқёсида бошқарув органлари раҳбарларининг мазкур қонунбузарлигига чек қўйиш талаби қўйилган экан, нега ҳуқуқ-тартиботчилар айни шундай ҳолатларни фош этиш бўйича рейдлар ўтказиш ва уларга тегишли чора кўрилгани ҳақидаги гаплар қулоғимизга чалинмайди? Ёки бу жиддий муаммо эмасми? Янаям қизиғи, инсон шаънининг шу усулда топталиши акс этган видеолар прокуратура ва ички ишлар идораси раҳбарлари жараёнда ҳозир бўлиб, бефарқ қараб турган ҳолатларини ҳам исботлади. Шундай вазиятда халқ кимдан нажот кутиши мумкин?

«Яшил» ҳудудлардаги спорт секциялари фаолияти карантин қоидалари асосида йўлга қўйилмоқда.

Тахририятимизга Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани Саксон ота маҳалласида қурилатган уйларнинг буюртмачилари — Ҳиммат Худойқулов, Нигора Арзихонова, Фаррух Ҳамдамов, Нодира Ибрагимова, Жамол Қиличов, Маъруф Эргашевларнинг юборган мурожаатига ишонсак, «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси маъмурлари бир ҳафта етти кундан иборат эканини билмайдиган кўринади. Зеро, деярли икки йилдан буён уйи битмаётган фуқароларнинг барча мурожаатларига компания вакиллари ҳар сафар «шу ҳафта иш бошлаймиз» деб жавоб қайтаришган. Буюртмачилар ўша ҳафтанинг қачон келишини кутиб кўзлари тўрт бўлди. Уларнинг аксарияти ижара уйларда яшаб келаётганини ҳисобга олсак, масъуллар айби билан янги уйга кўча олмаётганлар миллионлаб сўм зарар кўрди. Аммо қурувчилар чала қурилган уйларга қадам босмаяпти, «шу ҳафта» ҳамон келгани йўқ.



«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ»НИНГ «ШУ ҲАФТАСИ» ҚАЧОН ТУГАЙДИ?



асосан қурилган уй-жойларга бириктирилган фуқаролар хонадонларни 2020 йил 1 июлга қадар ўз номига расмийлаштириб, ипотека кредити ёки тўлиқ ўз ёнидан тўлаш орқали хонадон қийматини «Қишлоқ қурилиш инвест» ҳисоб-рақамига туширишлари керак. Акс ҳолда, уй-жойлар нархига 15 фоиз қўшилган қиймат солиғи қўшилади.

Шу пайтгача 2017-2019 йил дастури бўйича уй-жойларга бириктирилган фуқароларнинг кўпчилиги уй-жойларни ўз номларига расмийлаштириб олди. Аммо бизнинг қаҳрамонлар бу имкониятдан махрум. Чунки ҳеч ким битмаган уйни қабул қилиб олишни истамайди. Зеро, ундай ҳолда қурилишнинг ўзи яқунлашига тўғри келади. Бунинг учун унга уй нархидан «ўтиб» берилмайди. Демак, мурожаатчилар гўё атайдан имконсиз аҳволда қолдирилмоқда. Уй-жойлар компания айби билан вақтида топширилмаганда юқоридаги вазият қандай тус олиши тўғрисида фуқароларга ҳеч ким аниқ тушунтириш бера олгани йўқ.

Айб кимда бўлишидан қатъи назар пулини фуқаро тўлайдими?

Мавзу юзасидан компаниянинг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бўлими мутахассиси Ойбек Камолов билан боғландик. Унинг сўзларига кўра, ҳақиқатан ҳам фуқаролар вақтида уйларини қабул қилиб олмаसा, нархга 15 фоиз миқдорда қўшилган қиймат солиғи қўшилади. Бунда муаммога ким сабабчи бўлганининг аҳамияти йўқ. Юқ барибир оддий буюртмачи бўлишида қолаверади.

— 15 фоиз ҚҚСни компания билан келишиб, фуқаро бўйнидан соқит қилиш мумкин. — дейди **О.Камолов**. — Бунинг учун, музо-

кара ўтказиш, гаплашиш керак. Шу билан бирга, мазкур фуқароларнинг мурожаати назоратта олинганини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Ҳозирда компаниямизнинг Тошкент вилояти бошқармаси билан мавзу юзасидан тинимсиз гаплашиб турибмиз. Уйларни битказиш учун қурилиш материаллари ажратилган. Уларнинг битмай қолишига асосан пудратчи ташкилот сабабчи бўлган. Пудратчилар устидан вилоят прокуратураси жиноий иш очди. Аминмизки, айбдорлар қонуний жазоланади. Уйларнинг ўз вақтида топширилмагани учун пеня масаласига келсак, шартномада мазкур ҳолат алоҳида кўрсатиб ўтилган. Бу ҳолат суд тартибидан ҳал этилади.

Аммо фуқаролар компания мутахассисларининг ваъдасига ишонилмаяпти. Улар қуруқ гаплардан задал бўлишган. Буюртмачиларнинг фикрича, ҳозир қурилиш ишлари бошланган тақдирда ҳам уйларни 1 июлгача ўз номларига расмийлаштириб олишга улгуришмайди. 15 фоизлик ҚҚС тўлови барибир уларнинг зиммасида қолиб кетади. Чўзилган вақт учун эса ҳеч қачон пеня тўлаб берилмайди.

Бизнингча, мазкур ҳолатда ҳуқуқ-тартибот органлари фуқаролар тарафидан туриб, ташкилот ва корхоналар, аслида ҳалқ манфаати ва фойдаси учун қабул қилинган Президент фармони мутасаддилар томонидан нотўғри талқин қилинишига йўл қўймасликлари, вазифасини вақтида бажармаганларга нисбатан зарур қонуний чораларни қўллашлари лозим. Шундангина чигал муаммо адолатли ҳал этилиб, фуқаролар розилигига эришилади.

Тахририятимиз мавзуга яна қайтади.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

Жорий йил 1 июнь кунини қилинган мурожаатга ҳам компания бошқарувининг лойиҳа бўлими мутахассиси Файзулла Исмоилов «кейинги ҳафта» деб жавоб қайтарди. Аммо орадан ўн кун вақт ўтибдики, ўтган йили сентябрдан буён тўхтаб турган қурилиш қайта бошланмади.

Мен дардимни кимга айтаман?

— Компания билан «Якка тартибда арзон уй-жойларни янгиланган лойиҳаси бўйича қуришга буюртмачи функциясини амалга ошириш тўғрисида»ги шартномани 2019 йил 16 январда тузганмиз, — дейди **Фаррухбек Ҳамдамов**. — Унга кўра, уйимиз ўша йили декабрь ойида қуриб битказилиши керак эди. Аммо мен ва яна саккиз нафар бўлғуси қўшилларим уйларининг қурилиши ўтган йили сентябрь ойида ўз-ўзидан тўхтаб қолди. Томи ёпилган чала уйлар шундан буён мунгайиб туради. Ҳеч ким хабар ҳам олмайди. Шартнома шартларини бажариш тўғрисидаги турли идораларга қилинган ўнлаб оғзани ва ёзма шикоятларимиз натижасиз қолмоқда. Қурилатган уйлар йўл ёқасида жойлашган. Бу ҳудуддан ўтган раҳбарлар учун кўзбўямачилик қилиб, уйлар фасади худди битказилгандек таъмирлаб қўйилди. Аммо олд

девордан бошқасига қўл теккизилгани йўқ. Агар масъуллар вазифасини вақтида бажарганида ҳозир оилам билан ўз ҳовлимда истиқомат қилаётган бўлардим. Аммо бажарувчиларнинг айби туфайли етти ойдан буён ижара уйда, ойига бир ярим миллион сўм эвазига яшаймиз. Бошланғич тўловни ҳам қарз олиб йиққан эдим. Уни қайтариш керак. Боз устига, ҳали битказилмаган уй учун кредит ҳақини ҳам тўлаб келяпман. Оддий ишчига булар қанчалар оғирлигини тушунарсиз. Лекин компания ходимлари тушунишни истамаяпти. Бу шароитда дардимизни кимга айтишни ҳам билмай қолдик. Ҳаммининг қулоғи берк, бизни эшитишмайди. Ваҳоланки, мансабдорлар халқ дардини тинглаши, унга кўмаклашиши керак эмасми?

Дард устига чипқон

Бу ўринда буюртмачилар шошаётганининг бошқа сабаблари ҳам мавжудлигини айтиб ўтиш лозим. Зеро, жорий йил 1 июлдан Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизmlарини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони талаблари амалга киритилади. Яъни «Қишлоқ қурилиш инвест» томонидан 2017-2019 йиллардаги дастурларга

Корея Республикасидан таътилга келган юртдошларимиз чартер рейсда жўнаб кетди.

Кўхна

СЎХДА ЯНГИ ҲАЁТ нафаси

Олой тоғ тизмасининг Катрантоғ, Обишир, Лазар тизмалари ёнбағирларида жойлашган, мафтункор булоқлар, жўшқин сойлар, кўкка талпинаётган дов-дарахтлар кўхна Сўхнинг ташриф коғози, десак муболаға бўлмайди. Худуддаги 27 та маҳалла фуқаролар йиғинида 80 минг нафарга яқин аҳоли умргузаронлик қилади. Одамларнинг феъли кенг – самимий, меҳмондўст.



Чашма булогининг сири

Бу ерда азалдан ахил-иноқ ва ўзаро тотувликда яшаб келаётган ўзбек, тожик, қирғиз халқлари ер қаридан чиқаётган Чашма булогидан бирдай баҳраманд бўлиб келишган. Булоқ суви кўтлаб фойдали элементларга бой. Лаборатория натижасига кўра, Чашма булоқ сувининг қаттиқлиги 1,8-2 даражада экани аниқланган. Бу сув нафақат таъми, балки ўзига хос шифобахш хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради. Айтишларича, бу сувдан мунтазам истеъмол қилган кишилар ошқозон ичак хасталиқларидан фориғ бўлади.

Собиқ иттифоқ даврида кўшни давлат чегара худудидagi мазкур булоқ жойлашуви бўйича ҳужжатларда аниқлик киритилмаган. Мустақилликдан сўнг бу маскан баҳсли худудга айланиб, икки мамлакат фуқаролари ўртасида сув талашли оқибатида кичик-кичик муаммолар бўлиб турган.

— Худудимиздаги 569 та хонадонда 3 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди, — дейди «Чашма» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Омиджон Акбаров. — Азал-азалдан булоқ сувини икки қардош халқ келишган ҳолда истеъмол қилиб келамиз. Ўз вақтида бу ерда «Сўх чашмаси» корхонаси ташкил этилиб, «Чашмаи замин» тамғаси билан сув ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Кейинги пайтда сув таъминотида юзага келаётган айрим келишмовчиликлар сабабли корхона бир йилдирки, ишламай турибди. Ҳозирда мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Яқинда Чашма қишлоғида юзага келган можарода уч оила – Исроилжон, Анваржон ва Улмасой Бекназароваларнинг уй-жойлари жиддий зарар кўрди. Бошпанасиз қолган фуқароларга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, уй-жойларини замонавий тарзда қуриб бериш ишлари бошланган.

Асосий муаммо йўл... (ми?)

Дарҳақиқат, бугунги кунда туман аҳолисини қийнаётган муаммолар оз эмас. Уларнинг ечими барча мутасадди раҳбарлардан катта масъулият талаб этади. Баъзи бир муаммо ва камчиликлар туман миқёсида ҳал этилса, бошқа бирларининг ечими вилоят, давлат ва ҳукумат ваколати доирасида кўриб чиқишни тақозо этади. Хусусан, 2013 йилдан буён ҳал бўлмаётган масала эса Сўх – Риштон йўли муаммоси саналади. Сўхликларнинг фикрича, йўл муаммоси ечимини топса, бошқа ижтимоий-иқтисодий масалалар ўз-ўзидан барҳам топади.

— Қалача қишлоғида яшайман, — дейди Боғинисо Раҳмонова. — Авваллари бозор-учар қилиш учун кўшни Риштон тумани ва бошқа шаҳарларга бориб келардик. Мана бир неча йилдирки, бу масала муаммолигича қолмоқда. Тўғри, чегара постини очиш зудлик билан ҳал қилинадиган иш эмас. Унинг ўзига яраша тартиб-қоидалари бор. Айни кунларда мазкур йўлни қайта очиш борасида кўшнилариимиз билан олиб борилаётган амалий ҳаракатларни эшитиб, хурсанд бўлягмиз. Бу масала ижобий ечимини топса, яхши иш бўларди.

Дарҳақиқат, бу муаммони ҳал этиш борасида кўшни Қирғизистон Республикаси билан икки томонлама ҳукуматлараро комиссия тузилиб, бир қатор ишлар амалга оширилди, зарур ҳужжатлар расмийлаштирилди. Ҳозирда келишолмаган худудлар бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Ичимлик суви билан таъминлаш 91,2 фоизга етказилади

Аҳолини қийнаб келаётган муаммоларнинг яна бири бу тоза

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Сўх туманида алоқа соҳасида мавжуд бўлган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида энг замонавий асбоб-ускуналар, 62 минг метр оптик кабель, бетонли таянчлар олиб келинди. Бу туман аҳолисини GPON технологиялари асосида сифатли алоқа ва интернет билан таъминлаш имконини беради.

ичимлик сувидир. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги мутасаддилари бу ҳолатни ўрганиб чиқиб, аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича амалий ҳаракатлар олиб бормоқда. Бугунги кунда худуддаги 27 та маҳалла фуқаролар йиғинида 147,2 км. ичимлик суви тармоғи мавжуд бўлиб, уларнинг 16 километри ҳамда 1 та резервуар, 5 та сув минораси таъмирталаб ҳолатда.

— Ўтган йили «Обод қишлоқ» дастури доирасида «Хушёр», «Ғазнов», «Муллоғ» маҳалла фуқаролар йиғинида умумий ҳажмида 6,1 км. янги ичимлик сув тармоғи тортилди. — дейди «Сувоқова» ДУК Сўх туман филиали раҳбари Умиджон Умаров. — Айни кунда «Фарғона сув таъминоти» МЧЖ билан биргаликда янги сув насосларини ўрнатиш ва 8,8 км. ичимлик суви тармоғини тортиш ишлари олиб борилмоқда. Бу эса 1627 нафар аҳолига тоза ичимлик суви етказиб бериш имконини беради.

Шунингдек, «Офтобру», «Тул», «Қақир» сингари 17 та маҳалла фуқаролар йиғини худудиди яшовчи

ДАРВОҚЕ...

Ишлаб чиқилган инвестиция дастури бўйича 2020–2022 йилларда Сўх туманини комплекс ривожлантириш учун 500 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, 11 мингта иш ўрни яратилади. 98 та лойиҳа амалга оширилиб, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожлантирилади, 6 та маҳалла фуқаролар йиғинида кичик саноат зоналари ташкил этилади.

аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талабини қондириш учун 25 млрд. сўм маблағ доирасида 30,5 км. ичимлик суви тармоғи тортиш, янги ичимлик сув қудуқлари қазийш, сув ҳавзалари қуриш ва таъмирлаш ишлари жорий йилнинг 1 июль санасидан бошланиши кўзда тутилмоқда. Мазкур ишлар поёнига етса, туман аҳолисининг 91,2 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Сўхлик ёшлар «Tashkent city»да ишлайди

Ишсизликка барҳам бериш, аҳоли, айниқса, ёшларни доимий иш жойи билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан. Айниқса, коронавирус пандемияси туфайли кўплаб ишсиз ёшларнинг хорижга чиқиш имконияти йўқолди. Шу боис 500 нафар сўхлик ёшлар Тошкент шаҳридаги қурилиш ишларига сафарбар этилди. Айни кунда уларнинг 230 нафари режа асосида пойтахтга жўнаб кетди.

— Сувоқчилик билан шуғулланаман, — дейди Хушнудбек Бобораҳимов. — Ҳар йили мусофир юртда, яқинлардан олисда хавотир ва ҳадик билан ишлардик. Пандемия боис уйда қолишга мажбур бўлдим. Ҳукумат вакиллари билан бўлган мулоқотда бу масалага ижобий ечим топиладиган хурсандимиз. Бизга яхши маош, қулай шароитларга эга бўлган иш жойлари тақлиф қилишди.

Олис тоғ қишлоғини энг обод ва фаровон масканга айлантириш, аҳоли учун керакли бўлган шарт-шароитларни яратиш борасида бошланган хайрли ишлар кўлами кенг. Бу қўрама тоғлар бағрига янги ҳаёт нафасини олиб кирмоқда. Бунинг учун фақат тинчлик-тотувлик, эзгу мақсад йўлида ҳамжихат бўлиб меҳнат қилиш талаб этилади.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

«Business indicator» онлайн ахборот тизими
синов тариқасида ишга тушди.



Бугун пандемия билан боғлиқ мураккаб вазият тарозисининг бир палласида аҳоли саломатлиги, иккинчи палласида эса иқтисодиёт масаласи турибди. Ҳали коронавирус чекингани йўқ, у билан боғлиқ янги ҳолатлар қайд этилмоқда. Вазият мураккаб. Пандемия ҳатто энг фаровон давлатлар учун ҳам катта муаммага айланди.



ЯНГИ ТАРТИБ: «темир дафтар»да қандай масалалар акс этади?

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда ҳам бу даврда ишсизлар сони қарийб 2 миллионга яқинлашди. Дастлабки ҳисоб-китоблар пандемия 450 мингга яқин оилалар даромадига жиддий таъсир қилиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбари 3 июнь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг кўплаб имкониятларини белгилаб берди.

Энди рақамлар ортидан қувиш ярамайди

Дарҳақиқат, камбағал оиланинг ҳеч бўлмаса, битта аъзоси иш билан таъминланса, бундай оиланинг мушқули анча осон бўлади. Шу боис Президентимиз ҳар бир фуқаронинг муаммоси билан алоҳида шуғулланиш, бу синовли даврда рақамлар ортидан қувиш эмас, балки халқни рози қилиш учун чин кўнгилдан ишлаш кераклигини таъкидлади.

— Аслида, ҳар бир раҳбар, мутасадди ўз ҳудудида масъулиятни, одамларнинг дардини, оилалар аҳолини чуқур ҳис қилиб фаолият юритса, аҳоли даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартириш имкониятлари кўп, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати **Мавжуда Ҳасанова**. — Масалан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида 300 минг аҳолини жамоат ишларига жалб қилиш, 265 нафарини ишга жойлаштириш, жумладан, вазирлик жамғармаси ҳисобидан шахсий томорқаларга 36 миллиард сўм субсидия ажратилиш орқали 18 минг нафар камбағал аҳоли бандлигини таъминлаш имконияти мавжуд.

Бундай имкониятларни «Хар бир оила — тадбиркор» давлат дастури, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги миқсолида ҳам қўллаб-қўлтириш мумкин. Мисол учун, жорий йилда оилавий тадбиркорлик дастурларига 4 триллион сўм маблағ йўналтирилмоқда. Қишлоқ ҳўжалигида эса йил якунига қадар 51 минг гектар ерни ўзлаштириш

эвазига 45 минг одам бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Худди шу каби ғалладан бўшайдиган 120 минг гектар майдон такрорий экин учун ажратилиб, 300 мингга яқин оилага даромад манбаи яратилиши мўлжалланган.

«Темир дафтар» қандай тизим?

Эндиликда муҳтож оилаларни аниқлаш ҳамда улар билан ишларни самарали ташкил этишда «темир дафтар» тизимига катъий амал қилинади. «Темир дафтар» — бу карантин шароитида ишсиз, даромадсиз қолган эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож оилаларнинг маҳаллада шакллантирилган шаффоф ҳамда манзилли рўйхатидир. Унда умумий кўрсаткичлар эмас, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг муаммоси ва унинг ечимлари номма-ном акс этади.

— Асосий мақсадимиз — «темир дафтар»да номи келтирилган оиланинг ҳеч бўлмаганда битта аъзосини тез фурсатда иш билан таъминлаб, натижада мазкур

бўйича Давлат дастурлари негизда шакллантирилади. Айни пайтда бу борада «Андижон тажрибаси» бошланди. Унга кўра, ҳар бир секторда «Камбағалликни қисқартириш штаби» ташкил этилиб, сектор раҳбарларига иқтисодий, инвестиция ва ижтимоий комплекс ходимлари бириктирилади. Энди ислохотлар статистик рақамларга таяниб эмас, барчаси жойига чиқиб, манзилли тарзда ўрганилади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Статистик рақамлар билан шу пайтгача тўғри йўналиш қилиб бўлмади, халқимиз манфаат кўрмади. Таклифлар туманлардан, одамларнинг ўзидан чиқиши керак. Вазирлар, раҳбарлар кабинетда эмас, ҳудудларда, узоқ қишлоқларда ишлаши зарур». Бундай ёндашув замирида, ўйлайманки, давлат идораси вакили халққа қанча яқин бўлса, жойларда шунча натижа бўлади, адолат мезони таъминланади, деган маъно мужассамдир.

Ижтимоий ёрдам аниқ ва адолатли етказилади

Маълумотларга кўра, бугунги кунда боқувчисини йўқотган оилалар сони 155 минг, 5 нафардан ортик фарзанди бор кам таъминланган оилалар сони 81 минг, ёлғиз яшовчи кексалар 16 минг нафарни ташкил этмоқда. Лекин ажратилаётган ижтимоий ёрдамлар эҳтиёжмандларга тўлиқ етиб бормаётган ҳолатлар ҳам кўп.

Мисол учун, Бош прокуратура маълумотларига кўра, Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ҳокимининг маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича ўринбосари ва туман «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳисобчиси ҳудуддаги эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида келиб тушган маблағларни турли йўللار билан нақдлашти-

риб, жами 109,2 млн. сўм пулларни ўзлаштирган, «Саховат ва кўмак» жамғармасига келиб тушган маблағлардан 44 млн. сўмни мақсадсиз сарфлаб, растрата йўли билан талон-торож қилган. Худди шундай, Навоий вилояти санитария ва эпидемиологик осойишталик маркази мансабдор шахслари жами 222,3 млн., Бухоро вилояти санитария ва эпидемиологик осойишталик маркази ходимлари 204,6 млн. сўмлик маблағни ўзлаштириб юборган.

— Мазкур ҳолатларни тўла бартараф этиш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига қатъий топшириқ берилди, — дейди **Д.Юсупов**. — Унга кўра, вазирликка қўшимча тарзда ажратилган 992 миллиард, шунингдек, «Саховат ва кўмак» жамғармасида мавжуд 70 миллиард сўм қолдиқ маблағ муҳтож оилаларга аниқ ва адолатли етказилади. Шу билан бирга, йил якунига қадар қўшимча 235 мингдан зиёд оилаларга моддий ёрдам ажратилиши режалаштирилган.

Албатта, олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад тайин — камбағалликни қисқартириш, одамларни даромадли қилиш, бандлигини таъминлаш. Бу борада эса ҳар бир мутасадди ходим ўз вазифасига виждонан ёндашиши, қийналаётган инсон ёки оиланинг аҳолини дилдан ҳис қилиб, давлатимиз томонидан яратилаётган шароитларни уларнинг ҳаётига олиб кириши зарур.

Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla»

Дарвоқе...
Туман (шаҳар) сектор раҳбарлари энг қийналган ва муҳтож оилалар рўйхатини шакллантириб, уларни камбағалликдан халос этиш режасини ишлаб чиқади. Мазкур тизим йил охиригача вазирлик — вилоят — туман — маҳалла кесимида тўлиқ жорий этилади. Камбағаллик чегараси ва мезонларининг жаҳон амалиётида тан олинган 4 та ҳисоблаш усули Фарғона вилоятининг Тошлок тумани мисолида синовдан ўтказилади.

оилани камбағалликдан чиқариш ҳисобланади, — дейди **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи Дилшод Юсупов**. — Бу рўйхат Хитой тажрибаси асосида йўлга қўйилиши режалаштирилаётган — одамларни иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимини яратиб бериш, ўқитиш ва уй-жойини таъмирлаш

Ўзбекистонда маҳаллий «Евро – 4» ва «Евро – 5» дизель ёқилғиси сотувга чиқарилди.

Истеъмол саватчаси мавзуси охириги уч йилдан буён кун тартибиди турибди. Аммо орадан шунча вақт ўтса-да, уни ҳаётга татбиқ эта олганимиз йўқ. Ваҳоланки, камбағалликни қисқартириш, моддий жиҳатдан қийин аҳволда қолганларга амалий ёрдам беришнинг энг мақбул йўлларида бири ҳам аслида истеъмол саватчасидир. Негаки, истеъмол саватчаси эҳтиёжмандларга ажратилган нафақалар, хусусан, ишсизлик бадалига ҳам ижобий таъсир қилади. Ҳақиқат ушбу нафақалар бир шахснинг маълум муддат давомида зарурий эҳтиёжларини қоплайдиган миқдорда бўлади.



ЎЗБЕКИСТОНДА ИСТЕЪМОЛ САВАТЧАСИ ҚАЧОН ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ?

БУНИНГ УЧУН МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН БАРҚАРОР БЎЛИШИ, ЯЛПИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ИШСИЗЛИК ДАРАЖАСИГА МОС КЕЛИШИ КЕРАК. ВАЛЮТАНИНГ «ҚОРА БОЗОР» ВА ДАВЛАТ КУРСИ ЎРТАСИДАГИ КАТТА ФАРҚ БЎЛГАНИ ҲАМ БУНГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛАДИ

Ҳўш, нима учун истеъмол саватчаси қабул қилинмаяпти? Бунга қайси омиллар сабаб бўляпти? Камбағалликка қарши жиддий кураш бошланган бир пайтда истеъмол саватчаси қабул қилинадими?

— Жорий йилнинг 3 июнь кунини давлатимиз раҳбари раислигидаги видеоселектор йиғилишида ушбу масала атрофлича кўриб чиқилди, — дейди **Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбасари Илҳом Норкулов**. — Ушбу йиғилишда жорий йилнинг 1 октябрга қадар яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватчасининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш борасида кўрсатмалар берилди. Ҳозир дунё, хусусан, МДҲ давлатларининг бу борадаги тажрибаси ўрганилмоқда. Яшаш минимуми ва истеъмол саватчаси бўйича бизда дастлабки ҳисоб-китоблар мавжуд. Унга кўра, истеъмол саватчасида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши қарийб 55 фоизни ташкил этади. Қолган қисми ноозик-овқат товарлари ва хизматлардан иборат бўлади.

Ҳозирги кунда «Ягона ижтимоий ҳимоя реестри»нинг амалга оширилиши мазкур ишларимизнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини аниқлаб олишимиз керак. Уларга қайси турдаги ёрдамни қандай мезонлар асосида бериш аниқ бўлган, истеъмол саватчаси ва яшаш минимуми жорий этилади.

Истеъмол саватчасини жорий этиш мураккаб жараёними?

— Аслида, яшаш минимуми ва истеъмол саватчасини жорий этиш осон кечадиган жараён эмас, — дейди **Тошкент молия институти кафедра мудири, доцент Абдукомил Ҳошимов**. — Бунинг

учун мамлакат иқтисодий жиҳатдан барқарор бўлиши, ялпи ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ишсизлик даражасига мос келиши керак. Шунингдек, шу пайтгача мамлакатимизда валютанинг «қора бозор» ва давлат курси ўртасидаги катта фарқ бўлгани ҳам истеъмол саватчасини қабул қилишга тўсқинлик қиларди.

Ўйлашимча, бугун ишсизликка қарши кескин кураш олиб борилиши натижасида мамлакат ЯИМда ўсиш кузатилди. Лекин шунда ҳам шовмасдан, аниқ ҳисоб-китоб қилиш зарур деб ўйлайман. Бунда эса мамлакат имконияти ҳаққоний баҳоланиши зарур. Масалан, бизда озиқ-овқат маҳсулотлари ёзда арзон, қишда бир мунча қиммат бўлади. Шундан келиб чиқиб, истеъмол саватчасини ҳам мавсумий қилиб белгилаш керак. Бу билан қишда қиммат бўладиган маҳсулот учун ёзда ҳам фалон сўм ажратишга йўл қўйилмайди. Ёки аксинча, пишқичликдаги ҳисоб-китобга таяниб қолмай, бозордаги нарх ўсиш жараёнига қараб истеъмол саватчасининг қиймати ҳам ўзгаради.

Қачонгача «осон эмас», «ҳозир эмас», деймиз?

— Давлатимиз раҳбари парламентга йўллаган Мурожаатномасида аҳолининг 10-12 фоизи камбағалликда яшаётгани ҳақида ахборот берган эди, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шербек Бўронов**. — Авваллари бу борада аниқ маълумот берилмасди, турлича фикрлар, чамалашлар бўларди, холос. Яшаш минимумининг

ҳуқуқий асоси яратилса, бу борадаги статистик маълумотлар ҳам тизимлашади. Шу боис давлатимиз раҳбари қайта-қайта бу муҳим масалани кун тартибига қўймоқда.

Аммо ўтган вақт мобайнида масъуллар тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдорнинг қанча эканини айтиш ҳуқуқий саволлар туғилишига олиб келишини таъкидлаб, яшаш минимумини расман белгилашнинг ҳозирча имкони йўқлиги тўғрисида фикр билдирар эди. Бу фикр Конституцияимизнинг

Дарвоқе...

Истеъмол саватчаси — муайян вақт давомида инсон ҳаёти ва унинг саломатлигини сақлаш учун зарур маҳсулотлар, товарлар ва хизматларнинг энг кам тўплами ҳисобланади. У пенсиялар, базавий ижтимоий тўловлар, ишсизлик, болани парваришlash, боқувчисини йўқотганлик нафақалари, стипендиялар каби моддий эҳтиёж миқдорларини белгилаш учун ҳисоб-китобга асос бўлади.

39-моддасида пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгиланган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилгани билан изоҳланар эди. Яъни расмийларга кўра, яшаш минимуми расман белгиланадиган бўлса, пенсия ва ижтимоий ёрдам пулларини шундан кам

бўлмаган миқдорда оширишнинг имкони йўқ. Боиси ЯИМ даражасининг ўсиши ҳозирча бундай имкониятни бермайди.

Шу ўринда бир рақам: маълумотларга кўра, мамлакат иқтисодиётида норасмий сектор улуши тахминан 50 фоизни ташкил этади. Демак, норасмий равишда ишлаётган қатламга маълум имтиёзлар тақдир этиш ва бу орқали уларни инсофли солиқ тўловчига айлантириш чораларини кўриш зарур. Тўғри, ҳозирги вазиятда истеъмол саватчасини жорий этиш, бу борадаги муносабатларни тўлиқ, изчил тартибга солиш осон эмас. Қийинчилик ва мураккабликлар бўлиши табиий.

Лекин «осон эмас», «ҳозир эмас», деб кутадиган бўлсак, муаммолар ҳал этилиши узоқ вақт олади. Шу боис яшаш минимуми ва истеъмол саватчасини жорий қилиш бўйича ҳуқуқий асосларни имкон қадар тезроқ ишлаб чиқиш зарур. У билан боғлиқ бошқа масалалар эса жараёнда имкониятга қараб ҳал этилиши керак. Чунки бу ишга жазм этмасдан камбағалликни қисқартириш дастурларини самарали амалга ошириб бўлмайди.

Дарҳақиқат, истеъмол саватчасини жорий этиш эҳтиёжмандларга бериладиган нафақа миқдори уларнинг кам-қўстини қоплашига етарли бўлиши учун зарур. Демак, бу яна бир ҳаётий ҳақиқатни тиклаш дегани. Шундай экан, қийинчиликларга қарамай, жараёни тезлаштириш, истеъмол саватчасини жорий этиш зарур.

Боборовшан ҒОЗИДИНОВ
«Mahalla»

Жаҳон банки яна бир бор Ўзбекистоннинг ютуқларини эътироф этди.

Ю ртдошларимиз орасида бирор корхона, идора ёки ташкилотда ўзига қулай касб-хунар тополмаслиги натижасида меҳнат шартномаси, доимий иш ҳақига эга бўлмаган, бироқ турли мавсумий ишлар билан банд бўлган ёки оиласида томорқа билан шуғулланиб, даромад топадиганлар кўпчиликини ташкил этади. Аммо яқингача уларнинг фаолияти ҳеч қаерда қайд этилмади. Бу эса пенсия ёшига етганда нафақа тайинлаш учун талаб қилинадиган меҳнат стажи йўқлиги муаммосини келтириб чиқарарди.



ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН аҳоли даромад солиғидан ОЗОД ҚИЛИНАДИ

ЭНДИ БУНДАЙ ШАХСЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ХАБАР БЕРИШ
ТАРТИБИДА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ. ВАҚТИНЧАЛИК МЕҲНАТ
ГУВОҲНОМАЛАРИНИ БЕРИШ ЭСА БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Айни ҳолат 2020 йилги Давлат дастурида ҳам алоҳида қайд этилиб, ўзини ўзи банд қилган фуқароларга қатор энгилликлар яратиш лозимлиги белгиланди. Хўш, кимлар ўзини ўзи банд қилган шахслар саналади? Уларга қандай имтиёзлар берилган? Бу тажриба ҳақиқатда бандликни таъминлашга ҳисса қўшаётими?

Даромад учун солиқ тўланмайди

Дарҳақиқат, сўнгги вақтларда «Ўзини ўзи банд қилиш» атамаси тез-тез тилга олинмоқда. Хўш, аслида улар ким? **Ўзини-ўзи банд қилган фуқаролар** — хизматлар кўрсатишни, ишлар бажаришни мустақил амалга оширадиган, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинмаган, ўз фаолиятдан даромад оладиган ва ёлланма меҳнатдан фойдаланмайдиган, меҳнат стажи ҳисобга олиниши ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслардир.

Аслида, бугунгача ҳам халқимиз бундай фаолият турлари билан шуғулланиб келган. Хунармандлик — устачилик, заргарлик, новвойлик, дурадгорлик, сартарошлик каби касб эгалари шулар жумласидан. Энди эса бундай фаолиятга ҳуқуқий баҳо берилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги тегишли қарори билан «Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги Низом» тасдиқланди.

Унга мувофиқ, 2019 йил 1 сентябрдан бундай шахсларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси берилмоқда. Гувоҳнома ариза берувчининг хоҳишига кўра, 1 ойдан 12 ойгача муддатга, меҳнат органлари томонидан фуқаролар

нинг доимий яшаш жойидан қатъи назар берилади. Гувоҳномада кўрсатилган давр пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун фуқароларнинг **меҳнат стажига киритилади**.

Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган фуқароларга банклардан Бандликка кўмаклашиш жамғармалари ҳисобига имтиёзли **микрокредитлар ажратилади**. Энг аҳамиятлиси, ўзини ўзи банд қилаётган, қўлида касб-хунари бор одамларга муносиб шароит яратиш мақсадида улар **даромад солиғидан озод қилинган**. Мазкур имтиёздан фойдаланиш учун телефон орқали солиқ идораларини хабардор қилишнинг ўзи kifoya.

Вақтинчалик гувоҳнома бекор қилиндими?

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 8 июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори жорий этилди. Жумладан, 1 июлдан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари **рўйхат кенгайтирилди**. Унга бир йўла 43 та йўналиш, асосан, онлайн ва медиа хизматлар қўшилди. Энди уларнинг сони 67 тани ташкил этади.

Бундан ташқари, **вақтинчалик меҳнат гувоҳномаларини бериш тартиби бекор қилинди**. Эндиликда ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш **хабар бериш тартибида** йўлга қўйилади. Бу жараён махсус мобил илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади. Рўйхатга олиш далили матрицали штрих код (QR-код) билан тасдиқланади. Бу билан ортикча қоғозбозлиги оворагарчиликларга

барҳам берилди.

Қарорга кўра, бундай тоифадаги шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни **базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи** ҳажмида тўлайди. Ҳозирда бу миқдор 111,5 минг сўмни ташкил этади. Ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади ва ундан келиб чиққан ҳолда, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади.

Муҳим жиҳат — қарор билан ўзини ўзи банд қилган шахслар **ёлланма ишчиларни жалб қила олмаслиги ҳамда иш берувчига эга бўла олмаслиги тўғрисидаги талаб сақланиб қолади**.

Фрилансерга қатор ҳуқуқлар берилди

Сўнгги вақтларда яна бир атама пайдо бўлдики, у ривожланган давлатларда анча оммаланиб бормоқда. **Фрилансер!** Бу — эркин ишчи бўлиб, асосан, бир марталик ёки мавсумий ишларни бажариш учун ёлланувчи, буюртма асосида қайсидир иш ёки хизматни муайян ҳақ эвазига келишилган вақт давомида амалга ошириб берувчи инсондир.

Бугунги кунда юртимизда ҳам кўплаб ёшлар уйда ўтириб, интернет орқали дизайнерлик, таржимонлик, дастурлаш, реклама, репетиторлик каби хизматларни кўрсатмоқда. Лекин бундай мутахассислар, яъни фрилансерлар учун масофадан ҳисоб рақами очиш, почта, тўловларни қабул қилишда қатор тўсиқлар мавжуд. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорида бу жиҳатлар ҳам ўз аксини топиб, интернет тармоғи орқали хизматлар кўрсатувчи (ишлар бажарувчи) ўзини ўзи банд қилган шахслар (фрилансинг)га

қатор ҳуқуқлар берилди.

Жумладан, энди улар **кўрсатилган хизматлар учун** чет элдаги жисмоний ва юридик шахслар — норезидентлардан хорижий валютатадаги тўловларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига тегишли маълумотларни киритмаган ҳолда, **Ўзбекистон Республикасининг банкларидаги ҳисобрақамларига қабул қилиш мумкин**.

Шунингдек, контракт тузмасдан, келишув тўғрисидаги оммавий таклифни (оферта) қабул қилиш ёки электрон ёзишмалар алмашиш ёхуд ҳисоб-китоб фактураларни (инвойс), шу жумладан, электрон шаклда тақдим қилиш йўли билан чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиши мумкин.

Яна қандай янгиликлар бор?

Қарор билан 1 июлга қадар ўзини ўзи банд қилган шахсларни масофадан туриб рўйхатга олишни назарда тутувчи **мобил илова ишлаб чиқилади**. Тадбиркорлар учун **«Бизнес навигатор»** ахборот тизими жорий этилади. Яқка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома **унда тадбиркорнинг фотосураати акс эттирилган ҳолда берилади**. Ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланувчи, иштирокчилари сони камида уч нафар бўлган оилавий корхоналар айланмадан солиқни белгиланган миқдордан **50 фоизга камайтирилган ставкада тўлайдилар**.

Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Меҳнат ва ижтимоий
масалалар кўмитаси раиси.

«Ўзбекнефтгаз» илк бор «Ernst & Young» томонидан Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари (МҲХС) аудит хулосаси берилди.



Тест синовларига ҳам оз фурсат қолди. Аслида ҳужжат топширишнинг ўзи бир синов. Бу йил эса карантин шароити. Ҳўш, бундай вазиятда қандай йўл тутилади? Абитуриентлар бу йил қандай тартиб ва таомиллар асосида ҳужжат топширади? Тест синовлари қандай шароитда ўтказилади? Бу саволлар нафақат олий маълумот эгаллаш истагида бўлган йигит-қизларни, балки уларнинг ота-оналарини ҳам ташвишлантирмоқда.

КАРАНТИН шароитида тест синовлари қандай ташкил этилади?

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Бехзод Мусаев раислигида 2020/2021 ўқув йили қабул жараёнини ташкил этиш юзасидан долзарб вазифаларга бағишланган брифингга юқоридаги саволларга жавоб берилди. Таъкидландики, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан вазиятни бирмунча енгиллаштириш, эҳтиёт чораларини кўриш, абитуриентлар хавфсизлигини таъминлаш борасида муҳим чоратadbирлар амалга оширилмоқда.

Ҳужжат топшириш қандай йўлга қўйилади?

Брифингга қайд этилганидек, 2020/2021 ўқув йили учун 15 июндан 15 июлгача бўлган муддатда ҳужжатлар қабул қилинади. Абитуриентлар Ягона интерактив давлат хизматлари портали, Давлат тест марказининг расмий веб-сайти ҳамда Давлат хизматлари марказлари орқали онлайн рўйхатдан ўтказилади. Ҳужжатлар кечаю кундуз 24 соат давомида қабул қилинади. Эътибор беринг, бу йил олий

таълим муассасаларининг ўзида ҳужжатлар олинмайди.

— Абитуриент уйдан чиқмай туриб, мобил телефон (компьютер) ёрдамида онлайн рўйхатдан ўтиш тартиби жорий қилинмоқда. — **дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазири Иномжон Махжидов.** — Тегишли муассасанинг қабул квотаси, таълим йўналишлари ва ўқитиш тили Давлат тест маркази ҳамда муайян олий ўқув юртининг расмий веб-сайтида эълон қилинади. 2020/2021 ўқув йилида абитуриентлар учун тест блокдаги фанлар таркиби ва кетма-кетлиги бир хил бўлган 3 та таълим йўналишини танлаш имконияти сақлаб қолинади. Алоҳида иқтидор талаб этиладиган ҳамда кириш имтиҳонлари таркибида касбий (ижодий) имтиҳон мавжуд таълим йўналишларига киришда абитуриент битта таълим йўналишидаги танловда иштирок этиши мумкин.

тартиб сақланиб қолиними? Шу каби саволларга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази ҳамда барча олий таълим муассасаларида ташкил этилган «Call center»лар томонидан ойдинлик киритиб борилади.

— **Тест синовлари карантин чекловлари тугагандан сўнг, яъни июль-август ойларида (27 июлдан 15 августгача режаланштирилмоқда) ўтказилади.** — **дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи Абдували Холиқов.**

— Агар карантин чекловлари давом этаётган бўлса, уни ўтказиш муддатларига ўзгартириш киритилиши мумкин. Жорий йилда истисно равишда 3 та мажбурий фанлар(орна тили, Ўзбекистон тарихи ва математикадан тест бўлмайди.

Фақат 2 та мутахассислик фанидан тест топширилади. Абитуриентга уни бажариш учун ҳар 30 та тест топширигига 1 соат, иккита фан учун жами 2 соат вақт ажратилади.

Тест синовлари жорий йилда 3 сменада бўлади (ўтган йили 2 сменада бўлган). Карантин қоңдаларига риоя қилиш мақсадида ҳар бир абитуриентга камида 3 кв.м. ўлчамда жой ажратилиб, тест синовлари сифми 650-700 кишидан ошмаган бино(павильон)ларда ўтказилиши керак. Бинога кириш олдида абитуриентнинг тана ҳароратини ўлчаш, уни ниқоб ва резина қўлқоп билан таъминлаш, бино худуди ва ички қисмида кунига 4 марта дезинфекция ишларини амалга ошириш қатъий тартиб ҳисобланади. Тест синовлари жараёнлари онлайн равишда интернет ва ТВ орқали жонли эфирга узатилади. Агар ўрнатилган тартибга зид ҳолатлар аниқланса, ўша олий ўқув юрти раҳбарлари ва масъул шахслар жазоланади.

Кимларга имтиёз бор?

Маълумотларга кўра, жорий йил 1 миллион 270 минг нафардан

зиёд абитуриент ҳужжат топшириши тахмин қилинмоқда. Ўтган йили бу кўрсаткич 1 миллион 76 минг нафарни ташкил этган.

Жорий йил давлатимиз раҳбарининг тегишли топшириғи билан кам таъминланган аёллар ва уларнинг фарзандларига алоҳида 800 та давлат гранти учун квота ажратилади. Шунингдек, Фарғона вилояти Сўх туманида истиқомат қилувчи битирувчиларга олий таълим муассасаларига киришда

Республика бўйича мавжуд	116
та олий таълим муассасасидан	25
таси университет,	34
таси академиядир. Бундан ташқари,	21
та чет эл олий таълим муассасаси филиаллари фаолият кўрсатмоқда.	

алоҳида 500 та давлат гранти квотаси берилади. Иккала квотанинг кимларга берилиши, тартиби тез орада тасдиқланиб, эълон қилинади.

Абитуриентлар тўпланган баллини бир кундан кейин, талабалikka тавсия этилган-этилмагани (имтиҳон натижалари) бўйича маълумотларни эса охириги имтиҳон ўтганидан сўнг узоғи билан бир ҳафта ичида олишлари мумкин бўлади.

Айни вақтда ҳар йилгидан фарқлироқ, ўзига хос карантин тартиб-қоидалари асосида ўтказиладиган қабул жараёнига барча олий ўқув юртларида тадорик кўрилмоқда. Брифингга вазият тақозосига кўра, ҳужжат қабул қилиш, тест синовини ўтказиш, натижаларни эълон қилиш билан боғлиқ барча жараёнларни қандай ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди. Демак, ана шу кўрсатмалар асосида фаолият юритиш ҳар бир олий таълим муассасаси раҳбарияти диққат-эътиборида туриши керак.

Хулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»



МЕНДА САВОЛ БОР...

Иккинчи мутахассислик фақат контракт асосида бўладими?

— Юртимиз олий ўқув юртларида иккинчи ва ундан кейинги олий таълим олиш тартиби қандай? Ўқиш фақат контракт асосида бўладими?

Саодат МИРЖАМИЛОВА.
Тошкент вилояти.

Ўтқиржон АЛИЖОНОВ,

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги таълимни олиш тартиби тўғрисида»ги Низомда олий (ўрта махсус, касб-хунар) маълумотга эга бўлган шахслар учун ўқиш тартиби белгиланган. Унга кўра, ўрта махсус, касб-хунар маълумотли мутахассис даражасидаги шахслар айнан шу йўналиш бўйича, бакалавр ва дипломли мутахассислар бакалаврият, магистр даражасидаги шахслар бакалаврият таълим йўналишлари ва турдош магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишлари мумкин.

Иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш мумкин бўлган турдош магистратура мутахассисликлари рўйхати Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланади. Ушбу шаклда олий маълумот олишни истовчилар фақат тўлов-контракт (шартнома) асосида таълим олишлари мумкин.

Анджонлик тадбиркор ва стартапчиларни қўллаб-қувватловчи «Unicorns» лойиҳаси ишга тушмоқда.



СТАТИСТИКА ТИЗИМИ ҚАЧОН ОЧИҚ ВА ШАФФОФ БЎЛАДИ?

НЕГА ОДАМЛАРДА ҲАМОН СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАРГА НИСБАТАН ИШОНЧСИЗЛИК БОР? УЛАР ҲАР ДОИМ ҲАМ ҲАҚҚОНИЙ МАНЗАРАНИ ЎЗИДА АКС ЭТТИРАДИМИ?

Статистик маълумотлар қанчалик очиқ ва тўғри бўлса, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг кечишига ҳолис баҳо бериш имконияти ҳам шунчалик кенгайди. Бу эса, ўз навбатида, юрт ривожини учун тузиладиган режанинг аниқлигини таъминлайди. Шу жиҳатдан статистика соҳаси ҳар бир мамлакатнинг тараққий этишида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳўш, мамлакатимиз кескин ривожланиш йўлини танлаган экан, статистика соҳасида қандай ўзгаришлар кутиляпти? Нега ҳамон одамларда статистик маълумотларга нисбатан ишончсизлик бор? Улар ҳар доим ҳам ҳаққоний манзарани ўзида акс эттирадиларми? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида **Давлат статистика қўмитаси раисининг ўринбосари, юриди фанлари бўйича фалсафа доктори Маҳмуджон ЗИЁДУЛЛАЕВ**га мурожаат қилдик.

Статистика соҳасида қандай камчиликлар бор?

— Ҳеч бир соҳада тараққийётга бирдан эришиб бўлмагани каби статистика тизимида ҳам ечимини қутаётган қатор муаммолар мавжуд, — дейди **М.Зиёдуллаев**. — Шу боис давлатимиз раҳбари 1 июнь куни миллий статистика соҳасини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича ўтказган йиғилишда соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхтаб экан, статистик маълумотлар қанчалик ҳаққоний ва очиқ бўлса, унинг асосида олиб бориладиган давлат сиёсати ҳам шунчалик тўғри ва адолатли бўлишини таъкидлаб, олдимизда турган қатор вазифаларни белгилаб берди.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда статистик кўрсаткичларнинг 40 фоизи Марказий банк, Молия вазирлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан шакллантирилса-да, уларнинг соҳадаги фаолияти мувофиқлаштирилмаган. Бу ҳам ўзига хос нуқулайликларга сабаб бўлаётир. Айни жиҳатдан эндиликда олдимизда қонунчиликни қайта кўриб чиқиб, халқро талаблар асосида мустақил статистика тизимини яратиш вазифаси турибди.

Турли соҳалардаги статистик маълумотларни юритишда ҳам

айрим номуносибликлар юзага чиқарди. Ишсизлик даражасини аниқлаш, таълим, қишлоқ ҳўжалиги, ташқи савдо, транспорт ва қурилиш соҳаларидаги маълумотлар шулар жумласидан. Эндиликда уларнинг барчаси халқаро стандартларга мувофиқлаштирилади.

Хусусан, ишсизлик даражасини аниқлашда Халқаро меҳнат ташкилоти стандартлари асосида сўров ўтказиш тартиби такомиллаштирилади ва қамрови кенгайтирилади. Тиббий сўғуртани амалга ошириш ва шу каби қўлайликларни яратиш учун соғлиқни сақлаш тизимида касалликларни даволаш харажатлари бўйича халқаро ҳисоб тизими жорий этилади. Шунингдек, юқоридаги каби қатор

Мавзуга оид маълумот:

Статистика соҳасини ривожлантириш стратегияси асосида Сифатни бошқариш дастури (DatCam) ва бизнес-жараёнларни бошқаришнинг халқаро эътироф этилган моделлари (GAMSO ва GSBPM моделлари) амалиётга кенг жорий қилинади. Натижада статистик маълумотларнинг ишончлилиги ва шаффофлиги даражаси янада ортади.

соҳалар статистикасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилади.

20 йил аввалги дастур бугунги талабга жавоб берадими?

Статистик қозғатув маълумотларининг ярми қозғатув шаклида тўпланаётгани, уларни таҳлил қилишда 20 йил аввал жорий этилган дастурий таъминотдан фойдаланилаётгани ҳам соҳадаги камчи-

ликлардан ҳисобланади. Мазкур муаммоларни ҳал этиш мақсадида Жаҳон банки билан Статистика соҳасини ривожлантириш бўйича стратегия ишлаб чиқилди.

Стратегия асосида статистика фаолиятини ташкил этиш инфратузилмаси жаҳон андозаларига мослаштирилмоқда. Маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тақдим қилиш инфратузилмасига илғор АКТ амалиёти кенг жорий этиляпти. Жумладан, инфляцияни объектив ва шаффоф ҳисоблаш бўйича нарх-наволарни кузатиш, шунингдек, Жаҳон банкининг молиявий қўллаб-қувватлаши билан 2020 йилдан уй ҳўжалиklarини кузатиш жараёнлари тўлиқ электрон планшетларга ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда солиқ ва статистика идоралари ўртасида автоматлаштирилган ахборот алмашинувини йўлга қўйиш орқали инфляцияни ҳисоблаш харажатларини кескин қисқартириш мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Чиндан ҳам, барча соҳаларда рақамли технологиялар жорий этилаётган бугунги даврда статистик маълумотлар алмашинувини тўлиқ электронлаштириш талаб этилади.

Ҳозирда мазкур вазифани амалга ошириш, хусусан, давлат статистика ҳисоботларини онлайн қабул қилишни йўлга қўйиш бўйича ахборот тизимини ишлаб чиқиш ишлари олиб бориламоқда. Режага кўра, 2025 йилга қадар қўмита ва бошқа статистик маълумотларни ишлаб чиқувчи вазирлик ва идораларнинг мукамал маълумотлар базалари яратилади.

Статистика мутахассислари қаерда ишляпти?

Бугун статистика соҳасини ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада инфляцияни ҳисоблаш усули халқаро стандартларга мослаштирилди, қозғатувдаги товарлар таркиби кенгайтирилди. Давлат бюджети, ташқи қарз, олтин захираси ва

табiiй бойликлар ҳақидаги молиявий кўрсаткичлар очиқ эълон қилинмоқда.

Эндиликда мазкур янгиланишларни янада изчил давом эттириш — асосий вазифадир. Бунинг учун эса, албатта, ўз соҳасини яхши биладиган, малакали кадрларга эҳтиёж туғилади. Зеро, ҳеч бир соҳанинг истиқболини билимли кадрларсиз белгилаб бўлмайд.

2019 йил якунига кўра, мамлакатимиз Халқаро статистика салохияти индекси бўйича **64,4** баллни қайд этиб, рейтингда **124**-ўриндан **84**-ўринга кўтарилган.

Афсуски, сўнгги беш йилда соҳага доир 318 нафар бакалавр ва 33 нафар магистр тайёрланган бўлса-да, статистика идораларида уларнинг 10 фоизи ишлармоқда, холос. Тизимдаги ходимларнинг 2 фоизигина статистика бўйича олий маълумотга эга.

Ўз-ўзидан кўринадики, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва статистика фанини ривожлантириш, соҳада меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини қайта кўриб чиқиш зарурати бор. Яқин истиқболда бу борада сезиларли ўзгаришларни амалга ошириш учун аниқ чора-тадбирларни белгилаб олдик.

Ҳар қандай статистика аниқ ва шаффоф бўлиши керак. Зеро, хорижлик инвесторлар ҳам мамлакатнинг турли соҳалардаги статистик маълумотларига қараб, бу ерга инвестиция киритиш ё киритмасликни ўйлайди. Демак, статистиканинг тўғрилиги нафақат соҳалардаги мавжуд вазиятни баҳолаш, муаммоларнинг ечимини топиш имконини беради, балки инвестицион жозибадорликни таъминлашга ҳам хизмат қилади. Унинг халқаро рейтинглардаги ўрнини таъсир кўрсатишини ҳисобга олсак, соҳага масъулият билан ёндашиш лозимлиги англашилади.

«Mahalla» мухбири
Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ
ёзиб олди.

«Тошшаҳартрансхизмат» АЖ: автобус ҳайдовчилари учун кунлик режалар бекор қилинди.

ЭНДИ ИНСОН саломатлиги ва ҲАЁТИГА ТАҲДИД СОЛУВЧИ СИФАТСИЗ қурилиш материаллари ишлатилмайди

Мамлакатимизда бунёдкорлик кўлами йил сайин кенгаймоқда. Қурилиш саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор йўналиши сифатида миллий иқтисодиёт тармоқлари орасида барқарор ўсиш суръатларини қайд этаётган соҳалардан ҳисобланади. Янги уй-жойлар, йирик заводлар, замонавий инфратузилма объектлари барпо этилмоқда. Табиийки, бундай катта ҳажмдаги ишларни сифатли ҳамда ўз вақтида бажариш учун малакали қурувчилар ва лойиҳачилар, барқарор ташкилотлар керак. Бир сўз билан айтганда, назорат зарур. Шу боис соҳада назорат инспекцияси ташкил этилди. Хўш, ушбу инспекция қурилиш сифатига жавоб бера оладими? Унинг вазифалари нималардан иборат? Бу хусусда мутахассисларга юзландик.

Қурилишда назорат тизими янада мустаҳкамланади

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда қурилиш, бунёдкорлик ишлари кенг қулоқ ёймоқда, — дейди Қурилиш вазирлигининг Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси раҳбари Алишер Туропов. — Бу орқали қанчадан-қанча одамлар уйли бўляпти, ҳудудлар чиройига-чирой қўшиляпти. Бироқ айрим қурилиш объектларида кўнглини хира қиладиган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Соҳадаги камчиликларнинг олдини олиш учун жорий йилнинг 28 май куни Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси фаолиятига оид норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Ушбу қарор Президентнинг 2020 йил 5 февралдаги «Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди. Қарор билан Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ҳамда ҳудудий назорат инспекциялари тўғрисидаги низомлар тасдиқланди. Бундан кейин назорат инспекцияси қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасида давлат назоратини амалга оширади. Инспекция давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва ўз фаолиятида Қурилиш вазирлигига ҳисобот беради. Инспекциянинг асо-

сий вазифаларидан бири — аҳоли пунктлари комплекс қурилишларини, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунлар, шаҳарсозлик меъёра-ри, қоидалари ва стандартларига риоя қилинишини, қурилиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши бўйича давлат назоратини амалга ошириш ҳисобланади.

Шунингдек, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилиши юзасидан давлат назоратини юротади. Буюртмачининг техник назорати ва лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назоратини, пудратчининг ички назорат тизими устидан давлат назоратини олиб боради.

Инспекция фаолият кўлами қандай?

Қурилиш назорат инспекцияси ва ҳудудий инспекциялар қурилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш доирасида бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи конструктив ҳуқуқбuzарликларни аниқлаши мумкин. Сифатсиз қурилиш материаллари, буюмлари қўлланилгани аниқланган ҳолларда, уларни ишлаб чиқариш, сотиш ҳамда қўллашни тўхтатиб туриш ҳақида тегишли орган ва ташкилотларга тақдимномалар юбориш ҳуқуқига эга. Юридик ва жисмоний шахсларга объектдаги ҳуқуқбuzарликларни бартараф қилиш учун мос равишда, 60 кундан ортиқ бўлмаган муддатни белгилаган ҳолда, аниқланган ҳуқуқбuzарликларни бартараф этиш бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бера олади.

Шунингдек, лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш масалаларини ҳал қилиш юзасидан тегишли органлар ва ташкилотларга тақдимномалар юбора олади.

2019 йил якунига кўра, ҳудудий инспекциялар томонидан жами 30 493 та объект қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун рўйхатдан ўтказилган. Мазкур объектлар қурилиши давомида Қурилиш вазирлиги инспекторлари томонидан жами 58 295 мартаба назорат ишлари амалга оширилган. Аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган 16 629 та ёзма кўрсатма берилган. Объектлар қурилишида 1 462 та ҳолат бўйича сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари сўқинчилик қайта бажарилгунга қадар жами 72 786 млн. сўмлик маблағ буюртмачилар томонидан чегириб қолинган.

Соҳа коррупциядан холи бўладими?

— Афсуски, қурилиш соҳасида коррупцион ҳолатларга ҳамон чек қўйилганича йўқ, — дейди Адлия вазирлиги масъул ходими Фуркат Тожиев. — Кейинги пайтда қурилиш объектлари бўйича ўтказиладиган тендер (танлов) жараёнида энг кўп коррупция ҳолатлари рўй бериши кузатилмақда. 2019-2020 йил апрель ҳолатига, прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширувлар натижасида 38 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар, имтиёзли қурилиш материаллари ва бошқа моддий бойликлар талон-торож қилинган. 2018-2019 йилларда қурилиш соҳасида 365 та жиноят содир этилган бўлиб, унинг 72 фоизи коррупция билан боғлиқ. Жавобгарликка тортилган шахсларнинг 14 нафарини Қурилиш вазирлиги тизими ходимлари ташкил қилган.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигидан олинган маълумотларга кўра, Қурилиш вазирлиги ва тизимдаги идоралар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга рухсатномалар беришда 2019 йил давомида жами 17418 та ҳолатда қонун бузилиши қайд этилган. Шу боис Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ва ҳудудий инспекциялар инспекторларига, шунингдек, хавф-хатар тоифаси юқори бўлган объектларда техник ва муаллифлик назоратини амалга оширувчи шахсларга қўйиладиган малакавий талаблар ва уларнинг жавобгарлиги кучайтирилади.

«Қурилишдаги назорат» куйи тизими 2020 йил 1 июндан бошлаб Тошкент шаҳрида синов тарихсида ишга туширилган ҳолда, 2020 йил давомида «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида давлат қурилиш назоратини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, электрон ҳужжат алмашинуви босқичма-босқич жорий этилади.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Пискентда автомобиллар эҳтиёт қисмларини назоратдан ўтказадиган Марказий Осиёда ягона лаборатория қурилмоқда.

Салкам уч ойдирки, пандемия сабаб жамоат транспортлари қатнови таққиланган. Барча типдаги мактабгача таълим муассасалари ёпилиб, оналар уйда онлайн ишлаш тизимига ўтди. Буюм бозорлари, умумий овқатланиш шохобчаларининг фаолияти тўхтатилгани эса тадбиркорлар даромадига путур етказди. Хўш, нима қилиш керак?



БОЗОРЛАР ФАОЛИЯТИГА рухсат бериш вазиятни оғирлаштирайдими?

Давлатимиз раҳбарининг тегишли топшириқлари асосида Республика махсус комиссияси карантин чораларини босқичма-босқич юмшатмоқда. Жумладан, аввалга автомобиллар, савдо дўконлари фаолиятига рухсат берилган бўлса, 8 июндан жамоат транспортлари, 15 июндан болалар боғчалари, буюм бозорлари, спорт ва маданият марказлари, умумий овқатланиш объекти фаолияти ҳам йўлга қўйилмоқда. «50 фоиз карантин — 50 фоиз иқтисодиёт» тамойили асосида иш бошлаётган муассасалар барча санитар талабларга риоя қилиши шарт.

Автобусда ижтимоий масофа қандай сақланади?

Маълумки, Республика махсус комиссияси қарори билан «сариқ» ва «яшил» ҳудудларда автобуслар қатновига рухсат берилди. Хўш, бунда нималарга амал қилиш лозим? Карантин қоидалари қандай таъминланади?

— Жорий йилнинг 8 июндан бошлаб Тошкент шаҳрида автобус йўналишлари фаолиятини қайта тиклаш белгиланди, — дейди «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Нажмиддин Давлатов. — Тасарруфимизда 16 та автокорхона мавжуд. Жами 152 та автобус йўналиши аҳолига хизмат қилади. Ҳозирча 131 та йўналишга рухсат бердик. Бониси Махсус комиссия қарорига мувофиқ, Тошкент вилоятининг Қибрай, Тошкент, Зангиота туманлари «қизил» ҳудуд деб эълон қилингани сабабли бу ҳудудларда ҳаракатланувчи 21 та автобус қатновига рухсат этилмади.

Фаолияти қайта тикланган йўналишларда соат 6:00 дан 22:00

гача иш вақти белгиланди. Барча автобус саройлари сўнгги бека-тида икки сменалик навбатчилик ташкил қилиниб, ҳар бир рейс ол-дидан тўлиқ дезинфекция ишлари бажарилади. Хайдовчи ва чиптачи, албатта, тиббий ниқоб ва қўлқоп тақиши, вақти-вақти билан ал-маштириб туриши шарт. Автобус салонига тиббий ниқоби бўлмаган йўловчилар киритилмайди. Агар ана шу талаблар бузилса, ўша автобус саройи маъмуриятига нис-батан қатъий жазо қўлланилади.

Афсуски, дастлабки кунларда айрим йўналишларда карантин қоидаларининг қўпол равишда бузилиши ҳолатлари кузатилди. Жумладан, ижтимоий масофани сақлаш талабларига барча ҳам бирдек масъулият билан ёндаш-маяпти. Шу боис «Тошшаҳар-трансхизмат» яна бир бор аҳоли-ни хушёрликка чақиради.

Боғчалар фаолиятига қандай талаблар қўйилмоқда?

Кичкинтойлар ўз қадрдон мас-канини кўмсай бошлаганига анча бўлди. Ахир, уйда уларга гуруҳда-ги сингари машғулоти ким ўта-ди? Ота-она бағрида бўлиш яхши, аммо боғчанинг бола тарбиясида кўплаб устунликлари борлигини эътироф этмай иложимиз йўқ.

— «Сариқ» ва «яшил» ҳудуд-ларда шу ой ярмидан бошлаб хусусий мактабгача таълим таш-килотларининг фаолиятига рухсат берилди, — дейди Мактабгача таълим вазирлиги масъул ходи-ми Дилафрўз Икромова. — Июль ойигача давлат мактабгача таълим масканлари ҳам босқичма-босқич ишга тушади. Тўғри, карантин қоидалари юмшатишмоқда. Аммо бу тўла маънода эркинлик, дегани эмас. Бола хавфсизлиги, осойиш-

талиги биринчи ўринда туради. Шу боис ўз ишини бошлаш ара-фасида турган 8160 та нодавлат МТТ раҳбарларига талаб этилу-чи хавфсизлик чоралари бўйича кўрсатма берилмоқда. Сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш, химоя воситаларини со-тиб олиш, ўрнатиш ва дезинфек-сия қилиш, ходимларни меҳнат таътилидан ишга чақириш шулар жумласидандир.

Шунингдек, машғулоти 15 кишидан ортиқ бўлмаган гуруҳда ташкил этиш, мавжуд хоналарни 2-3 марта зарарсизлантириш, кириш-чиқиш жойини пирометр, антисептик восита ва дезинфек-цияловчи тўшамга билан жиҳозлаш талаб этилади. Ходимлар тиббий ниқоб ва қўлқопдан фойдаланма-са, оралиқ масофани сақламаса, бу карантин қоидаларига зид ҳо-лат сифатида баҳоланиб, ташки-лот раҳбарига қатъий чора кўри-лади. Тана ҳарорати 37 даража ва ундан юқори бўлса, ўша ходим ва тарбияланувчи муассасага умуман киритилмаслиги шарт. Бундай талаблар давлат МТТ учун ҳам тааллуқли.

Карантинда бозор ва ошхоналар қандай ишлаши керак?

Одамлар оқими узилмайдиган бозорлар, ошхоналар карантин шароитида қандай ишлаши ке-рак? Бу эпидемия билан куралиш, унинг тарқалишига йўл қўймаслик масаласини янада қийинлаштир-майдимми?

— Махсус комиссия томони-дан «Карантин шароитида рухсат берилган фаолият тури билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларида санитария-эпи-демиологик назоратни амалга ошириш бўйича вақтинчалик

ДАРВОҚЕ...

«Тошшаҳартрансхиз-мат» акциядорлик жа-мияти томонидан хай-довчилар учун кунлик режа тушуми босқичма-босқич бекор қилинади.

тартиб» тасдиқланган, — дейди Савдо-саноат палатаси бошқар-ма бошлиғи Ажинияз Сейтеков. — Унга кўра, коронавирус ин-фекциясининг тарқалиши ниҳоя-сига етмаган бир вақтда буюм бозорлари, умумий овқатланиш шохобчаларига кирувчи ҳар бир кишининг тана ҳарорати ўлча-нади. Кафе-ресторанларда турли оммавий тадбирлар ўтказилишига йўл қўйилмайди. Иш вақти 8:00 дан 23:00 га қадар бўлиши керак.

Шунингдек, бунда столлар оралиғида 2 метрдан кам бўлма-ган ижтимоий масофа бўлиши шарт. Бир стол атрофида фақат 4 киши (10 кишидан кўп бўлмаган оила аъзолари бундан мустасно) жойлашади. Ходимлар тиббий ниқоб ва қўлқопда бўлиши шарт. Ҳар бир стол бўшагач, фойда-ланилган барча буюм ва жиҳоз-ларнинг юза қисми дезинфекция воситалари билан ишлов бери-лади.

Албатта, Республика махсус комиссияси томонидан карантин даврида айрим фаолият турларига рухсат берилиши эпидемиологик вазият батамом барқарорлаш-ганини билдирмайди. Аҳолига яратилган қулайлик баробарида карантин тартиб-қоидалари қатъ-ий сақлаб турилиши керак. Бу эса давлат томонидан кўрилатган чора-тадбирларга халқимизнинг огоҳлик ва хушёрлик билан муно-сабатда бўлаётганини кўрсатади.

Хулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»

Энди қамоққа олинган шахснинг яқинларига 24 соат ичида эмас, дарҳол хабар берилади.

Самарқанд шаҳридаги «Истиқбол» маҳалласида яшовчи Тоҳир Худойбердиевлар оиласи таҳририятимизга мактуб йўлаб, сел келиши оқибатида уйлари бузилиб, оила аъзолари бошпанасиз қолгани, мутасаддилар эса қанча мурожаат қилишига қарамай, бу борада амалий ёрдам бермаётганини айтишди. Вазият билан танишиш мақсадида худудда бўлдик.

УЙСИЗ

қолган одамлар дардини ким эшитади?

**СЕЛ ОҚИБАТИДА БОШПАНАСИЗ ҚОЛГАН, ЭЛЕКТР
ТОКИДАН МАХРУМ БЎЛГАН АҲОЛИ МУАММОСИ ҚАЧОН
ЕЧИЛАДИ? НЕГА ҲЕЧ КИМ АНИҚ ЖАВОБ БЕРМАЯПТИ?**

Маълум бўлишича, тошқин натижасида Чашмаи Хизр кўчасида жойлашган 33 та хонадондан 10 таси жиддий зарар кўрган. Устига-устак, сел тошқинига оқова сувлари ҳам қўшилиб, ховлиларга кириб кетган. Ҳаммадан ҳам бизга мурожаат қилган Худойбердиевлар хонадонига жиддий талафот етган.

— 21 йил бағрида яшаган уйимизнинг деворлари биринкетин қулашини чорасиз ҳолда кузатдик. — дейди Тоҳир Худойбердиев. — Табиий офат юз берган куннинг эртасига шаҳар ҳокимлиги ва вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармасидан вакиллар келишди. Ҳаммадини суратга олишди, ҳамдардлик билдиришди, аммо бирорта маълумотнома беришмади. Ҳозирда 10 кишидан иборат оиламиз билан кўп қаватли уйнинг икки хонали квартирасида ижарада яшайпмиз. Мутасаддилар янги қурилаётган уйлардаги хонадонлардан бирини кредит эвазига олиб беришни таклиф қилишяпти. Бироқ ўғилларимнинг муқим иш жойи бўлмаса, келинларим ёш болали бўлса, ўзим 400 минг сўм пенсия олсам, бу ҳолатда уйнинг кредитини қандай тўлайман?

— Карантин туфайли турмуш ўртоғим ишсиз қолди, у янги қурилган уйларга эшик ўрнатиш билан шуғулланарди. — дейди хонадон келини Мадина Мажинова. — Ҳатто овқатга ва боланинг таглигига ҳам пулимиз етмаяпти. Ҳозир карантин бироз юмшаганидан сўнг эримга ҳам буюртмалар тушяпти. Аммо унинг топгани барибир рўзгорга зўрга етади, чунки мен чақалогим билан уйда ўтирибман.

Масъуллар нима дейди?

Аслида. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 20 январда

тасдиқланган Низомга кўра, табиий офатдан сўнг, иншоот кимга тегишли бўлишидан қатъи назар, уйнинг техник ҳолатини аниқлаш учун махсус комиссия тузилиши, техник кўрик натижалари ҳақида далолатнома тузилиб, у хонадон эгасига берилиши лозим. Меъёрий ҳужжатга кўра, маҳаллий ҳокимликнинг қарори асосида яшаш учун яроқсиз деб топилган хоналар бузилади. Бу жараёнда офатдан зарар кўрган хонадон соҳибига давлат томонидан бепул яшаш жойи тақдим этилиши керак. Мазкур ҳолатда эса бу қоидаларга амал қилинмаган.

— Сел тошқини оқибатида кўпроқ зарар кўрган хонадонларнинг барчасига маҳалла ва шаҳар ҳокимлиги томонидан 500 минг сўмдан 900 минг сўмгача моддий ёрдам, озиқ-овқат ва кийим-бош тарқатилди. — дейди «Истиқбол» йиғини раиси Ўқтам Ҳожиёв.

— Бундан ташқари, уйи деярли бутунлай вайронага айланган Тоҳир Худойбердиевга ҳар ойда шаҳар ҳокимлиги томонидан 900 минг сўм миқдоридега ижара пули тўланапти. Мазкур худудда яшовчиларнинг аксариятини тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида уларга жўжа боқиш ёки субсидия асосида иссиқхона қуриб беришни таклиф қилдик. Аммо уларнинг бирортаси бу таклифни қабул қилмади. Айтишларича, кўчада мардикорлик қилиб бундан кўпроқ даромад топиш мумкин экан.

— Дарҳақиқат, Чашмаи Хизр кўчаси анчагина чуқурликда жойлашгани боис бу ерда истиқомат қилувчи аҳолини сел келишидан ҳимоя қилиш анча мураккаб масала. — дейди Самарқанд шаҳар ҳокими ўринбосари Рустам Олимов. — Шунинг учун айтиш пайтда кўпроқ сел хавфи остида қолиши мумкин бўлган хонадонларни бошқа бир худудга

кўчириш масаласи кўриб чиқилаяпти. Т.Худойбердиевнинг хонадони масаласига келсак, бу оила 2-3 ой ичида, албатта, тегишли тартибда уй-жой билан таъминланади.

Чиросиз кунлар қачонгача давом этади?

Бугунги замонда электр энергиясиз турмушимизни тасаввур қилиш қийин. Аммо айрим маҳаллаларда одамлар ана шу қийин шароитда ҳам кўникашга мажбур. Жумладан, Жомбой туманидаги «Наймантепа» маҳалласининг Туркман қишлоғида яшовчи 600 га яқин хонадон айтиш кунларда электр таъминотидаги мунтазам узилишлардан азият чекмоқда.

— Муаммонинг бош сабаби — қишлоқ аҳолисига хизмат қилиб «чарчаган», ўтган асрнинг 70-йилларида ишлаб чиқилган ва таъмирланавериб, мутлақо яроқсиз ҳолга келиб қолган трансформаторда, — дейди меҳнат фахрийси Эркин Омонов. — Яқинда у кучли зўриқиш туфайли яна портлаб кетди. Очиги, бу ҳақда масъулларга айттавериб чарчадик. Бундан икки йилча олдин ҳам шундай ҳолат рўй берганида, масъуллар янги трансформатор ўрнатиб берамиз, унга супача тайёрлаб қўйинлар» деб кетишган эди. Мана, икки йилдирки, супача трансформаторни кутиб ётибди. Айтишча, бу ҳолатдан ипак қурти парваришлаётган хонадонлар жуда қийналишяпти. Қора чирок ёруғида сўриларни кўздан кечиришнинг ўзи бўладими?

Вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида Жомбой тумани электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Шерзод Ҳасановга мурожаат қилдик.

— Бу қишлоқда мазкур муаммо анчадан бери мавжуд ва уни ечишга ваъда берган эдик. — дей-

ди Ш.Ҳасанов. — Аммо юртимизнинг айрим вилоятларида юз берган табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш мақсадида бизга ажратилган янги трансформаторларнинг аксарияти ўша худудларга юборилди. Шу боис кўпчилик қишлоқлардаги бу каби муаммолар ечилмай қолди. Уйлайманки, жорий йилнинг охиригача мазкур масала ўз ечимини, албатта, топади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Кейинги кунларда маҳаллаларда аҳолини қийнаб келаётган қайси бир муаммо ҳақида гап кетса, айрим масъуллар сўнгги вақтларда юз берган табиат ҳодисаларини рўқач қилгани-қилган. Гўёки, режадаги барча маблағлар, асбоб-ускуналар ўша худудларга жўнатилгандек.

Бизнингча, одамларни йиллар давомида қийнаётган муаммоларнинг ечилмаслигига табиий офатларнинг унчалик ҳам алоқаси бўлмаса керак. Ахир бу офатлар бор-йўғи 3-4 ой илгари рўй берди-ку! Туркман қишлоғидаги яроқсиз трансформатор масаласи эса қарийб 15 йилдан буён кун тартибидан тушмай келади.

Хуллас, Жомбойдаги Туркман қишлоғи аҳолиси янги трансформатор учун қуриб қўйган супача яна қанча вақт бўш туришини, Самарқанд шаҳридаги Чашмаи Хизр кўчасида яшовчи Тоҳир Худойбердиев ва бошқа жабрдийдаларнинг қачон бошпана билан таъминланишини ҳозирча ҳеч ким аниқ билмаяпти. Балки, бу масалага тегишли идоралардаги масъуллар тез орада ойдинлик киритишар? Биз эса бу мавзуга яна қайтамыз.

Ёрмамат РУСТАМОВ
«Mahalla»

Фарғонадаги «Лойиҳалар фабрикаси»да ёшлар
10 миллион сўм иш ҳақи олади.



Мамлакатимиз географик жиҳатдан шундай минтақада жойлашганки, бу ўлка табиатнинг бирор-бир инжиқлигидан тўлиғича ҳимояланган, дея олмаймиз. Зилзила, сел ва тошқинлар, қор кўчкилари шулар жумласидан. Айниқса, кейинги пайтларда юртимизнинг турли ҳудудларида сел ва тошқинлар тез-тез рўй бермоқда.

Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида жорий йил 13 май куни рўй берган табиий офат айни синовли даврда яна бир ташвиш бўлди. Сел келиши оқибатида шаҳарнинг «Янги Зарафшон» маҳалласи ҳудудидаги «Чорбоғ Зарафшон» дала ҳовлилари ҳамда «Даугистау» маҳалла фуқаролар йиғинидаги юзлаб хонадонларга жиддий зарар етди. 300 нафар фуқаро хавфсиз ҳудудга эвакуация қилинди.

— Айни пайтда селдан зарар кўрган хонадонларда таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда, — дейди Зарафшон шаҳар ҳокимлиги масъул ходими Умид Худойкулов. — Шаҳар ҳокими ва сектор раҳбарлари табиий офатдан зиён кўрган фуқаролар билан тез-тез учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилмоқда. Вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидан Зарафшонга инсонпарварлик ёрдами, яъни озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда қурилиш материаллари етказиб

ҲОКИМЛИК ер ажратишга нега панжа орасидан қараган?

бериляпти. Тез орада бу оилалар ўзларининг таъмирланган уй-жойларига кўчиб ўтадилар.

Худуд аҳоли истиқомат қилишига мослашмаган

Табиий офатлар қутилмаганда рўй беради. Уни тўхтатишга инсон ожизлик қилади. Хатирчи туманидаги Шайхлар, Хўжа, Мингқамиш, Ғалча, Чоштепа, Бахрин, Қўклам ва Қарғатепа қишлоқлари «Кўксарой» сел сув омборининг пастки қисмида жойлашган бўлиб, бу ер сув тошқини хавфи юқори бўлган ҳудудлар сирасига киради. Шунга қарамай, ҳудудда қарийб 15 минг нафар аҳоли истиқомат қилади.

— Ушбу ҳудуд аҳоли истиқомат қилишига мослашмаган, — дейди Навоий вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлим бошлиғи Зафар Қудратов. — Афсуски, йил сайин бу ерда турар-жойлар кўпаймоқда. Одамлар сел йўлларида уй-жой қуришяпти. Бу жойларда деҳқончилик қилиш, дарахт экиш мумкин, аммо доимий тураржой қуриб, яшаш

хавфли. Хатирчи тумани ҳокимлиги масалага жиддий қараши, сел келиш хавфи мавжуд ҳудудларда аҳолига уй-жой учун ер ажратишда эътиборли бўлиши лозим эди. Аммо бир неча йил аввал ҳудуднинг бу хусусиятлари ҳисобга олинмай, уй-жой қуриш учун ер ажратиб берилган. Бундан ташқари, аҳоли ҳеч бир руҳсатномасиз ҳам сел йўлларида қурилиш ишларини амалга оширган.

— 80-йилларда қишлоғимизда бор-йўғи 9 та хўжалик истиқомат қиларди, ҳозир уларнинг сони 100 тадан ошган, — дейди Шайхлар қишлоғида яшовчи Исомиддин Рўзиев. — Ҳудудга одамлар ўзбошимчилик билан кўчиб келмаган, бу ерлар ҳокимлик томонидан тураржой сифатида ажратилган. Аммо аҳолининг ўз иншоотларини кўпайтириб бориши вазиятни янада оғирлаштирган. Энди бу хўжаликларни бошқа жойга кўчириш ҳокимлик учун ҳам катта муаммога айланган. Ачинарлиси, «Кўксарой» сел сув омборининг дамбалари ўпирилган. Кучлироқ ёмғир ёғиб, сув кўпайса, қирғоқидан тошяпти. Биз эса юрак ҳовучлаб яшайпмиз.

Иншоот дамбаси илмий-техник талабларга жавоб бермайди

Дарҳақиқат, «Кўксарой» сел сув омборига олиб борадиган йўл бўйлаб кетар эканмиз, эшитганларимиз ростлигига гувоҳ бўлдик. Ўзбошимчилик билан сел йўлида уй-жой, молхонаю товуқхона қурилган. Бундан ташқари, сув иншоотининг ҳам аҳоли ачинарли.

— Ўтган йилги ёғингарчилик иншоотимизга сезиларли зарар

етказди, — дейди «Кўксарой» сел сув омбори бошлиғи Мақсуд Омонов. — Айни пайтда дамбадаги сув ҳаракатини назорат қилувчи 11 дона махсус ускунанинг 3 таси ишдан чиққан. Тўғоннинг олд қисми ўнг томонидаги бетон қиялик деформацияга учраган. Қузатув камераларимиз ҳам яроқсиз ҳолатда. Эксплуатацион галерея секциялари том ва ён қисмида секундига 2,5-3,5 литр атрофида сув оқадиган ёриқлар бор. Бу чиндан ҳам, хавфли ҳолат бўлиб, айни пайтда омборда таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Имкон қадар барча камчиликлар барта-раф этилади.

Вилоятдаги «Кўксарой», «Тўдакўл», «Қўйимозор» ҳамда «Сентоб» сув иншоотларида ҳам қатор муаммолар мавжуд. Айримларининг дамбаси илмий-техник талабларга жавоб бермайди. Баъзиларида эса барча техник қурилмалар маънан эскирган. Масъулларнинг айтишича, мазкур сув омборларида ёғингарчилик мавсуми тошқинларни талафотсиз ўтказиш бўйича барча чоратadbирлар белгиланиб, амалга оширилмоқда.

Нодон ўзининг, оқил ўзгалар хатосидан сабоқ олади, дейишади. Навоий вилояти мутасаддилари ҳам масалага панжа орасидан қараши тўхтатиб, ҳудудда бирор фалокат рўй бермасидан аввал вазиятга жиддий ёндашишлари зарур.

Биз мавзуга яна қайтамыз.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Сел келтирган зарарни ким қоплаб беради?

— Сел ва сув тошқинлари туфайли халқ хўжалиғи тармоқларига етказилган зарар қандай қопланади?

Мурод ЖАББОРОВ.
Навоий вилояти.

Зафар НОРМУРОДОВ,
Навоий вилояти Хатирчи тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи:

— «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунга кўра, сувнинг зарарли таъсири натижасида юз берадиган табиий офатларнинг олдини олиш ва уни бартараф этишга оператив раҳбарлик қилиш учун Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти органлари томонидан комиссия тузилади. Улар мавжуд ҳолатни баҳолаб боришади. Сув етказадиган зарарни қоплаб бериш фойдаланувчилар, сув истеъмолчилари маблағлари ҳамда маҳаллий бюджет ҳисобидан, республика ва минтақавий дастурлар бўйича эса республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Тангем ролини ижро этган Ли Ён Э ўзбек халқига видеомурожаат йўллади.

УЗУМБОҒ қачон ўз номига муносиб бўлади?

Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли туманидаги Узумбоғ овул фуқаролар йиғини «Нукус — Тахтақўпир» катта магистраль йўлида жойлашган. Овулдагилар азалдан ерга меҳр бериб, деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Меҳнатнинг роҳати ҳам шунга яраша бўлиб, улар етиштирган қовун-тарвуз, бодринг, помидор каби махсулотлар жуда харидорғир эди.

Ҳозир эса овулдагилар ўша дамларни изтироб билан эслашди, холос. Негаки, мана, ёз фаслининг биринчи ойи тенг ярмига яқинлашди ҳамки, одамлар томорқа ерини суғора олгани йўқ. Айниқса, ҳудуднинг Тентек арна овулида истиқомат қилувчи 50-60 та оила бундан жиддий азият чекмоқда. Яқинда таҳририятимизга ҳудуддаги бир гуруҳ юртдошларимиздан мурожаат келиб тушди. Унда ақс этган муаммоларни ўрганиш мақсадида мазкур овулда бўлдик.

Қаловини топиб, қор ёғдира олмаганлар

— Одамлар асосий даромадни томорқадан топади, — дейди мурожаат муаллифларидан бири, фермер Арзубай Бекбаулиев. — Ҳар йили шундай вақтларда Нукус бозорларига бодринг, помидор, тарвуз-қовун чиқариб сотардик. Бу йил сув танқислиги боис деҳқончилигимиздан барака кетди. Сув таъминотидаги узилиш бўйича туман ҳокимлигига қилган қайта-қайта мурожаатларимиз натижасида май ойининг охирида сув беришганди. Бироқ кўп ўтмай, тўхтатиб қўйишди. Ахир, ҳар суғориш вақти келганда шундай югуравериш, идорама-идора сарсон бўлиш осонми? Унда деҳқончиликни қим қилади?

Сувсизликка чора излаб, овулдаги 5-6 та оила ерости сувидан фойдаланиш учун насос ўрнатди. Аммо бу ҳам фақат қудуқ



қизиш билан битадиган иш эмас. Ер остидан тортиб олинган сувни бирданига экинларга бериб бўлмайди. Сув экинга фойда берадиган микроэлементларни ўзида жамлаши учун очик ҳовузда бир муддат сақланиши керак. Агар шундай йўл тутилмаса, сув фойда ўрнига зиён келтириб, ўсимликларга зарар беради. Хуллас, ҳудуд аҳолиси қаловини топгану қор ёғдира олмаган!

— Овулдаги хонадонларнинг 400 гектарга яқин томорқа ерлари мавжуд, — дейди йиғин раиси Айбек Аюезов. — Бундан ташқари, ғалла ва пахтачиликка ихтисослашган 31 та, савзавот, полиз ва боғчиликка ихтисослашган 17 та, чорвачилик бўйича 19 та, балиқчилик бўйича 3 та хўжалик фаолият юритмоқда. Уларнинг 5 минг

гектардан ортиқ ери учун сув етказиб берилиши керак. Жорий йилда сув танқислиги сезиляпти. Бу бўйича ҳудуддаги 6 та аҳоли пунктдан мурожаат келиб тушган. Уларни тегишли жойларга етказиб, шароитга қараб қаноатлантиришга уриняпмиз.

Таъкидлаш керакки, айнан Узумбоғ овули ҳудудидан иккита — «Кегейли» ва «Қуўаньш жарма» каналлари оқиб ўтади. Лекин бу сувдан фойдаланишга рухсат йўқ. Сувнинг ёнида бўлсангу ундан фойдалана олмасанг, бундан ёмон бўлмаса керак.

Лимит қачон тенг тақсимланади?

— Ҳудуддаги муаммолардан хабаримиз бор, — дейди туман ирригация бўлими бошлиғи Қадирбай Пиримбетов. — Бу ерда деҳқончилик хўжаликлари, томорқа ер эгалари сони кўп. Аммо бизга ажратилган сув лимити жуда кам. Шу боис бор сувни тежаб, шароитга қараб тақсимлаб беряпмиз. Одамларга ҳам бунини тушунтиряпмиз. Агар улар ҳам вақтида ҳудуддаги ариқ ва зовурларни тозалаб қўйишганида эди, сув билан боғлиқ бу қадар катта муаммо бўлмасди. Боиси бу орқали ҳудуддаги бошқа каналдан сув олиш имконини яратиш мумкин эди.

Аҳоли эса масъул ходимнинг юқоридаги фикрларини инкор этади. Уларнинг айтишича, ариқ ва зовурлар тозаланган тақдирда ҳам сув камлиги боис унинг овулга етиб бориши қийин. Вазият оғир. Демак, ҳудудда сувни тежайдиган усуллардан самарали фойдаланиш зарурати бор. Бунда эса одамларга томчилатиб суғориш усули қўл келиши тайин.

Агар масъуллар мана шу жиҳатларни ҳисобга олиб, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб борса, бу борада амалий ёрдам берса, муаммога ечим топса бўлади. Зеро, бугун давлатимиз томонидан бундай усулда томорқасини, экин майдонини суғорётганлар учун қатор имтиёзлар,

МАЗЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Президентимизнинг 2020 йил 18 майдаги «Томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича кўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги қарорига қўра, томорқа ер участкалари самарадорлигини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативлари аъзолигига бадал тўлаш учун субсидиялар ажратилади.

Бунда субсидиялар енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун — БҲМнинг 30 баравари, суғориш воситалари харид қилиш учун — БҲМнинг 10 баравари, уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун — БҲМнинг 3 баравари миқдориде берилади.

хусусан, субсидиялар берилмоқда.

Яна бир гап — масъуллар сув лимит асосида ҳаммага тенг тақсимланишини айтишди. Агар шундай бўлар экан, қачон қайси ҳудуд сув олишини шаффоф тизим орқали кўрсатиб бориш ҳам керак. Негаки, шу яқин атрофдаги айрим фермер хўжаликлари, овулларда сув билан боғлиқ муаммолар умуман кузатилмаслигига ҳам амин бўлдик. Бу эса ҳудудда адолатли тизим борлигига шубҳа уйғотади.

Бугун ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, бунинг учун зарур шароитлар яратиш, керак бўлса, одамлар орасида тушунтириш ишларини олиб бориш зарурлиги бот-бот таъкидланяпти. Томорқадан унумли фойдалана олмаётган аҳолининг ерга бўлган муносабатини ўзгартириш учун имтиёзлар бериш баробарида уларни ер илмига ўқитиш борасида ҳам топшириқлар берилмоқда. Узумбоғ аҳолиси ҳам ерга меҳр берганлардан. Ҳудуд масъуллари уларни айблаш ёки имкониятлар чеклангани ҳақида вақт келтириш билан қаноатланмай, юрт раҳбари кўрсатмалари асосида иш тутса, ҳар икки томон ҳам бирдек фойда кўрган бўларди.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»



Ўзбекистон Осиё -Тинч Океания технологиялар трансфери
маркази Бошқарув кенгашига сайланди.



АКЦИЗ СОЛИҒИНИНГ

бекор қилиниши одамларга қулайлик яратадими?

Импорт машина учун қандай тўловлар тўланади?

Бундан икки-уч ой олдин «Uzautomotors» компанияси томонидан айрим автомобилларнинг нархи кўтарилиши эълон қилинган, бу аҳоли норозиликка, кескин саволларнинг ўртага қўйилишига сабаб бўлди. Бу соҳадаги асосий эътирозлар «Uzautomotors»нинг мамлакатимиздаги энгил автомобиль ишлаб чиқариш соҳасида ягона монопол компанияга айланиб қолгани ҳамда хорижий давлатлардан автомобиль импорт қилишдаги бож тўловларининг юқорилиги билан боғлиқ эди.

— Ҳозирги амалиётда хориждан кирадиган энгил автомобиллар учун қатор қўшимча тўловлар мавжуд — дейди ҳуқуқшунос Хушнудбек Худойбердиев. — Жумладан, импорт машиналар учун божхона йиғими (божхона қийматининг 0,2 фоизи, бироқ камида 25 АҚШ доллари ва 3000 АҚШ доллари ортиқ эмас) ва 15 фоизлик қўшимча қиймат солиғи ундирилади. Шунингдек, импорт божхона божи (3 йилгача бўлган янги автомобилларга машина нархининг 30 фоизи, 3 йилдан ортиқ эски машиналарга 40 фоиз) ҳамда двигатель ҳажмига кўра, импорт божхона тўлови ҳам амалга оширилади. Бундан ташқари, акциз солиғи (30 фоиз, Россия, Қозоғистон ва Украинадан олиб келинадиган машиналар учун 2 фоиз) ҳам тўланади.



Кўрииб турибдики, машинани импорт қилишда салкам машина нархига тенг миқдорда бож тўловларини тўлаш талаб этилади. Бу эса автомобиль савдосида тўлақонли соғлом рақобат таъминланмаганини аңлатади. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 3 июндаги «Ташқи иқтисодий фаолиятни янада тартибга солиш ва автотранспорт воситаларининг ички бозорини ривожлантиришни рағбатлантиришга доир чоратadbирлар тўғрисида»ги қарори эса айна йўналишдаги фаолиятни тартибга солиш йўлидаги илғор қадам бўлди, десак адашмаймиз.

Энди акциз солиғи ундирилмайдими?

Ушбу ҳужжат автомобилсозлик соҳасини ривожлантириш, ички бозорда эркин, соғлом рақобатни кучайтиришга қаратилган. Шунингдек, у автомобиль импортининг энгиллашиши, рақобатбар-

“ Сингапурликлар «олтин тўртлик»ка эришса, ўзларини бахтли инсон деб ҳисоблашар экан. Яъни улар учун битта иш жойи, битта фарзанд, битта уй ва битта машинага эга бўлган киши тўқис ҳисобланади. Айна пайтда бизда ҳам бу талаблар кучайиб бормоқда. Айниқса, уй ва турмуш кечириш билан бирга, шахсий машинага эга бўлиш ҳам кишиларнинг кундалик заруратига айланиб қоляпти.



дошлиқнинг ортиши ва мамлакатимизда халқаро стандартларга жавоб берадиган автомобиллар ишлаб чиқарилишига ҳам замин ҳозирлайди.

— Қарор билан 1 августдан бошлаб 8701, 8702, 8703, 8704 ТИФ ТН кодлар бўйича транспорт воситаларини олиб киришда амалда бўлган акциз солиғи ставкалари бекор қилинади, — дейди Давлат божхона қўмитаси бошқарма бош инспектори Акбаржон Актамов. — Шу пайтгача амалда бўлган акциз солиғи ставкалари ўртача 15 фоиздан 70 фоизгача, мос равишда двигатель ҳажмига кўра, 2,4 АҚШ доллари ортиқ 7 АҚШ долларигача миқдорни ташкил этарди. Эндиликда ҳужжатга асосан, ушбу акциз солиғи ундирилмайди.

Қайд этиш керак, ТИФ ТН кодларининг юқорида таъкидлаб ўтилган позицияларига тиркама, трактор, юк ташувчи, юк ағдарувчи ҳамда энгил автотранспорт воситалари, саккиз ва ундан ортиқ йўловчи ташишга мўлжалланган автобуслар киради. Бу эса, ўз навбатида, ташқи савдо фаолиятини тартибга солиш баробарида ички бозордаги рақобатни рағбатлантиради. Шунингдек, юк ташиш ва йўловчи ташишга ихтисослашган автотранспорт воситаларига бўлган эҳтиёжни қоплашга ёрдам беради.

Одамларга қандай энгиллик бўлади?

Хўш, акциз солиғининг бекор бўлиши оддий одамларга нима беради? Келинг, буни аниқ мисол ёрдамида кўриб чиқамиз. Маса-

лан, «Volkswagen Passat» машинасининг 2.0 TSI DSG Business Edition модификациясини мисол тариқасида оламиз. Двигатель ҳажми 1984 куб.см. Россиядаги нархи тахминан 34 минг АҚШ доллари. Энди шу машина Ўзбекистонга қанчага кириб келишини кўриб чиқамиз (транспорт харажатисиз):

Ўзининг нархи: 34000 доллар;

Божхона йиғими (0,2 фоиз): 68 доллар;

Импорт божи (нархдан 30 фоиз): 10200 доллар;

Импорт божи (ҳажмдан - 2,5 доллар): 4960 доллар;

Акциз солиғи (ҳажмдан - 2,9 доллар): 5753 доллар;

ҚҚС (жами сумманинг 15фоизи): 8247 доллар.

Жами: 63 минг 228 АҚШ доллари.

Кўриб турганингиздек, 34 минг долларлик машинани Ўзбекистонга олиб кириш учун давлатга 29 минг доллар қўшимча ҳақ тўлаш керак. Энди 1 августдан бошлаб акциз солиғи бекор бўлса, ҳозирги мисолимиздан кўриш мумкинки, 5753 доллардан сал кўпроққа нарх арзонлайди. Яъни 34 минг долларлик машина салкам 57 мингга кириб келади.

Албатта, акциз солиғининг бекор бўлаётгани яхши янгилик, чунки бу узоқ йиллик монополияга секин-аста барҳам беради. Аммо барибир божхона тўловлари жуда юқорилигича қолмоқда. Бундай вазиятда соғлом рақобат муҳитини яратиб бўлмайди. Бундан давлат ҳам, халқ ҳам, яъни истеъмолчи ютқазади. Шу маънода юқоридаги қарорни соғлом рақобатни йўлга қўйиш йўлидаги дастлабки қадам, десак муболаға бўлмайди.

Рақобат бор жойда ўсиш бўлади. Автомобиль ишлаб чиқариш саноатида ҳам ички компаниялар ва ташқи брендлар ўртасида рақобат ҳосил қилинса, мамлакатимизда автомобилсозлик соҳасида ривожланиш янада кучаяди. Бу соҳадаги ислохотларни сустлаштирмасак, йирик автомобиль саноатига эга кучли мамлакатлар қаторидан жой олишимиз шубҳасиз.

Санжар ЭШМУРДОВ
«Mahalla»

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

«Чиройли» рақамлар арзонлашадими?

Ҳукумат қарори билан эндиликда «чиройли» рақамлар 6 та тоифага ажратилди (илгари 3 та тоифа эди). Шунингдек, айрим «чиройли» рақамларнинг бошланғич нархлари ва тоифалари ҳам ўзгарди.

Хусусан, Тошкент шаҳридаги 2-тоифа рақамларининг бошланғич нархи агар улар ҳар хил комбинациядаги ҳарфлар билан бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари (илгари 40 баравар), бир хил комбинациядаги ҳарфлар билан бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 баравари (илгари 50 баравар) этиб белгиланди.

2020 йилда дунё бўйича табиий газга бўлган талаб кескин пасаяди.

30 кишилиқ ТҮЙЛАР

халқимизни тўй «балоси»дан қутқара оладими?

Наманган вилояти Чортоқ туманидаги «Ўрикзор» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Тилабоевлар хонадонида бўлиб ўтган 30 кишилиқ тўй одамлар орасида анчайин шов-шув бўлди. Одатга айланган 10-12 та қимматбаҳо хориж автомобиль кортежлари ўрнига 1-2 та энгил машина ёшларга хизмат қилди. Дастурхон ҳам камтарона безатилди. Очиғи, бундай ихчам тўйнинг бўлганига шубҳа билан қараганлар ҳам топилди. Энг муҳими, иқтисодий имкониятлари етса-да, оила қуриш истагидаги икки ёш айна кундаги вазиятни тўғри тушуниб, карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда никоҳдан ўтишга, ортиқча дабдабалардан холи тўй ўтказишга рози бўлгани уларни вояга етказган ота-оналарини ҳам бирдек хурсанд қилди.

Кимўзарга тўй ўтказишлар нега камаймади?

Охириги вақтларда тўй ҳақида, тўйлардаги исрофгарчилик, дабдабаозлик, манманлик, кибру ҳавога берилиш, орзу-хавас изидан кимўзарга қувиш ҳақида кўп ва ҳўп гапирилди. Оммавий ахборот воситалари орқали бундай номақбул ишларни ўзига эп кўраётган ота-оналар ва уларнинг фарзандларини инсофга чақириш учун керагидан-да ортиқ мақолалар ёзилди, кўрсатув ва лавҳалар, ижтимоий роликлар, эшиттиришлар тайёрланди. Ҳатто, бу борада тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиб, тартибга риоя қилмаганларга маъмурий жарима жазосини тайинлашдек анчайин таъсирчан чоралар белгиланди. Бироқ очиғи, тан олайлик, бу қилинган ишларнинг натижаси деярли сезилмаётгандек эди. Шунча тушунтириш ишларига қарамай, ҳудудларда кимўзарга тўй ўтказиш, одамлар орасида дабдабага берилиш ортсда ортдики, асло камаймади.

Аммо бугун инсониятни яшигина синовдан ўтказаятган коронавирус касаллиги ҳаётимизнинг кўпгаб жабҳаларига салбий таъсир қилиш билан бирга, одамларнинг дунёқарашини, уларнинг ҳаётга бўлган муносабатини буткул ўзгартириб юборди. Хусусан, ҳозирги пандемия шароити ўзбек халқини керакдиз хою-ҳаваслардан воз кечиб, «тўй балоси»дан қутқаришда жуда қўл келаётганини таъкидлаш жоиз.

Хабарингиз бор, Республика махсус комиссиясининг жорий йил 30 майдаги қарори билан мамлакатимиздаги «яшил» тоифага киритилган ҳудудларда оилавий тантана, тўй, маърака ва маросимларни 30 кишидан кўп бўлмаган

ҳолда ўтказишга рухсат берилди. Шундан сўнг юртимиз бўйлаб карантин талаблари асосида, кўпи билан 30 киши иштирокида кўп-лаб тўйлар ўтказила бошланди. Қувонарлиси, кўпчилик одамлар бундай ибратли аънамага бош-қош бўлган ота-оналарни, бекорчи хою-ҳаваслардан воз кечиб, ихчам тўй ўтказишга рози бўлган ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда.

УНУТМАНГ!

Карантин даврида оилавий тантана, тўй, маърака ва маросимларни ўтказишнинг белгиланган талабларига риоя қилмаган фуқаролар ўрнатилган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилади!

Моддият кучайган жойда оқибат ва хайр йўқолади

— Сир эмаски, сўнгги вақтларда тўйлардаги ортиқча сарф-харажатлар, турли «расм-русумлар», «одатлар» туфайли кўп оилаларнинг иқтисодий аҳволи оғирлашиб, қийин вазиятга тушиб қолмоқда, — дейди Наманган вилояти Чортоқ туманидаги «Ўрикзор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Одижон Маматвалиев. — Яқинда маҳалламизда ортиқча исрофгарчиликсиз бўлиб ўтган тўй ён-атрофдаги одамлар, қўни-қўшниларга ибрат бўлди. Маҳалла фаоллари ўзаро кенгашган ҳолда 30 кишилиқ жуда чиройли ва ихчам тўй ўтказдик. Бу эса келин ва куёвнинг ота-

ДАРВОҚЕ...
— 2020 йил 1 июндан бошлаб «яшил» ҳудудларда ўтказилаётган 30 кишилиқ тўйларда тадбир эгалари, уларнинг яқин қариндошлари, қўни-қўшниларнинг кам сонли вакиллари киритилади. Шунингдек, иштирокчилар сонидеги чеклов доирасида хонанда ва бошқа хизматларни бажарувчи ходим қатнашиши мумкин.

гач, оила маслаҳат қилиб, автомашина харид қилди. Тўйдан қанча қарз билан чиқар эканмиз, деган хавотирдаги ота-она учун бу қутилмаган совға бўлди.

Айтиш лозимки, махсус комиссиянинг қарорига асосан, тўйларни 30 киши иштирокида ўтказиш аҳолимиз томонидан яхши қабул қилинмапти. Харажатлар ана шу меъёр асосида режалаштирилмоқда. Тўғри, ҳаммининг онгини қисқа муддатда ўзгартириш қийин, лекин ортиқча дабдаба, исрофгарчилик маросим ўтказаятган оила учун катта зарар эканлиги, маблаглар оила қураётган ёшларнинг эҳтиёжи, уй шароитларини яхшилаш учун сарфланиши энг мақбул иш эканлигини ҳаммамиз ҳам аста-секин тушуниб бораёмиз. Ўйлайманки, бу яхши аънава кейинги йилларда ўзича қайвониликни қўлга олган, халқ тадбирларига янги «хурмача қилиқлар»ни киритаётган, халқимиз тарихи, маданияти, маърифатидан йироқ кимсаларни йўлимиздан четта суриб қўяди. Чунки ўзбек халқи исроф, уволдан кўрқадиган, фарзанди бахтинги барча нарсадан устун қўядиган, ҳалол меҳнат билан топилган ҳар бир тийинни режалаб сарфлайдиган халқ.

Хулоса ўрнида

Таъкидлаш жоизки, охириги йилларда тўй маросимлари ўзининг асл моҳиятини йўқотиб, бутунлай бошқа нарсаларга, хусусан, манманлик, кимўзарликка хизмат қилди. Ота-онанинг минг машаққат билан йиққан молу давлати одамларнинг арзимас гапларини эшитмаслик, кимлардандир ортда қолмаслик учун ҳавога совуриб келинди. Ўйлаймизки, пандемия сабаб яхши аънамага айланаётган 30 кишилиқ тўйлар халқимизни бу каби муаммолардан халос этади.

Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»



Олтин ва кумуш эсдалик тангаларининг нархи пасайди.

Сурхондарё вилояти Узун туманидаги Нуриддин Жабборов номли маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Нафиса Эрманова тақдирига битилган инсон билан оила қурди. Аммо кўп ўтмай, турмушдаги жанжаллар, келишмовчиликлар ўртадаги ришталарга путур етказди. Аёл рўзгорини сақлаб қолишга кўп уринди. «Фарзандларим отасиз ўсмасин», деди, аммо бўлмади. Ахири, ҳеч қаерда ишламайдиган, алкоголь ичимликларга муккасидан кетган, оила масъулиятини унутган эр билан ажрашишга қарор қилди. Аммо оиладан қолган «мерос» аёл қалбини йиллар ўтса-да, тирнаб келмоқда. Яъни, 2009 йилда Нафисанинг энг кичик фарзанди туғма ногиронлик билан дунёга келган. Айни пайтда она ногирон фарзанди учун 518 минг сўм нафақа пули олади. Бироқ бу маблағ на боланинг еб-ичиши, на дори-дармони, на рўзгорининг кам-кўстига етади...

НОГИРОНЛИГИ БОР

боласини парваришлаётган оналар ижтимоий ҳимояга олинганми?

Чет элда моддий рағбатлантирилади. Бизда-чи?

Хабарингиз бўлса, яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси болаликдан ногирон фарзандини ёки биринчи гуруҳ ногирони бўлган оила аъзосини парвариш қилаётган фуқароларга нафақа тайинлаш таклифи билан чиқди. Бунга эса жиддий сабаблар бор.

— *Хизмат тақозоси билан оиласида ногиронлиги бор болаларни парвариш қилаётган оналар билан кўп учрашаман, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Максуда Ворисова. — Халқимиз болажон, фарзандида қандай касаллик ёки нуқсон бўлишидан қатъи назар, уни бағрига босади ва кўп ҳолатда оиласида парвариш қилади. Кўглаб давлатларда бундай оилалар давлат томонидан моддий рағбатлантирилади. Сабаби, ногиронлиги бор болани давлат муассасаларида парвариш қилиш учун анча катта маблағ сарфланиши керак. Ҳўш, бизда-чи? Ногиронлиги бор бола учун ҳар ойда 460 минг сўм нафақа белгиланган. Она 55 ёшга етгач, унга ижтимоий нафақа (унинг бугунги миқдори 268 минг сўм) ажратилади. Болани парвариш қилаётган она ёки ота эса меҳнат қобилияти бўла туриб, ишлашга имкони йўқ. Шундай ҳолатда йиллар давомида қаровчи нима эвазига кун кўриши керак? Оилада бир эмас, бир неча ногиронлиги бор болалар ёки ўзини эглай олмайдиган беморларга қараётган юртдошларимизнинг таъминотини ким ўйлайди?*

Янги қонунга нега эҳтиёж туғилди?

Маълумки, 2006 йилда амалдаги «Ўзбекистон Республикасида

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Нафақа олиш ҳуқуқига тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЕК) томонидан болаликдан I гуруҳ ногиронлари, болаликдан II гуруҳ ногиронлари деб эътироф этилган 16 ёшдан катта шахслар, шуниингдек, нафақа олиш ҳуқуқини берадиган тиббий хулоса мавжуд бўлган тақдирда 16 ёшгача ногирон болалар эгадирлар.

ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган бўлиб, унда ногиронликка асосан тиббий тушунча сифатида ёндашилиб, бундай инсонларнинг жамиятга фаол интеграциялашувини таъминлаш борасида ҳуқуқий асослар етарли акс эттирилмаган эди. Шу боис айни кунларда «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қизгин муҳокамалар бўлиб ўтмоқда. Хусусан, ногиронлиги бўлган юртдошларимизнинг манфаатларига хизмат қиладиган янги меъёрларни қонунга киритиш, шу билан бирга, амалиётда бор керакли меъёрларни сақлаб қолиш учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари қатъий фикрда туриб таклиф бермоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, янги қонун лойиҳаси халқро тамо-



йилларга мос равишда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ҳаётида бевосита иштирок этиши учун шароит яратишдек ўта долзарб масалаларни назарда тутаяди.

— *Қонун лойиҳасидаги «Ногиронлиги бўлган шахслар ижтимоий уй-жойни биринчи навбатда олиш ҳуқуқига эгадир», деган меъёр чиқариб ташланишига қатъий қарши чиқдим, — дейди Максуда Ворисова. — Ушбу меъёр ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясида жуда муҳим бўлганлиги учун яқинда сақлаб қолинди.*

Мамлакатимизда сурдопедагоглар 5 нафарга ҳам бормайди

Шуниингдек, қонун лойиҳасидаги «Давлат ҳар йили сурдотаржимонлар, сурдопедагоглар, дефектологлар ва логопедларни ўқитади», деган меъёр «қонунни предмети эмас», деган ваз ж билан чиқариб ташланишига депутат Улугбек Вафоев кескин равишда қаршилик билдирди. Депутат ушбу меъёрни сақлаб қолиш кераклиги, амалиётда сурдотаржимон ва сурдопедагоглар етишмаётгани, Ўзбекистонда

ДАРВОҚЕ...

Бугун Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахслар 700 минг нафардан ошқни ташкил этади.

23 минг нафар кар-соқов бўлса-да, уларга атиги 50 нафар сурдотаржимон хизмат кўрсатиши, бу эса тегишли меъёрлар ва инсонийлик мезонларига тўғри келмаслигини ўз фикрининг асоси сифатида келтириб ўтди.


Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда сурдопедагоглар 5 нафарга ҳам бормайди. Бу эса ногиронлиги бор юртдошларимизнинг жамиятга фаол интеграциялашувига салбий таъсир кўрсатаётган жиддий омиллардан биридир. Шу боис муҳокамалар якунида «Давлат ҳар йили сурдотаржимонлар, сурдопедагоглар, дефектологлар ва логопедларни ўқитади», деган ҳуқуқматга вазифа юкловчи меъёр ҳам сақлаб қолинди.

Хулоса ўрнида

Бугун юртимизда ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган шахсларга жамиятнинг ажралмас қисми сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Бироқ ногиронлиги бўлган фарзандлари бор оналар ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш борасида ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Ўйлаймики, «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тизимдаги қатор муаммоларга ечим бўлади, албатта.

Саъдулло ТУРСУНОВ
тайёрлади.

ДХХ қарийб 22000 дона «Трамадол» таблеткасини мусодара қилди.



Хаёт — катта сахна, унда кучи, қобилияти ва ўз қарашли бўлган кишигина яшаб қолади. Кимдир қилган яхшиликлари билан, яна кимдир ўлмас ижод намуналари билан.

Зулфиқор МУСОҚОВ: «САНЪАТ БИЛАН бизнес деган тушунча ҳеч қачон бирга бўлмайди»



Болалигимизда марок билан томоша қилганимиз «Абдуллажон»ни бутун ҳам худди шундай завқ билан кўрамиз. «Кичкина табиб»нинг хатти-ҳаракатларидан ҳайратга тушамиз, кўлидан кўп иш келишига дилдан ишонамиз. «Осмондаги болалар»ни минг марта кўрсак-да, у бошланиши билан ишларни бир четта йиғиштирамиз. «Ватан»да эса кўз ёш, севинч ва қайғусиз мароқни ҳис этмаймиз.

Нега? Чунки уларда халқчиллик, бадийий дид, топилмалар савияси ниҳоятда юқори. Томошабин бир зум бўлсин, ундан кўзию хаёлини узгиси, воқеалар тизгинидан четта чиқиб қолгиси келмайди. Шунинг учун у ижодкорнинг янги фильмлари интиқ кутилади. Топдингиз, гап ўзбек миллий кинематографиясида ўз дасхатига (уни кимдир минг ўрганмасин, такрорлай олмайди) эга бўлган, ҳақиқатни рўй-рост айта оладиган Зулфиқор Мусоқов ҳақида кетяпти. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» билан кечган суҳбатимиз жуда қизиқарли бўлди.

Хориж киноларимизни тан оляпти

— Ижодий гуруҳимиз доим 34 ярим миллион кишилик халқимизга тушунарли, юрагидан жой оладиган асарлар яратишга ҳаракат қилган. Ҳозир бу ҳақда гапиришга ҳаққимиз бор. Вақт ҳамма нарсани ўз жойига қўйди. Бахтимиз шундаки, хорижда фильмларимиз тан олинди: АҚШ, Япония ва Германияда ҳам томошабинларга манзур бўлди.

Кинонинг вазифаси, бу—...

— Ҳам тарғибот, ҳам тарбия, ҳам эстетик завқ бахш этиш. Даромад келтиришига умуман қаршиман. Қанақасига даромад манбаи бўлади? Шундай катта мамлакатда атиги 61 та кинотеатр бўлса, боз устига, уларнинг ярми яроқсиз. Солиштириш учун айтаман: шу пайтнинг ўзида биргина Тошкентда 143 та ҳашаматли тўйхона бор.

Бу борада энг ўринли фикрни Президентимиз айтган: «Кино соҳасининг аҳамияти Мудофаа вазирлиги билан тенг, баъзида эса ундан ҳам муҳимроқ», «Санъат билан бизнес, деган тушунча ҳеч қачон бирга бўлмайди».

Ўзбекистонда Оскар кўмитаси нима учун тузилган?

— Бир неча йил олдин Жанубий Америкадаги бир кичик давлат раҳбари ватандош режиссёри Оскар номзодлигига, фақатгина «шорт-листига» киргани учун аэропортда тантанали равишда кутиб олган. Сабаби, шу мамлакатнинг номи оз бўлса-да, дунёга танилди.

Очиги, бошида Оскар кўмитаси таркибидан норози бўлганман. Бир мажлисда «ҳали вақт бор», шу кўмитада фақат бошлиқ ва бошлиқчалар эмас, халқимиз меҳрини қозонган 35 нафар буюк киночи ва маданият даргаларини қўшайлик, деб аниқ рўйхатини ўқиб бергандим. Бироқ тақлифимни эшитмаганга олишди.

Дунё тажрибасида Оскар кўмитаси аъзолари барча киночиларнинг умумий йиғилишида кино санъатига улкан ҳисса қўшган инсонлардан, фақат ёпиқ овоз бериш йўли билан тайинланади. Бизда ўша кўмитани ким сайлаган? Миллий киномизга қандай улкан ҳисса қўшган ўша еттита одам?

Пандемия даврида кино

— Карантин пайтида киночилар барча телеканалларда янги фильмлар намойишлини ўтказиб, аҳоли-

БУ — ФАКТ!

→ 2002 йил Ялтада ўтган Гран-прида ижодкорнинг «Қалиш» фильми энг яхши қисқа метражли фильм бўлди.

→ Режиссёрнинг «Ватан» фильми 2007 йилда Малайзияда ўтказилган 50-Халқаро кинофестивалда «Осиёнинг энг яхши фильми» номинациясига даъвогарлик қилган.

→ 2011 йилда режиссёр суратга олган «Қўрғошин» бадий фильми Россияда бўлиб ўтган «Киношок» халқаро кинофестивалида қатнашиб, «Энг яхши сценарий» номинацияси совриндори бўлган.

нинг уйда қолишига катта ҳисса қўшди. Мингта тарғибот тадбирларидан кўра, шу фильмлар одамларни уйда ушлаб туришга хизмат қилди. Ваҳоланки, дунёда ҳар бир намоийш учун киночиларга пул тўланади. Чунки фильм намоийши пайтида телеканаллар рекламадан қанча даромад олади.

Муаммонинг оддий ечими

— Ўзбекистонда актёрларга тўланадиган ҳақ кам, деган қараш бор. Бу бир кунда ҳал қилинадиган масала. «ЎЗБЕККИНО» СТАВКАЛАРНИ ОШИРИШИ КЕРАК!

Ўзбек киносига кадрлар танқисми?

— Бу муҳим масалага давлат томонидан жуда катта амалий ёрдам кўрсатилмапти. Санъат институтида кино мутахассислари тайёрланмапти, «Ўзбеккино»да лаборатория очилган, грантлар берилмапти. Муаммо бошқа нарсада: ёшлар турлича — камтарин ёки манман, дилетант, бир кунлик шон-шухрат ёки бировнинг пулига тезроқ танилишга интиладиганлар. Бу мавҳум йўлда очикчасига лаганбардорлик, маддоҳлик қиладиган, миясида ҳеч нарса йўқ ёшлардан, очигини айт-

сам, ҳазар қиламан. Улар тантанали тадбирлар ўтказиб, ўзига ўзи бош совринларни топириш билан овозра. ОАВлар ҳам уларни «юлдузлар» деб мақтовларга кўмишган.

Назаримда, камтарин, тиришқоқ, билимга ташна, профессионализмга интиланларни доим қўллаб-қувватлаш керак. Улар ўша Каннга бориб, ўзбекларни шарманда қилишмайди, тинч ижод билан банд. Агар ҳозирги раҳбарият айнан шу интилувчан ёшларга камроқ «презентация»лар билан овозра бўлмаса, киномиз фақат ютади.

Ижоддаги янгиликлар ҳақида

Айни пайтида янги «Алвидо, сценарист» номли фантастик притча (масал) фильми устида ишляпгимиз. Кейин минглаб томошабинлар илтимосига кўра, «Осмондаги болалар — 3: ердаги эркаклар» фильми сценарийсини ёзган. Иккинчи фильм — «Жексон ва унинг набираси» лойиҳасини эса Бадийий кенгашга топширдик.

— Фильмларни интиқ кутамиз. Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

«Mahalla» мухбири
Садоқат МАХСУМОВА
суҳбатлашди.

Сиз ДОНОР бўла оласизми?

Қон – инсонга ҳаёт бахш этувчи ноёб неъмат. Бу суюқлик инсон саломатлигини асрашда муҳим роль ўйнайди. Аммо баъзида фалокатга учраб кўп қон йўқотган, натижада ҳаёти хавф остида қолган кишилар ҳақида эшитамиз. Улар фақатгина донорлар сабаб яшаб қолиши мумкин.

Аслида, донорлик нима? Кимлар донор бўлиши мумкин? Юртимизда қон ва унинг таркибий қисмлари ҳамда препаратларига бўлган эҳтиёж қай даражада қондириляпти? Қанча муддатда қон топириш мумкин? Кўпчиликни ўйлантирадиган шу каби саволларга Қашқадарё вилояти қон хизмати маркази бош шифокори Эшонқул РАҲИМОВдан жавоб олдик.

Қон иммунитет ҳосил қиладими?

— Қоннинг қийматини дунёда ҳеч бир нарса билан таққослаб бўлмайди, — дейди Эшонқул Раҳимов. — Одам организмдаги барча аъзолар қон орқали бири-бирига боғланиб туради. У ҳар бир ҳужайрага кислород етказиб бериб, тўқималарни озик моддалар, микроэлементлар билан таъминлайди.

Қон мураккаб тўқима ҳисобланиб, суюқ ва ҳужайра қисмлардан ташкил топган. Унинг суюқ қисми тузлар, глюкоза, альбумин, глобулин, қон ивишида қатнашувчи ва организм иммунитетини ҳосил қилувчи оксиллардан иборат.

Энг катта муаммо шундаки, қонни ва унинг таркибидagi ҳужайраларни сунъий йўл билан тайёрлаб бўлмайди. Шу сабабли касалликка чалинган минглаб кишилар, шунингдек, турли шикастланишлар, жароҳлик, туғиш жараёни, фавкуллода ҳолатларда йўқотилган қоннинг ўрнини фақат соғлом кишилардан олинган қон воситасида тўлдириш мумкин.

У қачон қуйилади?

— Қон, унинг компонентлари ва препаратлари (плазма, эритроцитлар, тромбоцитлар, альбумин ва иммуноглобулинлар) инсон ҳаёти хавф остида қолганда



“ ДАРВОҚЕ... ”

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, барча давлатларда қонга бўлган эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш учун ҳар 1000 кишига 40-60 нафардан донор тўғри келиши лозим.

Мамлакатимизда эса бу кўрсаткич ҳозирча 4-5 нафарни ташкил этади, холос.

қуйилади. Шунингдек, қон тизими касалликлари: оғир даражали камқонлик, лейкоз, яъни «оққон» хасталиги, қон ивиш тизими бузилиши-гемофилия, саратон касалликлари, патологияли оғир кечадиган туғруқлар, операциялар, куйишлар ва фавкуллода ҳолатларда асқатади. Керакли миқдордаги қонни топиш учун соғлом инсонларни доимий, беғараз қон донорлигига жалб этиш лозим.

Донор бу...

— Донор, бу — ўзининг соғлигига зарар етказмаган ҳолда, ўзгаларга ҳаёт бахш этувчи соғлом инсондир.

Донорлар 18 ёшдан 60 ёшгача соғлом инсонлар бўлиб, улар қон марказида тўрт босқичли тиббий текширувдан ўтказилиб, шифокор тавсиясига биноан, донорлик қилиши мумкин. Соғлом киши учун қон топириш, албатта, хавфсиз ҳисобланади. Чунки одам организмда 4,5-5 литр қон бўлиб, ундан 200 ёки 400 мл олинади. Организм 36 соат ичида топирилган қон миқдорини тиклаб олиш хусусиятига эга. Асосийси, артериал гипертония хасталигининг олдини олиш ва бартараф этиш, моддалар алмашувини яхшилаш, шунингдек, иммун тизимини мустаҳкамлашда қон топиришнинг аҳамияти бекиёсдир.

Кимлар донор бўла олмайди?

— Донорликка қарши ҳолатлар иккига бўлинади. Биринчиси — умуман донор бўлолмайдиганлар тоифаси. Уларга инфаркт, инсультни бошдан ўтказган, юқумли хасталиклар — В ва С гепатити, ОИТС, сифилис касаллиги билан даволанган, кимётерапия олган, кўз ўткирлиги — 6 ва ундан паст, буйрак, жигар, ошқозонида яраси бўлган кишилар киради.

Иккинчиси — вақтинчалик топирилолмайдиганлар тоифаси. Яъни антибиотик қабул қилган, тишини даволатган, бирор-бир касалликка қарши эмланган, татуировка қилдирган, туққан

ва эмизикли аёллар шу гуруҳда эътироф этилади.

Қон топирувчиларга нималар тавсия қилинади?

— Қон топишмоқчи бўлган одам мунтазам тўла қийматли овқатланиш ва қон топириш кунидан олдин махсус парҳезли овқат истеъмол қилиши керак. Кун давомида кўп миқдорда суюқликлар — ширин чой ва мевали шарбатлар ичиши, спиртли ичимликлардан ўзини тийиши лозим. Донорлик қилмоқчи бўлган фуқаро таркибида аспирин ва анальгин миқдори бўлган дори ичаётган бўлса, уч кундан кейин қон топириши мумкин. Қон топиришдан аввал икки соат мобайнида тамаки маҳсулотларини чекмаслик тавсия қилинади.

Донорлиқнинг саломатликка фойдаси борми?

— Соғлом киши учун вақти-вақти билан қон топириб туриш соғлиқ учун фойдали. Қадимдан баъзи касалликлар маълум миқдорда қон чиқариш йўли билан даволанилгани ҳам сўзимизни тасдиқлайди. Масалан, табиблар зулуқлар қўйиб ва тананинг маълум жойларини тилиб, қонни сўриб, олиб ташлашган.

Организм йўқотган қонни бир неча соатларда тўлдирди. Шу сабабли ирқи, жинси, касбидан қатъи назар, соғлом инсон бир йилда 2-4 марта қон топириши мумкин. Эслатиб ўташимиз, донор бўлувчининг гемоглобин миқдори юқори бўлиши шарт.

Кимгадир яхшилик қилмоқчимисиз? Унда қон топиришнинг Чунки орамизда сизнинг қонингизга эҳтиёжмандлар бор. Сиз берган 200 грамм қон икки кунда тикланади, аммо шу қон кимнингдир фарзанди, кимнингдир ота-онаси, яна кимнингдир яқин инсонлари ҳаётини сақлаб қолиши мумкин.

«Mahalla» мухбири
Шоҳиста БЗОЗОВА
ёзиб олди.

Ахбор Имомхўжаев «Академик» илмий унвони билан тақдирланди.



ИССИҚ УРИШИДАН ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНИШ МУМКИН?

Ҳароратли ёз — очик осмон, таътил, дам олиш масканларию оромгоҳлар. Марокли оилавий ҳордик, ақлий зўриқишлардан халос бўлиш палласи. Фаслнинг бу завқли онлари билан бирга барчамиздан эътибор талаб қиладиган ҳолатлари ҳам бор. Улардан бири — иссиқнинг саломатлигимизга таъсиридир.

Инсон организмда тана ҳарорати Цельсий бўйича 36,6 даражани ташкил этади. Терлаш танани қизиқ кетишдан сақлайди ва ортқча энергияни чиқариб ташлайди. Аммо исталган пайт термоназорат жараёни ишдан чиқиши мумкин, айниқса, ёзда бу жараён тез-тез учрайди. Биз доим ҳам бунга эътибор қаратмаймиз. Ваҳоланки, иссиқ уриши саломатлигимизга катта хавф туғдириши мумкин.

Офтоб уриши мия фаолиятига таъсир қиладими?

Мутахассисларнинг фикрига қўра, қуёш нури кўринувчи – кундузги, кўринмайдиган – инфрақизил ва ультрабинафша нурлар каби бир неча қисмдан иборат. Унинг А ва В турининг меъёридан ортиғи киши организмда салбий оқибатларга олиб келади.

Ёз мавсумида офтоб уриши – қуёш иссиқлигининг бошга таъсири натижасида бош мия фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ патологик ҳолат саналади. Бундай ҳол тананиннг ортқча миқдордаги иссиқликни бошқара олмаслиғи ва ўзини етарли даражада совутга олмаслиғи оқибатида келиб чиқади. Натижада организмда тер ишлаб чиқариш тизимининг бузилишидан ташқари, қон айланиш фаолияти издан чиқади. Томирлар кенгайиши натижасида бутун танада қон айланиши секинлашади. Бу эса бош мия фаолиятида салбий ўзгаришларга олиб келади.

Унинг қандай белгилари бор?

Офтоб урган одамда бош оғриғи, кўнгил айнаиши, кайт қилиш, ланжлик кузатилади. Ҳавода намлик юқори бўлса, бу белгилар янада кучайиши мумкин. Офтоб уришининг енгил, ўрта ва оғир даражалари мавжуд.

Енгил даражасида ланжлик, бош оғриғи, кўнгил айнаиши, юрак уриши ва нафас олишнинг тезлашиши, кўз қорачиғининг кенгайиши кузатилади.

Ўрта даражасида ҳаракатларнинг кескин сустлашишига борадиган ҳолсизлик, кўнгил айнаиши ва қусиш билан кечувчи кучли бош оғриғи, бош айланиши, қулоқнинг битиб қолиши, чайқалиб юриш, вақти-вақти билан ҳушдан кетиш, томир уриши ва нафас олишнинг тезлашиши, бурундан қон кетиши, тана ҳароратининг 39-40 С гача кўтарилиши кузатилади.

Оғир даражадаги офтоб уриши эса беҳосдан бошланади. Унда кишининг юзлари аввал қизариб, кейин оқ ва кўкимтир тусга киради, мушаклар тортишади. Беморда босинқирашга ўхшаш ҳолат кузатилиб, кўзига турли нарсалар кўринади. Тана ҳарорати 41-42 С гача кўтарилади. Оқибатда оғир беҳушлик ҳолати ривожланиб, пешоб ва ахлатнинг беихтиёр ажралиши кузатилади. Афсуски, оғир даражадаги офтоб уриши 20-30 фоиз ҳолатларда ўлим билан якунланади.

Кимларда кўп учрайди?

Офтоб уриши соғлиқдаги айрим муаммолар: семизлик, қон босимининг юқорилиги, юракдаги туғма

нуқсонлар сабаб ҳам юзага келади. Эндокрин тизимдаги бузилишлар, бир ёшгача бўлган, айниқса, янги туғилган чақалоқлар ва қарилик даврида рўй беради. Бунга гўдаклар организмнинг табиий иссиқликни тартибга солиш тизими ҳали етарлича ривожланмагани, қарияларда эса бу тизим фаолияти сустлашгани сабаб бўлади. Шунингдек, ушбу хасталик сурунқали чекиш, алкоғолдан захарланиш ва руҳий зўриқишда кучайиб кетиши мумкин.

Қандай ёрдам кўрсатилади?

Офтоб урган кишини дарҳол тоза ҳавога олиб чиқиб, сояга ўтказиш, елпиғич ёки чойшаб билан елпиш, баданини совитиш, бошини совуқ сув билан намлаш лозим. Унинг боши юқори ҳолатда бўлиши керак. Тана кенгроқ майдонда жойлаштирилади, бу танадан ортқча энергия чиқиб кетишига ёрдам беради.

Пешонага кўйилган муздек компресс инсонни ҳушига келтиради. Унга кўп суюқлик – туз қўшилган совуқ сув, совуқ чой ва кофе ичириш тавсия этилади. Нафас олишини кўзатиш учун шикастланган кишининг юзи сувга қўланган сочик ёки дастрўмол билан шاپатиланади, новшадил спирт, кислород хидлатилади, бадани уқаланади. Беморнинг нафаси кийинлашиб ёки тўхтаб қолган бўлса, сунъий нафас

олдириш талаб қилинади.

Олдини олиш учун...

Офтоб уришдан сақланиш учун иссиқ кунларда қўлай енгил кийим, бошга эса похол шляпка, панам, сурддан тикилган енгил кепка ва бошқалар кийиб юринг. Иссиқ кунда узоқ йўл юришдан аввал, тўйиб овқатланманг, ичкилик ичманг. Ёдингизда бўлсин, чанқоқни босиш учун совуқ чойдан яхшии йўқ. Қўзларни эса қуёшдан сақловчи кўзойнак ёрдамида муҳофаза қилинг.

Шунингдек, чўмилиш жойларида, айниқса, кундузги соат 12:00 дан 16:00 гача қуёш тигида узоқ вақт қолманг. Қуёшда тобланишнинг давомийлиги 15-20 дақиқани ташкил қилишига эътиборли бўлинг.

Ёзининг иссиқ кунларида организмда сув миқдорини ушлаб туришга ҳаракат қилиш даркор. Шунинг учун кунига 3 литр атрофида газсиз минерал совуқ сув, махсус тузли эритмалар ичинг.

Кун тигиз пайтда вақти-вақти билан баданини совуқ сувда намланган дастрўмол билан артиб туриш уни иссиқланишдан асрайди. Иссиқ шароитда ишлаганда салқин жойда дам олиш, иш жойларида совуқ-кичлар ўрнатилган ёзининг жазирама кунлари биринчича енгил ўтишлини таъминлайди.

Иссиқ ўтказганларга тавсия

Иссиқ ўтказган инсонлар биринчи ҳафталарда юқори ҳароратга ўта сезгир бўлиб қолади. Шу сабабли улардан маълум тартибга риоя қилиши талаб қилинади.

Хусусан, имкон қадар ҳар соатда 2-4 пиёла суюқлик (сув, шарбат) ичиш, куннинг иссиқ пайтини совуқроқ хонада ўтказиш, ёз ойларида соат 11:00 ва 15:00 оралиқлари хавфли ҳисоблангани учун бу даврда жисмоний зўриқишлардан узоқроқ юриш, алкоғоль ва кофеин тутовчи ичимликларни истеъмол қилмаслик зарур. Боиси улар организмни сувсизланишига ва қон томирлар спазмига олиб келади, натижада тер ажралиши камаяди.

Берилган тавсияларга амал қилинг ва ёзининг ҳар бир кунини завқ билан ўтказинг.

Алишер ИСРОИЛОВ,
Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази дерматовенеролог.

ЎҚИНГ, СИЗ УЧУН МУҲИМ

Қуёш нури саратонга сабаб бўладими?

Ҳаддан зиёд қуёш тигида юриш тери саратонига учраш эҳтимolini оширади. Шунингдек, ультрабинафша нурларининг давомий таъсири катарактининг келиб чиқишига, у эса, ўз навбатида, кўз нурларининг бутунлай йўқолишига сабаб бўлиши мумкин. Тери саратони юзага келиши учун анча вақт талаб этилса, кўзларга зарар етказишда ультрабинафша нурларининг оз миқдори ҳам кифоя қилади. Бундай ҳолатда қуёшдан ҳимояловчи кўзойнақлар бизга асқатади. Аммо шундай мароқли дамларда қуёш нурлари остида узоқ вақт бўлиш турли нохуш ҳолатларни келтириб чиқаради. Жумладан, инсоннинг териси куйиши ёки офтоб уриши мумкин. Бу эса соғлигимиз учун жуда хавфли саналади.

КАРАНТИН ДАВРИДА

беморларни масофадан туриб йўқлайлик!

Ислом динида касални зиёрат қилиш энг улуг савобли амаллардан бири ҳисобланади. Барча эзгу амаллар каби бу ишни ҳам астойдил, ихлос билан адо этиш лозим. Карантин даврида беморларни бориб зиёрат қилгандан кўра, телефон орқали ҳол-аҳвол сўраб турган маъқул. Агар жуда яқин таниши: ота-онаси, ака-ука, опа-синглиси бўлса, уларни зиёрат қилгани борганда, карантин қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур.

Киши бемор бўлганида соғ пайдан кўра яхшироқ амал ёзилади. Унинг ҳар бир ҳолати ибодат қилган билан тенг. Жаноби Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи васаллам: «Касалнинг инграши – тасбеҳ, охи – таҳлил, нафаси – садақа, уйқуси – ибодатдир, бир томондан иккинчи томонга ағдарилиши – Аллоҳ йўлида жидду жаҳддир. Унга соғлик вақтидаги амалдан яхшироқ амал ёзилади», – дедилар.

Бемор одамнинг гуноҳлари кечириладими?

Касаллик туфайли мусулмон киши улкан ажру савобни қўлга киритади, гуноҳлари кечирилади. Жаноби Расулulloх саллаллоху алайҳи васаллам айтадилар: «Мўмин кишига етган ҳар бир мусибат учун – касаллик, қийинчилик, алам, нотинчлик, ғам-ташвиш, ҳаттоки кирган бир тикан учун ҳам улкан савобларга сазовор бўлиши билан бирга, ўша етган мусибатлар эвазига бандачилик билан қилган саҳву хатолари кечириб юборилади».

Аллоҳ таоло ҳар кимга ҳам дард беравермайди, балки дардни Узининг суйган бандасига унинг амал дафтарига яхшироқ амал ёзилиши учун, унинг гуноҳларини кечириб даражасини кўтариш учун берав экан.

Йўқлаган киши ҳам улкан ажру савобга эга бўлади

Шу билан бирга, беморни зиёрат қилишнинг фазли ҳам улуг. Беморни кўргани, ҳол-аҳволини сўрагани борган киши ҳам улкан ажру савобни қўлга киритади. Ибн Умар ривоят қилади.



СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Фарз намозларини оралиқ масофасиз ўқиш мумкинми?

– Масжидлар ҳам очилляпти. Лекин масжидда карантин сабабли 1,5-2 метр оралиқ масофани сақлаш кераклиги айтылляпти. Савол туғиладики, фарз намозларини оралиқ масофасиз ўқиш керак. Намозхонлар қандай қилиб фарз намозларини масжидда адо этади?

Адҳам МУСЛИМОВ.
Қарши шаҳри.

ЖАВОБ:

– Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Жамоат намозида сафларни орасини жипс қилиб туриш лозимлиги умумий пайтларга тегишли ҳукм. Аммо ҳозиргидек касаллик тарқалиш хавфи бўлиб турган вақтларда сафларнинг орасини маълум миқдорда очишлик жоиз ҳисобланади. Валлоху аълам.

Бармоқларни қирсиллатиш ёмон одатми?

– Шариатимизга кўра, бармоқларни қирсиллатиш ёмон одатми?

Беҳзод ОЧИЛОВ.
Фарғона вилояти.

ЖАВОБ:

– Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Намозда бармоқларни қирсиллатиш макруҳ амал. Намоздан ташқарида эса одобсизликдир. Валлоху аълам.

Саволларга Ўзбекистон мусулмонлари идораси

ходими
Ҳикматуллоҳ ТОШТЕМИРОВ
жавоб берди.

Ҳазрати Пайғамбар алайҳиссалом: «Ким касални зиёрат қилса, гўёки Аллоҳ йўлида бир кун рўза тутгандекдир. Бир куни етти юз кунга тенг», дедилар. Яна бир ҳадиси шарифда Жаноби Расулulloх саллаллоху алайҳи васаллам марҳамат қиладилар: «Кимки касал етган одамни кўргани борса, осмондан бир нидо келадики: «Яхши иш қилдинг, қадамнинг кутлуғ бўлди, сен ўзинг учун жаннатдан жой тайёрладинг», дедилар (Имом Термизий ривояти).

Шу боис бемор одамни зиёрат қилгани борганда ундан дуо сўрашни ҳам унутмаслик керак. Зеро, Аллоҳнинг берган дардига сабр қилиб етган беморнинг дуоси, албатта, ижобат бўлади. Бу ҳақда Жаноби Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи васаллам: «Агар хаста-бемор кимсани олдига борсангиз, сизни ҳаққингизга дуои хайр қилишини сўранг, чунки унинг дуоси фаришталарнинг дуоси каби ижобат бўлади», деб марҳамат қилдилар.

Демак, бирор-бир орзу ниятингиз бўлса ижобат бўлишини хоҳласак, улкан савоб истасак, бемор яқинимизни йўқлашимиз керак экан. Шунда нафақат ажрга эга бўламиз, балки ундан дуо олиб хожатимиз раво бўлади.

Касални хушнуд этиш тавсия этилган

Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи васаллам «Мусулмон киши қачон касал дўсти зиёратига борса, то у қайтиб келгунча жаннат боғлари ичра сайр қилиб юрган бўлади», деб марҳамат қилдилар (Имом Муслим ривояти).

Оиша разияллоху анҳо ривоят қиладилар. Ҳазрати Пайғамбар алайҳиссалом касалларни бориб кўрадилар ва: «Ё Аллоҳ, инсонларнинг Парвардигори, касалликни кетказгин, шифо бергин, ўзинг шифо берувчисан, ўзининг шифоингдан ўзга шифо йўқ, касални ташлаб қўймайдиган шифо беришни сўрайман», деса, Аллоҳ унинг бу касаллигига шифо беради, дедилар» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари).

Узоқ умр кўриши ва соғайиб кетишини айтиб касални хушнуд этиш тавсия этилган амаллардандир. Абу Саид Худрий разияллоху анҳо ривоят қиладилар, Ҳазрати Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи васаллам: «Агар касалнинг олдига кирсангизлар, унга умри ҳақида тасалли берингизлар. Чунки у бирон нарсани қайтармайди ва касални хушнуд этади», дедилар (Имом Термизий ва Имом Ибн Можа ривоятлари).

Ширин сўзларни айтишлик, чунки...


Маълумки, хаста одам, айниқса, анча муддат етган бўлса, инжиқ табиат, кўнгли жуда нозик бўлиб қолади. Бундай ҳолга тушган киши мулоимлик ва ширин сўзга эҳтиёжманд бўлиб қолиши табиий. Инчунин, касал зиёратига борган киши мазкур ҳолатларни, албатта, инobatта олиб ширин сўзларни айтиши керак.

Юқорида зикр қилинган ҳадиси шарифлар ва шу асосдаги фикр-мулоҳазалар одатий турмуш тарзимизга хос бўлган ишлардир. Айни пайтдаги карантин ҳолатида бемор яқинимиз ё дўстимизни телефон орқали ҳол-аҳвол сўрашимиз, дардманд биродаримизнинг ёнидаги кишилар орқали дори-дармон ё зарур озик-овқат учун электрон шаклда пул ўтказиб, дуосини олишимиз бугунги кунда жуда ҳам зарур ва беқиёс савобли ишлардандир!

Аллоҳ таоло барчаларимизни хайрли ишларга харис қилсин, беморларимизга хомил шифо берсин, бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлишимизни насиб этсин!

Иброҳимжон ИНОМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари.

«Имом Термизий» ўрта махсус ислом таълим муассасаси иш фаолиятини бошлади.



ГОНКОНГ

катта ғавғолар марказида

Европа Иттифоқи ва яна саккиз мамлакат қонун чиқарувчиларидан иборат гуруҳ Хитойга қарши туриш учун коалиция шакллантиришди. АҚШ сенатори Марко Рубионинг айтишича, Хитой қудратининг ўсиши бутун дунёга қақирқидир. Янги альянснинг вазифаси Ғарбнинг унга қарши жавобларини мувофиқлаштиришдан иборат бўлади.

Хитоб муаллифларининг сўзларига кўра, уларнинг ХХРнинг либераллашувиغا қаратилган умидлари чилпарчин бўлган. Шунинг учун халқаро ҳуқуқни, инсон ҳуқуқларини, адолатли савдонини ҳимоя қилиш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш керак. Депутатлар иттифоқи АҚШ ва Хитой ўртасида совуқ уруш юзага келган бир пайтда дунёга келди ва таъбир жоиз бўлса, Вашингтон учун Пекинга қарши босим кўрсатишда янги қуролга айланиши мумкин.

«Бизнинг Пекин билан яқинлаштишга асосланган интилишларимиз энди реалликка жавоб бермайди» – дейилади альянс таркатган баёнотда. Улар Хитойга қатор эътирозларни билдиришади. Пекин коронавирус билан боғлиқ касалликлар миқдосини яширган, Гонконгнинг мухторият мақомига дахл қилган, Huawei технологик компаниясидан ғарб алоқа тармоқлари устидан жосуслик мақсадида фойданмоқчи, мамлакатнинг Синжон–Уйғур мухтор ҳудудида уйғурларни лагерларга ташлаган каби айбловлар шулар жумласидан.

Янги гуруҳга АҚШ, Канада, Япония, Норвегия, Германия, Швеция, Австралия, Буюк Британия, шунингдек, Европа Иттифоқи парламентларидан депутатлар киришган. Аммо уларнинг бирор бир натижага эришиши қийин. Бунинг учун ҳукуматларидан «оқ фотиҳа» олишгани йўқ.

Кескинликнинг бош сабаби нима?

Кескинликнинг бош сабаби уйғурлар ҳам эмас, инсон ҳуқуқлари ёки жосуслик масаласи ҳам эмас. Ҳамма гап Гонконгнинг Хитой ва Америка ўртасидаги зиддиятда «қайноқ нуқта»га айланганда. Бунга Хитой парламентининг Пекиннинг Гонконг устидан назоратини кучайтиришини кўзда тутувчи миллий хавфсизлик ҳақидаги қонунни қабул қилиши сабаб бўлди. Қонун Хитой миллий қонунчилигини Гонконг ҳудудида қўллаш ҳуқуқини тасдиқлайди ҳамда ташқи кучларнинг минтақа

ишларига аралашувини тақиқлайди. Шунингдек, ҳужжат Хитой махсус хизматларига «миллий манфаатларини ҳимоялаш учун» Гонконг ҳудудида ваколатхоналар очишга имкон беради.

АҚШ давлат котиби Майк Помпео мазкур қонуннинг қабул қилинишни минтақада эркинликнинг йўқ бўлиши дея баҳолади. Британия ва Канада ҳукуматлари эса янги қоидалар жиддий хавотирга сабаб бўлаётганини билдирди. Буюк Британия бош вазири Борис Жонсон 3 миллион гонконгликлар учун бирлашган қиролликка киришни оsonлаштирувчи тизим жорий этишга ваъда берди. Бошқа томондан Гонконгни ХХР бошқарувига топширар экан, Британия орол яшовчиларининг демократик ҳуқуқлари 50 йил мобайнида таъминланишига кафолат берган. Аммо Пекиннинг Гонконг учун миллий хавфсизлик тўғрисидаги қонунни маъқуллашини кафолатларни йўққа чиқарадиган қурол деб баҳолашмоқда.

АҚШ ҳам жавобини кўп куттирмади

АҚШ ҳам Пекин қарорига жавобини кўп куттирмади. Вашингтон Гонконг билан имтиёзли савдо режимини бекор қилди. Шаҳар мухториятини йўқ қилишга алоқадор хитойлик амалдорларга қарши санкциялар жорий этди. Энди Трамп таъбири билан айтганда, «Хитой таъсири остидаги» Жаҳон савдо ташкилоти билан ҳар қандай алоқаларни узмоқчи. Бу ҳақда президент Дональд Трамп баёнот берди. Шу билан бирга, АҚШ шаҳардаги кўчмас мулклар ва активларини сотишга киришди.

Президент Трамп ҳеч қачон Гонконг тақдирига алоҳида эътибор қаратмаган. Бироқ энди сиёсат ўзгарди. Трамп савдо шартномасига қизиқиши йўқолганга ўхшайди, чунки у COVID-19 пайдо бўлишида Хитойни айб-ляпти ва қайта сайланишга тайёргарлик кўрмоқда. Трамп бу сафар Гонконг, Тайван ва Жанубий Хитой денгизи каби мунозарали

масалаларда қатъий позицияни кўллаб-қувватлаётган маслаҳатчиларининг гапига кирмоқда.

Энди нима бўлади?

Албатта, ўсиб бораётган геосиёсий кескинликлар ва савдонинг пасайиши Гонконг учун зарарли ҳисобланади, шаҳардан жорий сармоялар кетиши мумкин. Гонконгнинг қонуний ва молиявий мустақиллиги шаҳарни Хитойда бизнес қилишни истаган халқаро компаниялар учун жозибали жойга айлантирганди. Гонконг глобал иқтисодиётда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Чунки Хитойнинг ўсиши ва глобал иқтисодиётга ўрнатиши ҳар қандай мафқуравий тафовутларни бартараф этиб, барчага фойда келтиради деган ғоя ҳанузгача мавжуд эди. Гонконг мухториятининг тугаши ҳам ана шундай қарашларнинг барбод бўлишини аниқлатади.

Асосий муаммо шундаки, бу ва бошқа масалалар Хитой ва Ғарбни кескинлик ёқасига келтириб қўйди. АҚШнинг халқаро муносабатлар буйича Кенгаши келаси бир ярим йил ичида икки буюк давлат ўртасидаги ҳарбий ҳаракатлар бўлиши эҳтимоли ҳақида маълум қилди. Ҳозир эса Америка–Хитой сиёсий муносабатларига дарз кетди.

Биринчидан, АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Хитойнинг Шинжон–Уйғур мухториятидаги уйғурлар ва бошқа муслмон гуруҳларни тақиб қилаётган хитойлик амалдорларга қарши санкцияларни қўловчи қонун лойиҳасини деряли бир овоздан қабул қилди. Иккинчидан, Вакиллар палатасига ХХРнинг Тибет автоном ҳудудини алоҳида мамлакат сифатида эълон қилувчи қонун лойиҳаси киритилди. Бу Тибетни Хитойдан ажралиб чиқилишига чорловчи қадам. Бироқ ХХР Мудофаа вазирлиги вакили У Цянь давлат учун бosh таҳдид Тайван айирмачиларининг «ғимирлаб» қолгани деб айтди.

Америка манбаларига кўра, Хитой миллий озодлик армияси кўмондонлиги Тайван ва унинг хи-

мойчаси Вашингтонга агар орол мустақиллигини эълон қилишга жазм этса, куч қўллашга тайёрлигини намойиш этишга қарор қилган. «New York Post» газетасининг ёзилишича, Пекин Тайван қирғоғи ва Жанубий Хитой денгизига иккита авиаташувчи гуруҳлар жўнатишни кўзлаган.

Оқибати қандай бўлади?

АҚШ халқаро муносабатлар буйича кенгаши тайёрлаган маърузага кўра, савдо соҳасидаги келишмовчиликлар ва корона-вирус пандемияси борасидаги айбловлар ошиб боргани сари ҳарбий қарама-қаршилик хавфи ортиб боради. Айни пайтда Пекин АҚШ билан қарама-қаршиликка бормаслик ва минтақа давлатлари билан муносабатларда вазият-ни кескинлаштирмаслик йўлини танлади.

Экспертлар фикрича, агар мамлакат ичкарисидаги ва халқаро сахнадаги вазият ўзгарса, расмий Пекин агрессив стратегия йўлидан боради. Америка таҳлилчилари назарида Си Цзиньпинни бундай йўлга уч ҳодиса ундайди. Биринчидан, Гонконгдаги вазиятнинг ёмонлашуви, иккинчидан, Тайван мудофаа салоҳиятининг мустаҳкамланиши, учинчидан, мамлакат ичкарисида расмийларнинг вирусга қарши курашдаги чораларининг танқидга учраши. Бундай шароитларда ХХР раиси кескин ҳаракатларга тайёрлигини намойиш этишга мажбур бўлади.

Бу чоралар Хитойнинг ўзига ҳам зарба бўлиб тушади. Шунинг учун минтақавий сиёсатда томонлар эҳтиёткорлик қилишга мажбур. Аммо Вашингтон Хитойнинг ўсиб бораётган иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий қудратини жиловлаш йўлидан қайтмайди. АҚШ дунёда ҳукмронлик ўрнатиш, бир кутбни дунё тартиботини яратиш йўлида собитқадам экан, рақобатчисига ўрни келган жойда зиён етказишга уриниб кўради.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.



БМТ Бош котиби сайёрамизда озиқ-овқат ҳалокати юз беришидан огоҳлантирди.

Хар йили шу паллада маҳалла ёшлари ўртасида спорт ўйинлари қизғин тусга кирарди. Бу йил негадир ҳаммаёқ жим-жит. Бунга карантин чекловлари сабабдир балки. Ёки тизим ўзгариши спорт ўйинларининг-да тақдирига таъсир қилдими?



Бу савол нафақат бизни, балки кўглаб спортсевар ёшларни ҳам қизиқтириши табиий. Хўш, аслида нима гап? Бундан буён ҳам маҳалла ёшлари ўртасида спорт ўйинлари ўтказиладими? Балки янги мусобақалар ташкиллаштириш кўзда тутилгандир? Аввалгилардан қай бири ўз «статусини» сақлаб қолди? Агар мусобақалар ўтказилса, қачон ва қаерда ташкил этилади? Шартлар, низомиларда ўзгаришлар борми?

Шу каби саволларга жавоб топши мақсадида Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Тошпўлат Холиқов билан суҳбатда бўлдик.

Спорт ўйинларида «трансфер»: бадминтон ўрнига волейбол

— Тизимнинг ўзгариши спорт ўйинларининг йўналишлари ва ўтказилиш тартибига ҳам таъсир қўрсатди, албатта, — дейди Тошпўлат Холиқов. — Ўзгаришларни киритишда ўтган йилги таҳлилларга асосланилди, ёшларнинг қизиқишлари эътиборга олинди. Чунончи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш оранларида ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида кураш бўйича «Маҳалламиз пахлавонлари», стол теннис бўйича «Маҳалламиз стол теннисчилари», шахмат-шашка бўйича оилалар ўртасида «Биз — ақл-идрокли оилаларимиз», енгил атлетиканинг спринт йўналиши бўйича «Биз — эпчил ва чаққонимиз»,

волейбол бўйича ўсмирлар ўртасида «Маҳалла кубоги» мусобақалари ташкил этилади. Мусобақаларнинг маҳаллалараро, туман (шаҳар) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларини июнь-август ойларида ўтказиш режалаштирилган.

Эътибор берган бўлсангиз, спорт ўйинлари сони биттага камайган. Хусусан, бадминтонга қизиқиш камлиги ва ҳамма жойда ўтказиш учун шароит йўқлиги учун «Маҳалламиз бадминтончилари» беллашувлари ўтказилмайдиган бўлди. Унинг ўрнига қизиқиш юқори бўлган волейбол спорт тури бўйича «Маҳалла кубоги» баҳслари киритилди. Шунингдек, 2019 йилда иштирокчилар сони етарли бўлмагани учун «Отам, онам ва мен — спортчи оила» мусобақаси ҳам олиб ташланди.

Маҳалла ёшлари ўртасида футбол бўйича «Футболимиз келажги» ва «Чарм тўп» мусобақалари қаторига «Маҳаллада футбол» қўшилди.

Мусобақаларнинг ўтказилиш тартиби ўзгарганми?

— Хар бир спорт ўйини бўйича мусобақаларни ўтказиш низомилари ишлаб чиқилди. Мавжуд спорт ўйинларини ўтказиш тартиби деярли ўзгармаган. Масалан, кураш бўйича «Маҳалламиз пахлавонлари» мусобақаси маҳалла биринчилиги, секторлар бўйича маҳаллалараро, туман (шаҳар) ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида ўтказилади.

Шахмат ва шашка бўйича «Биз — ақл-идрокли оилаларимиз» мусобақаларида иштирок этувчи хар бир оиладан шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, туғилганлик гувоҳномаси нусхаси), яшаш жойидан маълумотнома, иш ва ўқиш жойидан маълумотнома (расми билан муҳрланган ҳолда), фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланган оила жамоа қатнашчиларининг буюртма-рўйхати

Тизим ўзгарди: маҳалла спорт ўйинларининг тақдири нима бўлади?

тақдим этилади. Финал мусобақасида иштирок этувчи оилалар, ҳудудий босқич биринчилигида голиб бўлгани ҳақида мусобақа баённомасини тақдим этишлари шарт.

Югуришдан стол теннисигача

— Юртимизда енгил атлетика спорт турини янада ривожлантириш, маҳаллалардаги болалар ва ўсмирлар ўртасида унинг спринт йўналишини оммалаштириш мақсадида ўтказилаётган «Биз — эпчил ва чаққонимиз» мусобақасида эса 11-14 ёшли ўғил ва қиз болалар қатнашиши мумкин. Баҳслар 100, 400 ва 1500 метрга югуриш ва узунлик сакрашда яққалик баҳслари ҳамда 4х100 м.га ва 4х400 м.га жамоалар ўртасида эстафета баҳслари шаклида ўтказилади. Маҳаллаларда ташкил этиладиган 11-14 ёш тоифасидаги югуриш жамоалари битта, иккита ва ундан ортиқ бўлиши мумкин.

«Маҳалламиз стол теннисчилари» бўйича маҳаллаларда уюштириладиган мусобақаларда битта, иккита ва ундан ортиқ жамоалар қатнашади. Бунда иштирокчиларнинг натижаларига кўра маҳалланинг голиб жамоаси мусобақанинг маҳаллалараро сектор биринчилигида қатнашади.

«Маҳалла кубоги» қандай тартибда ўтказилади?

Спорт ўйинлари орасида «Маҳалла кубоги» бу йил дебютини ўтказди. Ҳақли савол туғилади, нега айнан волейбол?

— Сўнги йилларда ёшларимиз орасида ушбу спорт турига бўлган қизиқиш ортди, — дейди Т.Холиқов. — Қолаверса, волейбол — жамоавий ўйин. Бу ёшларни спорт мусобақаларига оммавий равишда жалб қилишга ёрдам беради. Мусобақа 14-16 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлардан иборат жамоалар ўртасида ўтказилади. Маҳалла босқичида кўча, кўп қаватли уй ва ҳовли бўйича тузилган гуруҳлар қатнашиши мумкин. Жамоаларни фуқаролар йиғини раиси бошчилигида, фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси жамоатчи спорт тарбиячиларини шакллантиради ва мураббийларни тайинлайди.

Мусобақанинг I босқичи ма-

ҳалларда (маҳалла биринчилиги) фуқаролар йиғини раислари, фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, жамоатчи мураббий раҳбарлигида ўтказилади. II ва III босқич (секторлар бўйича маҳаллалараро ва туман (шаҳар) босқичлари) мусобақалари туман ва шаҳар ташкилий кўмиталар раҳбарлигида ташкил қилинади. Сўнги IV босқичга (ҳудудий финал босқичи) ҳудудий ташкилий кўмиталар ва Республика ташкилий кўмитаси бошқош бўлади.

Мусобақанинг кейинги босқичига йўл олган жамоаларнинг таркиби ўзгартирилмайди. Агар маълум бир сабабга кўра жамоанинг таркибини ўзгартириш зарур бўлса, жамоа раҳбарларининг тегишли ёзма мурожаатига асосан ташкилий кўмита томонидан мусобақадан аввал ҳужжатларни расмийлаштириш даврида мазкур масала кўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

«Футболимиз келажги», «Чарм тўп» + «?»

— Энг кўп ёшларни бир ерга жамлай олган «Футболимиз келажги» ва ўтган йил старт берилган «Чарм тўп» мусобақалари жорий йил янада шиддатлироқ бўлади. Негаки, бу таркибда энди «Маҳаллада футбол» ҳам бор.

Битта спорт тури бўйича учта мусобақа ўтказишни нима кераги бор? Улар бир-бириндан нимаси билан фарқ қилади?

Гап шундаки, футбол баҳслари ёш доирасига қараб фарқланади. 9-12 ёшлилар «Футболимиз келажги», 13-14 ёшлилар «Маҳаллада футбол» ва 15-16 ёшлилар «Чарм тўп» майдонларида истеъдодини намоён этади. Бундан кўзланган асосий мақсад — таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда маҳаллаларда истиқомат қилаётган болалар ва ўсмирлар ўртасида футбол бўйича комплекс спорт мусобақаларини ўтказиш, иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва уларни мақсадли тайёрлашдан иборатдир.

Хуллас, маҳалла спортсеварлари шай турун, ҳадемай мусобақаларга старт берилади. Унда бор маҳоратингизни кўрсатиб, маҳалладошлар ишончини оқлаш учун машғулотларни қанда қилманг.

Садоқат МАХСУМОВА
«Mahalla»



Ўзбекистонда «Фахрий мураббий» ордени таъсис этилди.

БЕҲБУДИЙГА СУИҚАСД қандай содир бўлган?



Туркистон жадидчилик мактабининг асосчиси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг сўнги кунлари, фожиали ўлими тўғрисида ёзиш оғир. Аммо бу тараққийпарвар, юртпарвар аждодимиз ҳаётининг нисбатан кам тадқиқ қилинган қисмига боғлиқ бўлган боис ҳам шунга жазм этдик. Зеро, ўтмиш инсониятни хушёрликка чорлаб, сабоқ чиқаришга ундаб туради.

Амирликнинг совет ҳукумати билан махфий келишуви бўлганми?

Маълумки, Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз шериклари Мардонкул Шомухаммадзода ва Муҳаммадқул ўринбой ўғли билан бирга Бухоро амирлигига қарашли Шаҳрисабзда қўлга олинган ва Қаршига келтирилган. Қарши беги Тоғайбек буйруғи билан зиндон яқинидаги «подшолик» чорбоғида амирнинг Қарши шаҳридаги волииси Нуриддин Оғалиқ томонидан 1919 йил 25 мартда ваҳшиёна ўлдирилган.

Албатта, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ваҳшиёна ва хиёнаткорона ўлими халқимизни ларзага солган. 1920 йилнинг апрелида бу табаррук инсон туғилган Самарқанд шаҳрида Бухоро амираи ва унинг жоҳил амалдорларига қарши умумхалқ намоиши бўлиб ўтади. Намойишчилар амирдан Беҳбудий қотилларини жазолашни қатъий талаб қилишади. Халқнинг талаби амир томонидан инобатта олинмаганлиги Беҳбудийнинг фожиали ўлимида амирлик ва совет ҳукуматининг махфий келишуви борлигини кўрсатади. Совет ҳокимияти йилларида авж олдирилган дискриминация сиёсатининг тиғи Туркистон минтақасидаги зиёлиларни бирин-ке-

тин йўқотишга ҳам қаратилган эди. 1920 йил сентябрь ойи бошида амир ҳукумати ағдарилиб, Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил топганидан сўнг Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг Самарқандда фаолият юритаётган шогирдлари, сафдош ва маслакдошлари унинг қабрини излаб топиш, қотилларни аниқлаш ҳаракатига тушишади.

Нуриддин Оғалиқ ўз мавқени қандай сақлаган?

Бухоро Халқ Совет Республикаси 9 вилоятдан иборат бўлиб, уларнинг бири Қарши эди. Қаршида ушр-солиқ назорати идорасининг бошлиғи бўлган Нуриддин Оғалиқ (Нуриддинхўжа Оғалиқ Аҳмадхўжа ўғли) «Самарқанд комиссияси»нинг Қаршидаги фаолиятига йўл қўймаган. Қарши шаҳридаги ҳукумат аъзолари эса унинг хоҳиш-иродасига қарши боролмаганлар.

Шу ўринда кишини ўйлантирадиган бир савол туғилади. Амир даврида эътиборли мансабда ишлаган Нуриддин Оғалиқ Шўро ҳукуматида ҳам ўз мавқени сақлаб қолишга қандай эришди экан? Бу ҳанузгача жумбоқ бўлиб қоляпти. Нуриддин Оғалиқ комиссия фаолиятига йўл қўймай «ёпиклик қозон ёпиғлигича қолади», деб ўйлаган. Лекин БХСР ҳукумати тафтиш комиссияси 1923 йилнинг кузида Қарши вилояти солиқ идораси фаолиятини текширувдан ўтказди. Комиссия Оғалиқ ҳамда унинг сафдошлари катта қонунбузарлик ва жиноятга қўл урганини аниқлайди. Нуриддин Оғалиқ ва унинг ҳамтовоқлари — Ҳожи Абдулазиз Боқиев, Мирзо Маҳмуд

Ҳожи Ибод ўғли кабилар олий инқилоб трибунали судига берилди.

Нуриддин Оғалиқ солиқ идорасининг бошида турганида: «...ҳукуматнинг 42 минг пуд бугдойини, 20 минг олтин газмолини ўғирлагон 2000 кўй, 20000 қорақўл териси бўлгон, меҳнаткашлардан 1000-2000 нафарини ярим оч, ярим тўх ҳолатда ўз ерларида ишлатгон... Оғалиқнинг қилгон ишларини, жабр ва зулмлари, хиёнатларини ёзиб, учига чиқариш мумкин эмас», деб ёзади «Бухоро ахбори» газетаси. Ушбу шахснинг юқоридаги қонунбузарликка қаратилган хатти-ҳаракатларига буюк мутафаккир Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаётига зомин бўлгани билан боғлиқ жинояти ҳам қўшилган.

Суд «Нуриддин Оғалиқни отишга, қолгон иккисини беш йилга қамоққа олишга қарор қилди. Ҳукм Регистонда бўлиб, 5 мингта яқин киши иштирок қилди». Нуриддин Оғалиқни отиш ҳукми 1923 йил 19 сентябрь кеч соат 19:00 да ижро этилган. Бу ҳақда газета «Беҳбудий ва рафиқларининг ўлдирилишига сабаб бўлгон фуқаро ҳукуматининг молига хиёнат қилган мазкур Оғалиқ 19 сентябрда (1923 йил) одил ҳукуматимиз томонидан отилди, демак, Беҳбудий ва рафиқларининг ўчлари олинди», деб ёзади. Шундай қилиб, Беҳбудий ўлимидан 4 йил кейин қотил ўзининг жазосини олган.

Саволлар кўп, жавоблар эса...

Шундан сўнг Бухоро ҳукумати томонидан Қарши вилояти ижроқўми раиси Жўра Зокирий ҳамда Қарши вилоят фирқўми Назаров зиммасига Беҳбудий қабрини қидириб топиб, унинг ҳайкалинини ўрнатиш вазифасини юклаган. «Бухоро ахбори» газетасида бу ҳақда шундай хабар берилган: «Маҳмудхўжа Беҳбудий қабри оз кунда (тез кунда) топилди, устига ҳайкал ишланиб ётадур. Беҳбудий ўзининг ўртоқлари билан ҳибсхонанинг ёнида вокзалга қарагон тарафда ҳаммаси бир қабрга қўмилгонлар. Беҳбудий қабрини излаб топиб, устига ҳайкал ишлатишга Қарши вилоят ижроқўми билан вилоят фирқўмининг бошида ўлтирган Жўра Зокирий ва Назаров ўртоқлар кўп ғайрат қилгонлар». Лекин бу мутасадди шахслар ўзларига юкланган вазифани удаламагани манбаларда қайд қилинади.

«Озод Бухоро» газетасининг 1923 йил 19 октябрдаги сониди: «Туркистоннинг машҳур жамоат ходимларидан Беҳбудийнинг исмини умрбод (абადий) қолдирмоқ учун Қурултой (Бухоро Республикаси қурултойи) Қарши вилоятини Беҳбудий вилояти деб исламамақа қарор берди», деб хабар беради. Демак, Беҳбудий номи Қарши вилоятига 1923 йилдаёқ берилган. «Озод Бухоро» газетасининг 1923-1925 йиллар давомидаги сонларида ҳам Қарши вилояти ҳақида фикр билдирилса, уни «Беҳбудий вилояти» деб қайд қилингани билан боғлиқ маълумотлар учрайди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий билан боғлиқ салмоқли мақола муаллифи «Мусофир»нинг асл исм-шарифи ким бўлган? Беҳбудий қотили Нуриддин Оғалиқни 3 йил давомида Бухоро ҳукумати органларида ишлаб келишига қайси шахслар ҳомийлик қилди экан? «Тўри Амир» (Самарқанд) дарвозаси олдида Маҳмудхўжа Беҳбудий бир гуруҳ зиёлилар билан бирга тасвирга тушганлар орасида Оғалиқ(?) деган ҳам бор. У қайси Оғалиқ? Қарши вилояти раҳбарлари нега ўзларига юкланган вазифани охиригача бажармадилар? Бу каби жумбоқли саволлар тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига тортиши табиий ҳол.

Хулоса ўрнида

Хуллас, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Бухоро тарихи муаммоси билан боғлиқ тадқиқотларнинг келгусидаги вазифалари шу каби саволларга жавоб топмоқдан иборатдир.

«Сизларга васият қиламан. Маориф йўлинда ишлайтургон муаллимларнинг бошини силангизлар. Маорифга ёрдам этингиз. Ўртадан нифоқни кўтарингиз. Туркистон болаларини илмисиз қўймангизлар. Ҳар иш қилсангиз, жамоат билан қилингизлар. Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар. Бухоро тўпругига тезлик ила йўл бошлангизлар. Озодликни тезлик ила юзга чиқарингизлар».

Бу сўзлар манкурт ваҳшийлар қўлида азоб чеккан Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ўз умри сўнги дақиқаларида қилган васияти, бўғзида қотган дил ноласи эди.

Шодмон ҲАЙИТОВ,
Бухоро давлат университети
профессори.
Камол РАҲМОНОВ,
тарих фанлари номзоди.



Янгийўл тумани «Маданият» маҳалласидаги хонадондан мил. ав. III асрга оид қабр топилди.

САЛОМАТЛИК

Санаторийга шахсий машинада борса бўладими?



– Водийликмиз, Зомин санаторийсига йўлланма олганмиз. Шахсий машинада борсак бўладими?

Аҳмад ЙЎЛДОШЕВ.
Марҳамат тумани.



Нурмат ОТАБЕКОВ,
Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиғи:

– Албатта. Агар «пугёвка» нгизда паспорт маълумотлари, Зомин санаторийсида даволаниш учун шифокор томонидан берилган санатор-курорт картаси ҳамда 3 кун олдин коронавирусга топширилган тест натижалари кўрсатмалари бўлса, бемалол боришингиз мумкин.

НИКОХ

Никоҳдан ўтмас жарима қўлланиладими?



– Никоҳдан ўтиш учун 2 март куни ариза берган эдим, карантин туйғайли уни бориб олишингиз имкони йўқ. Бизга жарима қўлланиладими?

Абдулла ПЎЛАТОВ.
Наманган вилояти.



Зафар РАҲМОНОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

– Амалдаги тартибга кўра, никоҳга кириш ҳақидаги ариза қабул қилинганидан сўнг белгиланган 1 ойлик муддатда никоҳланувчилар ФХДё бўлимига мурожаат этишмася яна уч ойгача мурожаат этишга ҳақли. Яъни жорий йилнинг 3 июль кунига қадар мурожаат қилишингиз мумкин. Бунда фақат ўз вақтида келмаганлик сабаби аризада баён этилади. Ҳеч қандай жарима ёки ҳужжат талаб этилмайди, фақат тиббий кўрик натижаси бўйича маълумотномани тақдим этиш лозим.

ИЖТИМОЙ ҲИМОИ

Ногиронлиги бор шахслар даромад солиғидан озод этилганми?



– II гуруҳ ногирониман. Эшитишимча, ногиронлиги бор шахслар 2020 йилда ойлик иш ҳақидан даромад солиғини тўлашдан озод этилган экан. Шу ростми?

Д.ЎРИНОВ.
Сурхондарё вилояти.



Дилдора ҲОШИМОВА,
Давлат солиқ қўмитаси давлат солиқ катта инспектори:

– Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 380-моддасига асосан, болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар, шунигиндек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар қисман, яъни даромадлар қайси ойда олинган бўлса, ўша ойда ҳар бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдоридagi даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғидан озод этилади. Бунда ушбу имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий меҳнат эксперт комиссиясининг маълумоти асосида берилди.

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

«Ишсизлик нафақаси олсам бўладими?»



– Карантин сабабли ишдан бўшашга мажбур бўлдим. Ишсизлик нафақаси олишим мумкинми?

Одилбек МУРОДОВ.
Фарғона вилояти.



Савара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари:

– Бўлади, бунинг учун ҳудудий бандлик ва меҳнат муносабатлари бўйича органга мурожаат қилишингиз лозим. Амалдаги қонунчиликка кўра, ишсизлик нафақаси кўпи билан ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ёки узок (бир йилдан ортик) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсга ўн икки ойлик давр мобайнида йигирма олти календарь ҳафта, илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахсга эса ўн уч календарь ҳафта мобайнида тўланади.

ТИББИЁТ

Ибупрофенни қабул қилиш мумкинми?



– Интернетда тана ҳарорати ошганда ибупрофен қабул қилиш коронавирус инфекцияси кечишини қийинлаштириши ҳақида хабар ўқидим. Шу тўғрими?

Адиба КАМОЛОВА.
Тошкент шаҳри.



Ҳабибулла ОҚИЛОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси:

– Ҳа, халқаро тавсияларга кўра, коронавирус инфекциясида ибупрофенни тана ҳароратини туширишда қабул қилиш тавсия этилмайди. Агар сиз ўзингиз ва оила аъзоларингизда тана ҳарорати ошганини ёки ЎРВИ аломатларини сезсангиз, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қисқа рақамига мурожаат қилинг. Ўзини ўзи даволаш қатъий тавсия этилмайди.

